
Етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ!

Бобур ва дунё

Маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнал №3(20) 2021 йил. Сентябрь



Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.


Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг 30 йиллик байрамига
бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.

МУНДАРИЖА

4. Хушхабар

“Зокиржон Машрабовга армуғон” ёки “Бобур изида ўтган бир умр”



5. Эътироф

Азизуллаҳ АРРАЛ.
Бобурни изласангиз,
Зокиржон Машрабовни бориб кўринг

11. Матншунослик


Ваҳоб РАҲМОН.
“...Ул ой қоши гўё хаёлдур”





15. Янгилик

Отабек ЖЎРАБОЕВ.
Бобур “Аруз рисоласи”нинг номаълум қўлёзмаси



18. Тадқиқот

Буробия РАЖАБОВА.
Темурийлар ренессанси атамаси ҳақида

25. Хазина

Сайидбаҳром АЗИЗОВ.
“Бобурнома”да йил ҳисоби тақвими

28. Улуғларни англаш

Эргаш ОЧИЛОВ.
Навоий ва Лутфий

34. Адабиётшунослик

Сулаймон ХАЛИЛОВ.
Шоҳфариб Мирзо Ғарибий




42. Қиёсий адабиётшунослик

Абдулазиз ҚОСИМОВ.
“Фауст” трагедияси: ўқитувчи, шоир ва таржимон



48. Руҳият тилсимоти

Гулчехра СУЛТАНОВА.
Кўнгилдан кўчган нақшлар



53. Эъзоз

Мирмуҳсин МИРЗОКИРОВ.
Чўлпон уй музейи



56. Ҳикоя

Холиёр САФАРОВ.
Жийрон



62. Ўлмас сатрлар

Омон МАТЖОН.
Баҳорингни бермагил куза



65. Ҳозирги адабий жараён

Манзура ОТАЖАНОВА.
Туркий халқлар этномаданий қадриятларининг ўзига хос бадиий талқини

73. Ёднома

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ.
Сўнгги кун, сўнгги шеър




77. Ёшлар минбари

Нозимахон МИРЗАЕВА.
“Муғанний тутса жоми май сабуҳ...”

79. Латиф лутфлар

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ.
«Дўстим тўғри айтган экан...»

“ЗОКИРЖОН МАШРАБОВГА АРМУҒОН” ЁКИ “БОБУР ИЗИДА ЎТГАН БИР УМР”



Туркиялик профессор Муневвер Текжан томонидан “Зокиржон Машрабовга армуғон. Бобур изида ўтган бир умр” номли китоб Туркияда (Istanbul: 2021. Post Yayin Dag`itim, 182 s.)нашр қилинди. Бобуршунос олима мазкур китобга дунё бобуршунос олимларининг шоҳ ва шоир Бобурнинг шонли ҳаёти, ижоди ва дурдона асарлари ва устоз Зокиржон Машрабовнинг серқирра фаолиятига бағишланган тадқиқотлар акс этган мақолаларни жамлаган. Мақолалар ўзбек, рус, инглиз, турк тилларида битилган. Уларни мазмун мундарижасига қараб қуйидагича тасниф қилиш мумкин.

1. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мақолалар;

2. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов шарафига бағишланган мақолалар.

У китобга қисиқа, аммо мазмунли сўзбоши ёзган. Китобдан ёзувчи Қамчибек Кенжанинг “Геолог – Арбоб – Бобуршунос”, адиб Хайриддин Султоновнинг “Бобурийлардан бири”, тарихчи олим Абдумажид Мадраимовнинг “Фидоий инсон Зокиржон Машрабов ҳақида”, қирғизистонлик профессор Бегижон Аҳмедовнинг “Эзгуликка йўғрилган умр”, матншунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг “Бобуршунос”, япониялик таниқли бобуршунос олим Эйжи Манонинг “XV-XVI асрларда Марказий Осиёда подшоҳ ва унга тобелар муносабатлари масалалари”, ҳиндистонлик бобуршунос, профессор Мансура Ҳайдарнинг “Бобурга ретроспект қараш – янгича ёндашув”, венгриялик турколог олим Бенедек Перининг “Бобурнинг ғазал шеърияти ва ғазалларнинг замонавий нашрлари”, профессор Муневвер Текжаннинг “Бобур биографияси: Танлов”, академик Абдулла Аъзамнинг “Бобур дастхати билан битилган рубоий”, “Бобур” девонини Туркияда нашрга тайёрлаган профессор Билол Ожелнинг “Babur Divani`ndaki Izharu`l-Muzmer Sanati Hakkinda”, туркманистонлик профессор Раҳиммаммет Куреновнинг “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги топилган қўлёзмаси”, озарбайжонлик профессор Рамиз Аскернинг “Феномен Бабура”, таниқли диний уламо Мирзо Кенжабекнинг “Бобур Мирзонинг фиқҳий ва тасаввуфий фазилатлари” каби бир-биридан қизиқарли мақолалар ўрин олган.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги “Паркент ижод уйи”да “Зокиржон Машрабовга армуғон. Бобур изида ўтган бир умр” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда профессор Муневвер Текжен мазкур китоб юзасидан маъруза қилди.

Алишер Навоий куллиётининг Париж нусхаси ўзбек тили ва адабиёти тарихида беқиёс хазина қолдирган шоир асарларининг замонавий тўпламларини нашр этишда асарлар матнининг саводлилик даражасини таъминлашдагина эмас, китобат ишининг бадиий жимжимадорлиги масаласида ҳам ўтмиш аждодларимиздан ибрат олишимиз лозимлигини ёдга солиб туради. Келгусида куллиёт таркибидаги асарлар факсимиле ва бошқа илмий нашрларга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БОБУРНИ ИЗЛАСАНГИЗ, ЗОКИРЖОН МАШРАБОВНИ БОРИБ КЎРИНГ



Азизуллаҳ АРРАЛ,
Афғонистон давлатининг Китоб маданий маркази раиси

2004 йили Прагада ишлаб юрганимда, биринчи бор “Бобур халқаро жамоат фонди” ҳақида эшитиб қолдим. Ўзбекистондан келган дўстимиз фонднинг ўзидан кўра, жамғарма раисини кўпроқ таърифлаб берди: “Зокиржон Машрабов деган бир фидоий бобурпараст жамғармага раҳбарлик қилмоқда, кўринишидан Бобурни қайта тургизадиганга ўхшайди. Чиндан ҳам ҳозирга қадар қилинмаган ишларни қилишга жазм қилган. Мана шу Толибон режими даврида ҳам тап тортмасдан Афғонистонга бориб келган. Кобулда подшоҳ Бобурни, Ҳиротга бориб Навоий ҳазратларини зиёрат қилган. Фақат зиёратгина эмас, айрим ободонлаштириш ишларини ҳам амалга оширган. Хуллас, бундан буён аждодларимиз ўрнига шу кишини зиёрат қилаверсак ҳам бўлади” деди-ю, менда эса бу бобуршунос ва бобурпараст инсонга нибатан ғойибона севги ва ошиқона ҳурмат ва эътироф пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Мен эса - қани энди тезроқ бу кишини кўриш насиб этса эди, дейман ичимда ўз-ўзимга.

Орадан уч йил ўтиб (2007) Калифорниядан иш билан Кобулга келганимда (ҳамон Зокиржон Машрабовни тезроқ кўриш пайидаман) гуё масофа йўқолиб қолгандек сезиларди. Ҳар қалай Кобул билан Андижон ўртасидаги масофа Калифорния ёхуд Прага билан Андижон ўртасидаги масофа эмаслигиданми кўнглим бир оз тинчиганди – энди бу инсонни кўрмасдан ортга қайтмайман, дейман ҳамон кўнглимда. Кунлардан бирида афғонистонлик дўст-

ларимиздан бири мен сиртдан таниш бўлган Зокиржон Машрабов ҳақида тўсатда гапириб қолса бўладими денг. Назаримда, Прагада у инсон ҳақида эшитган илиқ гапларнинг айнан ўзини такрор эшитаётгандек бўлдим, қулоқларимга асло ишона олмайман. Дўстимиз гапнинг индаллосини айта



бошлади: "Зокиржон ака бу ерга келган эди, мен у кишини яқиндан кўрдим. Жуда ажойиб инсон экан, Худди шоҳ ва шоир Бобурни кўргандек бўлдим. У кишининг одамийлигига, фаҳм-фаросатига, илм-донишлигига гап йўқ, Аррал дўстим, сизга айтсам" деди-ю, мендаги дийдор ташналигини ўн чандон орттириб юборди.

"Эшикдан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, шундоққина ишхонамиз қаршисида жойлашган "Бобур боғи" ва у ерда қурилган Бобур мақбарасини тез-тез зиёрат этишга бефарқлик қиламиз. Аммо Зокиржон Машрабов каби маърифатпарвар, қалби дарё инсонлар минглаб чақиримдан бу улуғ зотни излаб келишади, кўз ёши тўкиб зиёрат қилишади, хоки пойига гул чамбарлар қўйишади. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, подшоҳ Бобур қурган боғлар атрофида девор бўлмаган. Бунинг ҳаётий фалсафаси шуки, Бобур - девор шамолни тўсади ва шамол тегмаган боғ эса яхши униб-ўсмайди, деб билишган. У очиқ ҳаво, табиат, қуёш нурининг маҳлиёси бўлган. Ҳаттоки, Бобур васиятига биноан унинг мақбараси усти ҳам очиқ қолдирилган. Мақбара усти-

га гумбаз ёки айвон қурилмаган.

Мен ҳали кўриб улгурмаган Зокиржон акадан анча нарса ўргана бошладим. Аммо бундан ҳали у кишининг хабари йўқ эди. Энг аввало, инсон ўзини, ўзлигини излаб топишини, тарихни титкилашни, тилга ва элга чин дилдан меҳр-муҳаббат қўйишни ўргандим. Шундай қилиб, хуллас, орадан яна 9 йил ўтди. Ниҳоят, орзиқиб кутган кунларим ҳам етиб келадиган бўлди. Халқимизда "яхшидан шарофат" деган ажойиб бир ибора бор. Ҳазрат Алишер Навоий шарофатидан менинг 15 йиллик орзу-истагим (Зокиржон Машрабов билан яқиндан танишишим) амалга ошадиган бўлди.

2015 йили Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан Афғонистон Президенти Афғонистон Ислом Республикасида Халқаро симпозиум ўтказиш хусусида қарор қабул қилди. Симпозиумнинг илмий қўмитаси масъулияти камина зиммасига юкланди. Тадбирга 16 та ўлкадан навоийшунос ва бобуршунослар даъват этилди. Ўзбекистон делегатцияси Зокиржон Машрабов бошчилигида Кобулга ташриф буюришди. Қандай сўзлар билан баён қилайки, мен учун ўша куни ҳаётимда энг ҳаяжонли кун эди. Машрабов жаноблари билан 2016 йил 10 апрель якшанба куни тушдан кейин соат 3:20 да Кобулнинг муҳташам меҳмонхонаси "Интерконтинентал"да учрашиш насиб қилди. Узоқдан кўришим билан (бошқа меҳмонлар орасидан у кишини қандай ажратиб олганимни ҳам ўзим билмайман) югуриб бориб худди эски қадрдонлардек қучоқлашиб кўришдик (Менинг 15 йиллик интизоримдан Зокиржон аканинг хабари ҳам йўқ). Кўзларимда қувонч ёшлари ҳалқа бўлди. "Хайрият сизни ҳам кўрар кун бор экан", дея юзларига термилиб соғинч чанқоқликларини чиқара бошладим.

Эртаси куни Президент саройида симпозиумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Зокиржон Машрабов жаноблари ҳам нутқ сўзлади. Маъруза қилганлар орасида, янглишмасам, фақат шу кишигина ўзбек тилида маъруза қилди. Кечқурун яна Интерконтинентал меҳмонхонасида учрашдик. Симпозиумнинг биринчи куни ҳақида у кишидан сўрадим (очилиш маросимини ўзим бошқарганлигим учунми менга бу ҳақда бошқалардан эшитиш қизиқ эди).

– Бу сўзларимни танқид деб тушунманг, дўстона муносабат билдирмоқчиман, дея сўз бошлади Зокиржон Машрабов: "Мана қаранг, бугунги тадбирда иккита ўзбек ҳам бир-бири билан форс тилида сўзлашаяпти. Ҳолбуки тадбир Алишер Навоий хусусида, Навоийнинг тили ҳам ёзуви ҳам ўзбекча бўлган. Илмий симпозиумнинг биринчи кунги очилиш маросимида Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг чиқишлари, Президент биринчи ўринбосари ва халқ қаҳрамони Генерал Абулрашид Дўстимнинг (ҳозир Маршал) чиқишлари, демак, ҳаётга тадбиқ этиладиган бўлса, мен ўйлайманки, бу ишлар Афғонистон давлати ва халқи та-

рихида катта бурилиш даври бўлиши мумкин. Чунки бу интилиш ва ҳаракатлар фақат яхшиликка, эзгуликка интилиш бўлиб кўринмоқда. Навоийдек буюк инсон ким бўлгани ва унга ҳозир қандай муносабатда бўлинаётгани халққа сингдирилиши ижобий силжиш" дея сўзида давом этди Зокиржон Машрабов жаноблари: "Аввалари Афғонистонда деярли Навоий тарғиб ва ташвиқ қилинмас эди, ёшларга Навоий ўқитилмас эди, расмий йиғинларда ўзбек тилида сўзлашув бўлмас эди" деган маънода чуқур хўрсиниб қўйди.

– Очиқ кўнгил инсонларни қурбони бўлгингиз келади, айни ҳақиқатни айтдингиз Машрабов жаноблари дейману, – ўзбеклар кўпинча ўз она тилида сўзлашмаётганининг сабабларини сўрайман. У киши тортинмасдан: "Мен икки ўзбек бир-бири билан ўз она тилида сўзлашмаслигидан жуда кўп афсусланаман. Бу жуда ҳам ачинарли ҳол, бу ҳол ўз миллатини ҳурматсизлик даражасига олиб бориш билан тенг. Нима учун икки нафар ўзбек бошқа тилда гаплашиши керак. Биз Навоийни нишонлаяпмиз, унинг асарларини таҳлил, талқин ва муҳокама қиляпмиз, кимлиги устида гапираяпмиз, аммо унинг ўзбек тилидаги меросларини ё форс тилида, ё пашту, ё инглиз ё урду тилларида муҳокама қиляпмиз. Менинг фикримча, бу катта камчилик ҳисобланади. Бунинг асосий омили ва сабаби фақат ва фақат эътиборсизликдир," дея очиқлик билан сўз юритди Бобур халқаро жамоат фонди раиси.

Кобул, Мазори-шариф ва Ҳирот шаҳарларида беш кун давом этган Алишер Навоий Халқаро илмий симпозиуми сўнгида Зокиржон Машрабов жаноблари кўрсатиб келаётган тинимсиз маданий-маърифий, илмий-тарихий хизматлари учун Афғонистоннинг давлат медали. яъни "Саид Жамолуддин Афғоний" олий медали билан тақдирланди.

Шундан сўнг Зокиржон ака билан 2017 йили Андижонда шоҳ ва шоир Бобур таваллуди муносабати билан ташкил этилган халқаро анжуманда иккинчи марта дийдорлашиш насиб этди.

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги унинг киндик қони тўкилган табаррук заминда – Андижонда катта иштиёқ, тантана ва кўтаринки руҳда нишонланди. Айнан ана шу тарихий маконда кучли бобуршунос, маърифат ва маданиятпарвар фидойи инсон – Зокиржон Машрабов бошчилигида Бобур номли халқаро жамоат фонди анчадан буён фаолият юритиб келмоқда.

Ана шу ажойиб нуроний инсон фаолияти асосида Бобур халқаро илмий экспедицияси томонидан элликдан ортиқ хорижий мамлакатларга уюштирилган ўттизга яқин сафарлар давомида биргина Афғонистоннинг ўзида нафақат Бобур, балки Беруний, Ибн Сино, Навоий, Лутфий, Машраб, Беҳзод каби буюк даҳоларнинг мақбаралари қайта тикланган, таъмирланган ва ободонлаштирилган.

Андижонга биринчи ташрифимда (2017) Зокиржон Машрабов жанобларининг савоб ишлардан бошқа бирига, у кишининг тинимсиз фаолияти натижасида «Бобур ва жаҳон маданияти» экспозициясига 700 дан ортиқ нодир ҳужжатлар, қўлёзмалар келтирилганлигига ва улар асосида фонд ҳомийлигида элликдан ортиқ турли жанрдаги китоблар нашр этил-

ганлигига гувоҳ бўлдим. Шугина эмас, бу бобурпараст инсоннинг саъй-ҳаракати ва раҳнамолигида салкам бир йил ичида «Бобурнома»нинг кирилл ва лотин нашри, «Бобур энциклопедияси»нинг иккинчи нашри ҳамда «Бобур ва Бобурийлар библиографияси» нашрини ҳам яқиндан кўриб, бу ватанпарвар, фидойи инсонга сидқи дилдан санолар айтдим.

Мен Андижонда гувоҳи бўлганим ажойиб ишлардан яна бири, бу – Кобулдаги "Бобур боғи"нинг кичик бир нусхаси Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Бобурнинг асл ватани Андижонда "Боғи Бобур мажмуаси" номи билан бунёд этилгани бўлди. Боғдаги Бобурнинг рамзий мақбарасига унинг Кобулдаги қабридан тупроқ олиб келиб қўйилган. Бобурга бағишлаб ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий-амалий анжуманлар ана шу Боғи Бобур мажмуасида ўтказилади.

Бу гал энди Зокиржон ака билан тўйиб суҳбатлашишга фурсат топилди. У киши билан суҳбатлашганим сари кўнглимда сарсон юрган миллий туйғулар тобора сайқаллана бошлади. Машрабов фаолиятларини кўриб, менга бу инсон гўё бутун бошли бир институтнинг ишини бажараётгандек бўлиб тўйилди.

2019 йил февраль ойида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан Андижонда уюштирилган Халқаро анжуманда Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистондан бобуршунос олимлар илмий маърузалари билан қатнашдилар.

Халқ орасида "Ўзбекистоннинг донини еган чумчиқ Маккатуллоҳдан қайтиб келади" деган доно ўгит бор. Бу гал ҳам оби-дона тортиб тортган экан, шоҳ ва шоир Бобур ҳазратларига бағишланган бу анжуманда иштирок этиш каминага ҳам насиб этди. Анжуманда "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Афғонистон тарихида тутган роли" унвон (ном)ли мақола билан қатнашдим. Мақолада Афғонистонлик пушту забон муҳаққиқ доктор Абдулҳай Ҳабибий қаламига мансуб "Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шоҳ" номли китобда Бобур шахсияти ҳақида баён этилган фикрлардан, жумладан, шундай иқтибос қилинади: "Бобурнинг шижоати ва қаҳрамонлигини унинг Андижон шоҳлигидан то Ҳиндистон Шаҳаншоҳлиги даражасига кўтарилганининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Унинг маданиятпарварлиги эса ўзидан мерос қолдирган бебаҳо асарларидан намоёндир."

Мен Бобурнинг ана шу шижоати ва қаҳрамонлигини бевосита Зокиржон ака Машрабов вужудида кўрдим. Подшоҳ Бобур XVI асрда босиб ўтган Андижондан Ҳиндистонгача бўлган масофани Машрабов XXI асрда Бобурни янада чуқурроқ, янада мукаммал таниш ва танитиш мақсадида унинг қадами теккан ҳар бир қарич ерни босиб ўтди ҳамда қатор хайрли ишларни бажаришга ҳам улгурди. Жумладан, Афғонистонда Машрабов жанобларининг ташаббуси ва "Бобур халқаро жамоат фонди" томонидан амалга

оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, қўйидагиларнинг гувоҳи бўламиз:

• Ҳазрат Алишер Навоийнинг мақбараси устига беш (5) тонналик мармар тош ўрнатилди (Ҳирот).

• Навоий ва Гавҳаршод Бегим мақбаралари атрофидаги боққа икки минг (2000) туп кўчат ва етти юз (700) туп мурсал атиргули экилди (Ҳирот).

• Мавлоно Лутфий Ҳеравийнинг мақбараси қайта тикланиб катта мармар тоши ўрнатилди ва мақбара устига қимматбаҳо ёғочдан ўймакорлик қилиниб ишланган ҳашаматли айвон ясалди (Ҳирот).

• Камоллиддин Беҳзоднинг вайрона мақбараси қайта таъмирланиб, устига темир айвон қурилди (Ҳирот).

• Заҳириддин Муҳаммад Бобур боғига юз (100) тонна мармар тоши ҳадя қилинди (Кобул).

• Бобур боғига минг (1000) туп кўчат Ўзбекистондан олиб келиниб ўтқазилди (Кобул).

• Маданият вазирлигининг Ҳиротда жойлашган идорасига ўн учта (13) юк машинаси совға қилинди (Ҳирот).

Фақатгина юқорида тилга олганларимизгина эмас, балки булардан ташқари Зокиржон ака илм аҳлини, зиёлиларни ҳам қуруқ қолдирмади. Улар учун бир дунё бойлик ҳисобланмиш "Бобурнома", "Бобур библиографияси", "Бобур энциклопедияси" ва бошқа ўнлаб қимматли китобларни олиб келиб ҳадя қилди ёхуд Андижонга даъват этиб, қўш қўллаб тақдим этди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Бобур халқаро жамоат фонди ташкил этилганидан буён Андижон ё Тошкентда Бобурга бағишлаб ўтказилган ҳар қандай тадбир йўққи, унга Бобурнинг хоки поки ётган диёр (Афғонистон)дан беш-ўн нафар киши (бобуршунос, навоийшунос, тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим ва зиёлилар) даъват этилмаган бўлса.

Зокиржон Машровнинг олам-шумул одамийлик фаолиятларини ҳар қанча олқишласак, тақдирласак, барибир камлик қилади. Афғонистон пойтахти Кобулда расман ташкил этилган Китоб маданий маркази илмий-маърифий ташкилоти томонидан "Бобур халқаро жамоат фонди" раиси 2018 йили расман самимий тақдирланди. Тақдирнома лавҳида шундай ёзилади:

Ҳурматли Зокиржон Машрабов жаноблари, Бобур халқаро фондининг раиси!

Китоб Маданий Маркази раҳбарияти, Сизга Афғонистон тарихий обидаларини қайта тиклашда кўрсатаётган холисона хизматларингиз учун самимий миннатдорчилик билдириб, ушбу марказнинг Олий лавҳи билан тақдирлайди.

Сизга муваффақиятлар тилаб, Азизуллаҳ Аррал.

Китоб маданий маркази раиси, Кобул, 14 феврал 2018 йил.

Мен Зокиржон Машрабовни ҳар гал кўрсам. ўша-ўша биринчи кўрганимдаги Зокиржон акада ҳеч қандай ўзгариш йўқдек туюлади. Ёшарса ёшарган-у асло қаримаган кўринади. Сабабини излаб топишга муваффақ бўлдим. Яқин ҳамкорларидан бирининг айтишига қараганда, ҳар йили 14 февраль санасида Бобур бир ёшга улғайса, Зокиржон Машрабов шу санани муносиб ўтказиш жараёнида камида бир ёшга ёшарар экан. Сидқидилдан интилган инсон ҳам умридан ҳамда иззат-обрўйидан барака топади деганлари шу бўлса керак. Зокиржон ака ўзбекнинг, қолаверса, бутун туркий халқларнинг фахри бўлиб қолишига тилакдошман!

Кобул, 2021йил, август.

Бобур подшоҳнинг буюк асарини жаҳонга машҳур қилган бу ноёб китобдан бошқа халқларни ҳам баҳраманд қилган нарса унинг таржималаридир. Бугунги кунда "Бобурнома" дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва яна қайта-қайта нашр этилмоқда.



"... УЛ ОЙ ҚОШИ ГЎЁ ХАЁЛДУР"

Ваҳоб РАҲМОН

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърияти мусиқий хушжаранглилиги, ҳислар туғёнининг кучли табиий ифодаси ва мазмунан китобхонни мушоҳада ва мулоҳазага фикран тўлдириши билан диққатга сазовордир.

Унинг қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазали ҳам фикрларимиз исботига қўл келади, дея оламиз:

Кўк вусмада ул ой қоши гўё хаёлдир,
Ё ой бошида кўкта кўринган ҳилолдир.
(Бобур. Танланган асарлар. Тошкент; 1958, 101-бет.)

Бу китобни нашрга тайёрловчилар Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмов. Масъул муҳаррир: Порсо Шамсиев. Шу байтни такрорлаб, остига 2007 йил, нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов деб ёзса ҳам бўлаверади, чунки улар 1958–2008 йиллар оралиғида нашр этилган Бобур шеърияти китобларининг барчасида (ўндан ортиқ нашрларида бу ғазал мавжуд ва айнан мана шундай ёзилган. Нашрга тайёрловчилар таркиби Саидбек Ҳасанов, Абдурашид Абдуғафуров, Наримон Ҳотамов, Ваҳоб Раҳмонов, Ҳусанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли имзолари билан бойиб бораверган, аҳвол эса ўзгармаган. Турк олими Билол Южел ҳам Бобур "Девон"и илмий-танқидий матнида (Анқара. 1996.) байтни худди биздагидек кўчирган. У киши ҳам лотин ёзувида бу жумбоқни ҳал этолмаган.

Биз шугина байт юзасидан мушоҳада юритиш иштиёқидамиз. Ҳозирги ҳолатда байт мазмунини соддалаштириб шундай ифодалаш мумкин:

Ул ойдай гўзалнинг кўк ўсма қўйилган қоши гўё хаёл кабидир. Ёки ойнинг илк куни осмонда кўринган ҳилолдир.

Энди биз сулувнинг хаёлдай қоши хаёлига толиб кўрамиз. Асарни эски ёзувдан жорий ёзувга матн кўчирувчи масъул котиби – нашрга тайёрловчи олим даҳонинг ҳар бир мисраси мазмунини идрок чиғириғидан ўтказиб, сўнгра қоғозга араб ёзувидан амалдаги ёзувга

кўчиради. Ярим аср давомида шу байтнинг биринчи мисрасини кўчирган ўн нафардан ортиқ бобуршуносларнинг, бир нафарлари ҳам бу сатр мазмуни устида бош қотирмаганлар, мисрани фаҳм-идрок чиғириғига солиб кўрмаганлар. Ёки матн муаммосини ҳал қилолмаганлар. Чунки юзаки қараганда бу мисрада жиддий хатолик йўқдай туюлади. Бунга афтидан "хаёл" абстракцияси-мавҳумлиги олимларни алланечук лирик аллалаб чалғитади.

Байтдан кўриниб турибдики, Бобур ёрнинг ўсма қўйган қошига нисбатан тажоҳули орифона санъатини маҳорат билан қўллаб, қўшалоқ ташбиҳ – иккита ўхшатиш келтирмоқда.

Иккинчи мисрада қош – ҳилол (янги ой)га ўхшатилган ва тўғри ташбиҳ берилган.

Бироқ биринчи ташбиҳни ўйлаб кўрайликчи; тўғримикан? Реал, мавжуд, кўриб ва ушлаб кўрса бўладиган қошни Бобурдай талабчан адабиётшунос хаёлга – абстракт тушунчага ўхштадими? Бошқача



тарзда айтсак: Инсон хаёли ўсмали қошга ўхшайдими?

Қош ва хаёл зинҳор бир-бирига ўхшамайди.

Биз шошма-шошарлигимиз, идрокимиз ҳамин қадарлиги билан мумтоз шоир маҳоратига доғ теккиздик. Бобурга масъул котибликнинг уддасидан чиқолмадик.

Тўғриси, унинг матнига ўз нуқсонимиз белгисини "хаёл" деган сўз билан қўйиб қўйдик.

Мен бу сўз – "хаёл"нинг мисрада ўринсизлиги, унинг ўрнида "ҳи-

лол”га қофиядош бир сўз бўлиши кераклиги; у сўз ҳам икки ҳижоли ва “ҳилол”га оҳангдош бўлиши лозимлигини кўп ўйлаб “хилол” сўзида тўхтаганман.

Бироқ бизнипг лаҳжамизда “ҳилол” деб салома ёввойи ўтини айтишади. У ҳеч қачон сулув қиз қошига ўхшамайди: унинг япроқлари бигиздай тик ўсади...

Филология фанлари доктори Ботирбек Ҳасанов тузган “Навоий асарлари учун қисқача луғат” (Ўз ФА “Фан” 1993.) китобини очаман: “Ҳилол” – қ”халал”нинг кўплиги (304-бет)

“Халал” сўзи изоҳини ушбу лугатдан ўқийман:

Халал – кўплиги – хилол. 1) зиён, нуқсон. Халал топмоқ– зиён кўрмоқ; 2) синиқ (300-бет).

Демак, бу маънолар Бобур мисраси мазмунига алоқадор змас.

“Ҳилол” бўлмаса, қайси сўз экан-а...

Матн жумбоғи масаласи ҳал бўлмай қолди.

Мен бу мисра ҳақиқатини 2015 йилда Афғонистонга, Ҳирот шаҳридаги Алишер Наврий мақбарасига Ғозғон мармарларидан тайёрланган сағана тошини олиб бориб ўрнатганимизда кашф этганман.

Бобур номидаги халкаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов бошлиқ экспедиция табаррук хизмат ижросига борган эдик. Ўша куни мен сағана ўрнатувчилар учун Муссало майдонида сергўшт, серсабзавот шўрва қайнатиб, кеч кириб, овқат тотини кўриб, косаларни қатор тизиб, энди сузаман деб турганимда ҳайдовчимиз Аҳмаджон Исобоев шошилинч келиб, “Кетдик домла!” деб қистаб қолди.

– Ҳа, мен овқатни сузиб берай...

– Ўзлари сузиб ичишади. Зокиржон ака тез келсинлар, деб кутиб турибдилар, – деди.

Умримда энг ширин қилиб пиширган шўрвамдан зўрға кўнгил узиб, хабарчимга эргашдим.

Ўзбекистонлик Навоий мухлисларини хиротлик тадбиркор Бисмилло ҳожи чойга чақирган эканлар.

Афғонистонда энг арзон нарса – гўшт. Дастурхонда гўштнинг ўзидан беш хил таом тизилган... Бошқа хилма-хил таомлар мева-чевалар билан дастурхонни шоҳона қилиб безатишган. Қадрдонимиз Муҳаммад Набихон ҳожи Навоий ва Жомий ҳазратларининг хайрия ва эҳсон ҳақидаги байтларни айтиш билан суҳбатга жон киритмоқдалар...

Ёшлари олтмишдан ошган Бисмилло ҳожининг истарали ўғиллари қўл ковуштириб хизматда...

Мезбон лутфан Зокиржон Машрабовнинг Афғонистон халқига маданий эҳсонлари – Мавлоно Лутфийга қурган қабр-мақбаралари ва Алишер Навоий мақбарасига келтирган сағаналари хусусида мамнуният билан гап бошладилар.

Зокиржон аканинг миннатдорлик жавобларидан сўнг Бисмилло ҳожи: “Биз ҳам ҳазратларининг эҳсонларига ҳавас қилиб ўйлай-ўйлай шундай бир иш қилдик, – дея давом эт-

дилар. Эҳсонга муҳтож оилалардан йигирма бешта қиз-жувонга тикув машинасида ишлаш, бичиш-тикишни уч ой ўргатиб, ҳар бирига биттадан тикув машинасини совға қилдик. Чунки бир қоп ун берсак, оила бир ойда тугатади. Икки қопдан берсак, икки ойда еб-битиришади. Ҳунар ва ускуна эса – умрбод оилани боқади, деб ўйладик. – деди мамнуният билан.

Биз Бисмилло ҳожи эҳсонининг ўта оқилона эканлигига тан бердик. Зиёфат сўнггида хизматдаги йигит янги ой шаклидаги ва ўта нозик занжирчали, оқ металлдан ишланган тиш кавлагичдай ҳар бир меҳмон олдига иккитадан қўйиб чиқди. Мен умримда бунчалик нозик санъатда яратилган ҳилол – янги ой шаклидаги бунақа тиш кавлагични кўрмаган эдим. Ҳилол тақсимоти мен учун зиёфатнинг энг муҳим қисми ўлароқ ёдимда қолди.

Ҳилол – тиш кавлагич тавсифи: оппоқ ялтироқ металлдан ясалган, узунлиги 2,5 см; бир чеккасига илгакли нозик занжирча ўтказилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротга, Ҳусайн Бойқаро таъзиясига келиб йигирма кун ой Алишер Навоийнинг Унсия номли уйида яшаган эди. Ўша пайтлардаги зиёфатларда ҳилол берилган экан-да, деган хаёлларга бордим. Қўлимдаги ҳилол – тиш кавлагичнинг моҳирона ишланган бундай нусхаси Алишер Навоий даврида ҳам ҳаётда қўлланилган экан. Даҳо шоиримизнинг қуйидаги байти бунинг ёрқин далилидир:

Жунун салосили бўйнумда, заъфлиқ тан ила
Ҳунарвар ўилаки, занжир осар ҳилол узра.

Мазмуни: Хаста жисмим ва бўйнимдаги телбалик занжири худди ҳунарманд ясаган майин занжирча осиғлиқ ҳилолга ўхшайди.

Қаранг-а! Бир сўз жўмбогини ечиш – матн нуқсонини ислоҳ этиш учун Ҳиротга, Бисмилло ҳожиникига зиёфатга боришим керак экан-а...

Кўк вусмада ул ой қоши гўё ҳилолдур.

Ойдай сулувнинг кўк ўсма қўйилган қоши гўё ҳилолдир, яъни янги ой шаклидаги тиш кавлагичга ўхшайди. Худди – ўзи-я!!! Байтдаги иккала ўхшатиш ҳам энди табиий эканлиги маълум бўлди.


Борди-ю, 2015 йилдан илгари бирор олим менга "ҳилол – тиш кавлагичдир" деса, мен ишонмаган бўлардим! Чунки ўшангача мен тиш кавлагичларнинг гугурт чўпидай тик ҳолатдагисини кўрганман, холос. Улар қошга ўхшамайди.

Хулоса шуки, матншуносга матн нуқсонларини бартараф этишда муҳит ва китоблардан ташқари ҳаётий тажриба ҳам асқотар экан! Яна бир муҳим гап: табиий ёғоч тиш кавлагичлар ҳилол дарахтдан танлаб олинади. Бу дарахт шохларида акациядагидек тиканаклари бўлади. Шунинг учун Афғонистонда тиш кавлагични ҳилол дейишади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий ва адабий мероси унинг буюклигини кўрсатувчи асосий манбалар ҳисобланади. Бу борада муаллиф асарлари қўлёзмаларининг ҳар бир нусхаси ва ҳатто, улар ҳақидаги ҳар бир маълумот ҳам бобуршуносликда муҳим янгилик ёки кашфиёт бўлиши мумкин. Шу маънода, туркиялик бобуршунос олима Танжу Сейҳаннинг жорий йил 24 июль куни "70. Türkbilimi Sanaltayı"даги онлайн маърузасида Бобур қаламига мансуб "Аруз рисоласи"нинг янги бир Истанбулда мавжуд қўлёзма нусхаси ҳақидаги қимматли маълумоти бизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Профессор Танжу Сейҳан хоним Бобурнинг "Мубаййин" асри юзасидан тилшунослик тадқиқотларини олиб борган таниқли мутахассис бўлгани боис, олиманинг фикрларини эътиборсиз қолдирмаслик керак эди.

БОБУР "АРУЗ РИСОЛАСИ"НИНГ НОМАЪЛУМ ҚЎЛЁЗМАСИ

Отабек ЖЎРАБОЕВ.




1-расм. Бобур "Аруз рисоласи"нинг Истанбул Мармара университетидаги қўлёзмасининг илк саҳифаси.

Сабаби шундаки, Бобур томонидан 1524-1525 йилларда ёзилган Шарқ адабиётшунослик илмида ниҳоятда муҳим ҳисобланувчи аруз фани ва унинг назариясига бағишланган "Аруз рисоласи" асари қўлёзмасининг фақатгина биргина қўлёзма нусхаси борлиги фанга маълум эди. Ушбу қўлёзма Франция пойтахти Париждаги Миллий кутубхонада сақланиб (Paris, Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc. 1308), у ҳақида илк бора турк олими Фуод Кўпрули маълумот берган бўлса, кейинчалик атоқли олим Ҳамид Сулаймон 1968 йил Ўзбекистонга қўлёзманинг микрофильмини келтирган эди. 1971 йил устоз олим Саидбек Ҳасанов ушбу қўлёзмани машаққат

билан тадқиқ қилиб, уни жорий (кирилл) ёзувда ва фотофаксимильесини ҳам эълон қилган (Тошкент: Фан, 1971). Худди шу қўлёзманинг яна бир факсимильеси 1972 йил И.Я.Стеблева томонидан ҳам нашр эттирилган (Москва: Наука, 1972).

Бироқ, асарни "Мухтасар" номи билан нашр эттирган ва у юзасидан махсус номзодлик диссертациясини ёқлаган Саидбек Ҳасанов ҳам, И.Стеблева ҳам юқорида таъкидланган Истанбул нусхаси ҳақида бирор сўз айтишмаган. Фақат, 2000 йилларга келиб мазкур рисоланинг Теҳрондаги "Салтанат" кутубхонасида сақланатёган нусхаси ҳақида маълумот пайдо бўлди. Натижада, бу нусха "Бобур куллиёти"га киритилгани ҳам устоз томонидан аниқланди.

Аниқланишича, Париждаги қўлёзма Ҳожи Самарқандий номли котиб тарафидан ҳижрий 940 йилда (милодий 1534-1535 й.й.) кўчирилган экан. Теҳрон нусхаси эса ундан кейинроқ XVII асрда китобат қилингани ҳам маълум бўлди.



2-расм. Қўлёзмадаги аруз шажаралари тасвирланган саҳифа.

Олим Танжу Сейҳан хоним эса ўз маърузасида Истанбулдаги нусханинг Париждаги қўлёзмадан ҳам олдинроқ кўчирилгани ва ҳатто муаллиф варианти бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни олдинга сурмоқдаки, бу жиҳат ушбу қўлёзмага нисбатан қизиқишимизни икки карра орттирди, десак муболаға бўлмас.

Натижада Туркиядаги Карабук университетида ўқитувчи бўлиб ишлаётган ўзбек олими Саидбек Болтабоевнинг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли ушбу қўлёзманинг электрон нусхасини PDF шаклда қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Бунинг учун ҳурматли С.Болтабоевга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Демак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига оид "Аруз рисоласи" асарининг яна бир қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Мармара университети Илоҳиёт факультетининг кутубхонасида сақланади (Marmara Üniversitesi İlahiyat fakültesi kütüphanesi YZ1742). Қўлёзма чиройли настаълиқ хатида қора ва қизил сиёҳ билан кўчирилган, 211 варақ. Қўлёзма ўлчами: 13x20 см.

Қўлёзмада сана, котиб ва кўчирилган жойи кўрсатилмаган. Лекин палеографик белгиларига кўра, уни Мовароуннаҳр ҳудудида кўчирилган дейиш мумкин. Қоғози жуда сифатли, Самарқанд қоғозига ҳам ўхшаб кетади.

Матн асосан икки устун ҳолида саҳифаларга жойлаштирилган. Жадваллар ишланмаган. Безаклар йўқ. Сарлавҳа, аруз рукнлари, аруз доиралари ва аруз шажараларидаги ёзувлар қизил сиёҳ билан битилган. Қўлёзма хати равон настаълиқ бўлиб, услуб жиҳатидан Ҳирот хаттотлик мактабини ёдга солади. Бироқ, муқоваси кейинги даврга оид. Тахминан, XIX аср қўлёмаларида қўлланиладиган оддий картон муқова. Фикримизча, қўлёзма кейинчалик таъмирланганда шу муқовага олинган ёки кейинчалик муқовасоз қўлига тушган.

Манбада асар нисбатан тўлиқ. Лекин орада бўш қолдирилган саҳифалар ҳам бор. Матн жиҳатидан Париж нусхасининг бошланиши билан бир хил. Бироқ охири бироз фарқ қилади. Шундай бўлса-да ҳар икки нусха деярли бир хил.

Шуни алоҳида айтиш зарурки, рисоланинг Париж нусхасига жадвал ишланган ва саҳифалар ҳошиясида котиб киритмалари бор эди. Бундай тузатиш ёки киритмаларни Истанбул нусхасида кўрмаймиз.

Одатда, XV-XVI аср Марказий Осиё ҳудудига оид кўпчилик қўлёзмаларда жадваллар ишланади. Ҳаттоки, ноёброқ қўлёзмалар бадиий безакларга ҳам эга бўлади.

Муҳтарам олима Танжу Сейҳаннинг муаллиф нусхаси ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазалари қўлёзмани синчиклаб ўрганишимиз давомида ўз тасдиғини топмади. Сабаби шундаки, юқоридаги палеографик жиҳатларни ҳисобга олганда ушбу нусха бироз кейинроқ – XVI аср охири XVII аср бошларида китобат қилинган бўлиб чиқмоқда. Яъни муаллиф вафотидан анча кейин. Бундай фикрга келишимизнинг асосий сабаблардан бири шуки, биз Бобур асарларининг қўлёзмаларини ўрганиш давомида биргина Ҳиндистондаги Рампур шаҳри Ризо кутубхонасидаги "Бобур девони"дагина шоирнинг ўз қўл ёзуви (автографи)ни кўрган ва ўрганган эдик (India, Library of His Highness Nawwab, №19).



3-расм. Қўлёзмадаги аруз доиралари тавсирланган саҳифа.

Мазкур автограф билан Истанбул нусхасидаги хатни каллиграфик жиҳатдан солиштирганимизда анча фарқ борлиги яққол кўринди. Бобурнинг бу қўлёзмаси 1528 йилда китобат қилинган. Қўлёзма битгач, шоир қўлёзмани бир таҳрир қилиб чиқади ва охирги саҳифасига ўзининг рубоийсини битиб қўяди. Унинг хати кўпроқ насх хат турига тортиб кетар эди. Арузга оид рисоланинг Истанбул нусхасининг хати эса тўлалигича настаълиқдир. Айтмоқчимизки, бундаги хаттий услуб Бобурники эмас.

Фикримизча, рисоланинг Париж нусхаси аввалроқ кўчирилган ва матн жиҳатидан ушбу Истанбул нусхасига асос бўлган кўринади.


Келгусида қўлёзмани манбашунослик жиҳатдан янада синчиклаб ўрганиш масалага узил-кесил аниқлик киритар, деган умиддамиз.

Шу билан бирга таъкидлаш зарурки, ""Аруз рисоласи"нинг ушбу Истанбулдаги қўлёзма нусхаси ҳам ўз тузилиши, хаттий жиҳатдан равонлиги ва матннинг тўлиқлиги жиҳатидан рисола юзасидан олиб бориладиган текстологик тадқиқотлар учун муносиб манба вазифасини ўташи билан ҳам қимматлидир.

Подшоҳ Бобурнинг ҳар бир дурдона асари ва уларнинг ҳар бир қўлёзма нусхалари фанимиз ва шу билан бирга маънавиятимиз учун ҳам жуда муҳим эканлигини ёдда тутиш лозим.

Буробия
РАЖАБОВА.

“Бобурнома”нинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири шундаки, муҳташам мемуарда темурийлар Уйғониш даврига хос жиҳатлар бутун борлигича, яъни ҳукмдорлар, йирик мулкдорлар, даҳо сўз санъаткорлар, ориф инсонлар тасвири, маълумотлари, инновацион ғоянинг ижтимоий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, таълим ва тарбиявий каби муҳим йўналишлари, давлатчилик асослари, мураббий ва муқаввийлик масалалари, бунёдкорлик ишлари ҳамда шаҳарсозлик маданиятининг ростлик билан ёритилишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу давр ҳодисаларини Бобур ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлган ва у темурийлар Ренессанси анъаналарини ўзида сақлаб қолиб давом эттирган. У фарзандлари фаолиятида бардавом қилишни ният қилгани каби ҳолатларни унинг мемуарида ёзган маълумот, лавҳа, чизги, тасвирларидан билиш мумкин. Шунинг учун муҳташам мемуар Амир Темур ва темурийлар Уйғониш даврига хос жиҳатлар (Маълум маънода инқироз даврини ҳам – Б.Р.) ни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.



ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ АТАМАСИ ҲАҚИДА

(“Бобурнома” мисолида)

Энди биринчи навбатда Ренессанс ёки Уйғониш атамалари ҳақида бироз маълумот берсак. Дарҳақиқат, Ренессанс ёки Уйғониш (франц. Renaissance; итал. Renasci) – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ каби лексик маъноларни билдиради, от сўз туркумига хос сўзлар, кўчма маънода эса санъат, маданият, услубни ҳам англатади. Бу атамани фанда биринчи бўлиб италия гуманистлари, хусусан, Жорджо Вазари қўллаган, кейин эса француз тарихчиси Жюлем Мишле ишлатган, аммо машҳур немис шарқшуноси А.Мец биринчи бўлиб бу атамани метафорик маънода, яъни маданий гуллаб яшнаган даврга, асрга ва услубга нисбатан қўллаган.[1] Ренессанс ёки Уйғониш атамаси дастлаб Италиядаги XIV–XVI асрлар маданий ва маънавий юксалишига нисбатан қўлланган ва буни ўрта

асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолашган. Аммо Ренессанс ёки Уйғониш фақат Европага ҳос маданий кўтарилиш ҳодисаси, услуби эмас, балки дунё маданиятини яхлит ўрганган олимларнинг фикрига кўра, жумладан, А.Мец ва Н.И.Конрад, М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, А.Ҳайитметов, А. Ўринбоев, М.Ашрафий, Н.Норқулов, М.Ҳасний, А.Мадраимов, Б. Раджабова, Қ.Эргашевларнинг илмий ишлари шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Афғонистонда Италияга қараганда бир неча аср олдин, IX–XII асрларда улкан маданий кўтарилиш юз берган. Дунё илм-фанлари доирасида олимлар бу давр, бу тарихий ҳолни холис баҳолаб, тан олган. А. Мец ибораси билан «Мусулмон Ренессанси» ёки Н.И.Конрад сўзлари



билан айтганда эса «Шарқ Ренессанси» номи билан аталиб келинган. Умуман, мамлакатимизда илк Уйғониш даври ва темурийлар Уйғониш даври билан боғлиқ қилинган илмий тадқиқотларда, асосан, атоқли немис шарқшуноси А.Мецнинг «Мусульманский Ренессанс»[2] китобини бирламчи манба деб қаралгани кузатилади. Биз ҳам бу қимматли китобга мурожаат қилдик. Аммо бу китобни ўқиб-ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, А. Мец мазкур китобини битишда асосий манбалардан бири сифатида Абу Райҳон Берунийдек буюк ватандошимизнинг ниҳоятда қимматли, муҳташам «Ҳиндистон» асаридан унумли фойдаланганини кўрдик ва ўзимизда фахр туйғусини туйдик.

Мамлакатимиз ва хорижда темурийлар Уйғониш даври тўғрисидаги дастлабки тадқиқотлар тарихчи олимлар томонидан амалга оширила бошлангани кузатилади, адабиётшуносликда эса Н.И.Конраднинг «Средневосточное Возрождение и Алишер Навои»[3] номли тадқиқотидан бошқа тадқиқот, яъни илк Уйғониш даври ҳам, темурийлар

Уйғониш даври ҳам алоҳида, яхлит бир мавзу сифатида олиниб ҳали тадқиқот яратилмаган. Бироқ рўй берган бир жараён ва ҳолатни мамнуният билан айтиш мумкинки, кейинги йилларда адабиётшунос, хусусан навоийшунос олимларнинг маъруза, мақолаларида[4] илк Уйғониш даври ҳам, темурийлар Уйғониш даври ҳам тилга олина бошланганини кузатиш мумкин бўлса-да, аммо «Бобурнома» мисолида алоҳида тадқиқот қилинмаган, шунинг учун биз томонимиздан ёзилган «Темурийлар Уйғониш даври ва Бобурнома» китобимиз янги талқиндаги тадқиқот ҳисобланади. Юқорида тилга олган атоқли олимларнинг айрим илмий, назарий фикрлари асосида бу атама Амир Темур ва темурийлар даврига нисбатан ҳам қўлланиб, жаҳон тарихида «Амир Темур ва темурийлар Ренессанси», деган ном билан алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлаш лозим. Академик М.Хайруллаев, профессор Ф.Сулаймонова, таниқли археолог олим, профессор Т.Ширинов ва бошқа олимлар Шарқ Уйғониш даврини икки даврга яъни IX–XII асрлардаги Марказий Осиёда моддий ва маданий ҳаётдаги кўтарилиш, гуллаб-яшнаш даврини Илк Уйғониш даври атамаси билан ҳамда мўғул истилосидан кейин бир юз эллик йиллик турғунликдан сўнг, яъни XIV–XVI асрлардаги Марказий Осиёда юз берган моддий ва маданий ҳаётдаги кўтарилиш, гуллаб яшнаш даврини эса Амир Темур ва темурийлар Уйғониш даври атамаси билан икки гуруҳга тасниф қилиб ўрганишган.[5] Фикримизча, ҳар икки атама, яъни Илк Уйғониш даври ва Темурийлар Уйғониш даври атамалари давр имтиҳонидан ўтиб, илмий истеъмолда мустаҳкамланиб борди ҳамда юртимиз ва хориж олимларининг фикрлари билан тўлдирилиб, сайқал берилиб, қўллаб-қувватланиш натижасида бугунги кунда мазкур атамалар тарих, бадиий адабиёт, миниатюра санъати, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, архитектура, фалсафа ва медицина фанлари доирасида кенг ишлатилмоқда ва ушбу атамалар остида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳамон ушбу фанлар доирасида олиб борилган тадқиқотларнинг сифати ва салмоғи жиҳатидан тарихшунослик фани етакчилик қилади. Яъни, биринчидан, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йил сана муносабати билан Франция пойтахти Парижда «Темурийлар Ренессанси» номли халқаро конференция бўлиб ўтган ва конференцияда темурийлар Ренессанси жаҳон тарихида энг порлоқ саҳифа ва муҳим жараён эканлиги, Шарқнинг маънавий ҳамда моддий маданиятида «Темурийлар услуби», «Самарқанд услуби», «Ҳирот услуби» тушунчалари пайдо бўлганлиги ҳамда унинг жаҳон цивилизацияси ривожига кўрсатган ижобий таъсири масалалари кенг очиқланган. Иккинчидан эса 2015 ва 2016 йилларда Темурийлар давлат музейи жамоаси томонидан «Амир Темур ва темурийлар Ренессанси хорижий тадқиқотларда»[6] номли китоблар тайёрланган ва нашр қилинган. Китобларнинг номидан маълумки, улар темурийлар Ренессансига оид чет элда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаси билан танишиш имко-

ниятини беради. Ўрганишимизга кўра, илмда бу тарихий даврни, бу юксалиш ҳолатни, маданий кўтарилишни, услубни тан олиш ҳамда баҳолашда камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 9-жилдида олимларимиз томонидан ёзилган «Уйғониш даври» номли салмоқли мақолада фақат Европа Уйғониш даври ёритилган бўлиб, Амир Темур ва темурийлар даври Ренессанси ҳақида эса бир жумла ҳам битилмагани кишини ўйлантиради.[7] Қизиғи шундаки, мазкур мақола ёзилган вақтда мамлакатимизда темурийлар Уйғониш даврига оид бирламчи манбалар, яъни «Темур Тузуклари», Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си, Низомиддин Шомий «Зафарнома»си, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро»си, Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн»и каби темурийлар Ренессанси даври классик тарихчиларининг ҳамда Алишер Навоийнинг мумтоз асарлари, Бобурнинг «Бобурнома»си нашр қилинган ва юқорида айтиб ўтилганидек бу ҳақда адабиётшуносликда ҳам илмий тадқиқотлар, таҳлил ва хулосалар пайдо бўлган эди. Шу ўринда ўзбекларнинг ягона марказлашган давлат атрофига бирлашиб, сиёсий онги кучайиб Темурийлар Уйғониш даврининг бошланиши ҳақида атоқли навоийшунос А.Ҳайитметовнинг фикрларини келтирамиз: «Улуғ давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темур ҳамда унинг халафлари ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда кучли ва ягона давлат юзага келди. Бу даврда тарихда биринчи марта Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзбек қабилалари бир халқ, бир миллат сифатида ўзаро бирлаша бошладилар.Ўрта Осиёда катта этник гуруҳни ташкил этган бу халқ Темур ва темурийларни ҳар томонлама суяб турган асосий куч эди. Темур ва унинг авлодлари аввало ана шу халқ номидан иш кўрар, ўзларини ана шу халққа мансуб деб билар эдилар. Темур ва темурийлар даврида туркий халқлар орасида катта сиёсий ва маданий жонланшнинг юз бериши сабаби ҳам аввало шунда эди. Менимча, тарихда ҳеч қачон, ҳатто бизнинг даврimizда ҳам ўзбеклар XV асрдагидек катта халқ бўлиб, шундай катта ҳудуддаги буюк бир давлатга бирлашмаган эди. Хусусан, Балх, Ҳирот атрофидаги ўзбекларнинг Мовароуннаҳрдаги ўзбеклар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий яқинлашуви ўзбек халқи тарихида катта воқеа бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирди. Алишер Навоийдек буюк шоир ва мутафаккирнинг, ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчисининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эмас, балки Хуросонда дунёга келгани, Ҳиротда нашъу намо топгани, фаолият кўрсатганини фақат шу йўсиндагина изоҳлаш мумкин. Яъни буни тўғри тушуниш учун XV асрдаги Ўзбекистонни, XV асрдаги ўзбек халқининг тарихий мавқеини кўз олдимизга келтиришимиз зарур. Хуросондан бу даврда фақат Навоий эмас, Мавлоно Лутфий, Гадойи, Атойи каби ўзбек шоирлари ҳам етишганини унутмаслик керак

Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг, биринчи навбатда ўзбекларнинг бир давлат атрофига уюша бошлаши туркий халқларнинг уйғона бошлаганидан, сиёсий онги орта борганидан белги эди».[8]

Ўрганишимизга кўра, Бобур муҳташам мемуарида ишлатган темурийлар Уйғониш даврига хос қадриятлардан бири «мураббий ва муқаввий»лик ҳамда «тарбия ва тақвият»лилик, аслида Амир Темур фаолиятидан бошланган бўлиб, кейинчалик темурийлар Уйғониш даври раҳбарлари, йирик мулкдорлари маънавияти, фазилати, иш ва ижод услубига айланиб кетганини кузатиш мумкин. Чунки «Мўғуллар босқинчи ҳарбий қабилавий уюшма сифатида Марказий Осиёнинг гуллаб турган воҳаларини талон-тарож қилди, асрий маданиятга эга туркий, форсий халқларни қириб, маданият ўчоқларини емириб ташлади».[9] Амир Темур 1370 йилдан бошлаб то 1405 йилгача катта куч ва ихлос билан мўғуллар вайрон қилган шаҳарлар, кенту қишлоқлар, суғориш тармоқларини, маданий экинзор, боғларни, кўп тармоқли савдо ва карвон йўлларини тиклади. Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига, фозил шаҳрига айлантириб, пойтахтга дунёнинг турли ерларидан олим, уламо, шоир, муаррих, мусаввир, уста, ҳунармандларни чорлаб ҳомийлик, яъни Бобур сўзлари билан айтганда, «мураббий ва муқаввий»лик қилди. Шарқнинг маънавий ҳамда моддий маданиятида «Темурийлар услуби», «Самарқанд услуби», "Ҳирот услуби"га асос солди

Умуман, «Темурийлар Уйғониш даври ва «Бобурнома» мавзусини тадқиқотимизда маълум маънода қуйидагича белгилашимиз мумкин:

1. Темурийлар Уйғониш даври ва давлат арбоблари. АмирТемур, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур подшоҳ.

2. Темурийлар Уйғониш даври ва ижодкорлар. Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Кичик Мирзо, амир Шайхим Суҳайлий, Шарафиддин Али Яздий, Зайниддин Маҳмуд Восифий, Атоуллоҳ Ҳусайний.

3. Темурийлар Уйғониш даври ва темурий маликалардан Гавҳаршодбегимнинг бунёдкорлик ишлари, Эсон Давлат Бегимнинг мудаббиралиги, Хонзода Бегимнинг матонати.

4. Темурийлар Уйғониш даврида илм, фан, адабиёт, санъат, тарих ва маданият.

5. Темурийлар Уйғониш даврида астрономиянинг ўрни. Самарқанд, Мирзо Улуғбек ва у қурдирган расадхона.

6. Темурийлар Уйғониш даврида ҳарб иши ва тактикаси.

7. Темурийлар Уйғониш даврида тиббиёт масаласи. Алишер Навоий қурдирган дор уш-шифо ва табибларнинг жонли образи тасвирланган лавҳалар

8. Темурийлар Уйғониш даврида савдо ва пул муносабатлари. Пул, бозорларнинг тартибга солиши, назорати ҳамда олтин ва кумиш тангаларнинг зарб қилиниши ва муомаласи билан боғлиқ тасвирлар. Буюк ипак Йўлининг тикланиши.


Темурийлар Ренессанси «Темурбекнинг юртида» дастлаб Самарқандда туғилди ва кейин эса бетакрор цивилизация Ҳиротда ҳам давом қилди. Демак, Самарқанд, Ҳирот, Кеш, Андижон, Ахсикент, Урганч, Тошкент, Хўжанд, Балх, Астробод, Машҳад, Кобул, Туркистон, Бухоро, Марв каби темурийлар Уйғониш даври фозил шаҳарлар маданияти, Ренессанс шаҳарлар, илмий, адабий муҳит, илм-фан,

ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, архитектура,меъморчилик соҳаси, ислом маърифати, таълим ва тарбия, фиқиҳ фанларининг йирик марказларига ҳамда кўплаб монументал бино ва иншоотлар, боғ-сарой тарҳидаги обод масканларга айланди. Хуллас, бир юз эллик йил тўхтаб қолган, издан чиққан Буюк Ипак йўли фаолияти ҳам қайта тикланди.

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур муҳташам «Бобурнома»да темурийлар давлати тасарруфи ва бошқарувида, яъни “Темурбекнинг юртида” бўлган кўплаб фозил шаҳарларнинг номи, шаҳарсозлик маданияти, Ренессанс шаҳарлар ҳақида қимматли маълумотлар битиб қолдирган.

Умуман, бадиий ва мемуар асарларда баён қилинган шаҳарлар тасвирининг услуби масаласи ҳам адабиётшуносликда алоҳида мавзу ва услуб бўлиб, бу мавзу ва услубга «Бобурнома»дан анча аввал, яъни форс тилида ёзилган йили маълум эмас, аммо илк Уйғониш даврининг машҳур сайёҳ ва адиби Носир Хусравнинг ғарбий ўлкаларга саёҳат қилган етти йиллик (1045–1052 йй.) даврда кўрган-кечирганларини ўз ичига олган «Сафарнома»[10] асарини ёки машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг йигирма саккиз йиллик (1228–1256 йй) муддатдаги қизиқарли ва ғаройиб саёҳати араб тилида баён қилинган «Саёҳатнома»ни[11] ҳам намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Муҳими шуки, А.Мец «Мусульманский Ренессанс»[12] китобида илк Уйғониш даврининг шаҳарсозлк маданияти яхши ёритилган Носир Хусравнинг мазкур китобидан ҳам унумли фойдалангани кузатилади. Ҳатто, у бу дурдона асар номини китобнинг илмий иқтибосида қайта-қайта кўрсатган.

Хулоса шуки, «Бобурнома»да баён қилинган яна бир муҳим, яъни бугунги илм, фан учун зарур масалани алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Бобур мемуарида нафақат темурийлар Уйғониш даври ҳукмдорлари, мутафаккирлари, ижтимоий шахсларнинг



жонли образи, тарихий сиймосини ҳамда бу даврда қилинган ақл ва қўл ихтироларини, маданий кўтаринкиликни тасвирлаган, балки илк Уйғониш даврининг Имом Бухорий, Имом Бурхониддин Марғилоний, Шайх Саъдий, Тусий... каби буюк сиймоларининг номи, яратган асарларининг хусусиятлари, шоҳбайтлари ва айрим фаолиятларига доир чизгиларни ҳам ёзиб қолдиргани ҳам таҳсинга лойиқ, келажакда буни ҳам махсус тадқиқот доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо таниқли навоийшунос Э.Шодиев мазкур мавзуни сиқа талқинда ўзининг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур»[13] номли китобининг "Бобур ва тожик адабиёти" бобида қисман тадқиқ қилишга ҳаракат қилган. Яъни, олим Бобур мемуарда тилга олган, унинг ижодий фаолиятида, шоир дунёқарашининг шаклланишида ижобий таъсир кўрсатган буюк адиб Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, улуғ шоир Камол Хўжандийлар эди, деган ракурсда тўхталган.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] https: //ru. m wikipedia org >wiki>; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. П–С. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедия" Давлат илмий нашриёти, 2004 – 305-бет.

[2] Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. Перевод с немецкого, предисловие, библиография и указатель Д.Е.Бертельса. – М.: Наука, 1966. – С. 456.

[3] Конрад Н.И. Избранние труди. Летература и театр. – М.: Наука, 1978. – С. 90–104.

[4] Ҳайитметов А. Навоий ижодининг улуғворлик хусусиятлари. // Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1993. 97–бетлар; Ашрафий М. Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. – 87 бет; Ражабова Б.Имом Бухоий ва Алишер Навоий. // Муштарак адабий ҳодисалар. – Тошкент: Муҳаррир, 2019. 5–15-бетлар; Навоий эътироф этган шайх ва шоира. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. 3–сон. – 36–44-бетлар. Эргашев Қ. Айрим мавзу ва образлар бадиий талқинида Ренессанс ғояларининг инъкоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2017. – 1-сон. – 28–32-бетлар; Мотив ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2019. – 1-сон. – 38–44-бетлар.Самарқанд давлат университети ректори Холмуродов Р. билан Сувонов Л."Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг вориси" номли суҳбати // "Янги Ўзбекистон" газетаси. – 2020.8 июл – 126-сон.

[5] Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 136 бет.; Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: "Хоразм", 1996. – 125 бет; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 314–346-бетлар;.Ширинов Т. Тариҳдан этюдлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 336 бет.

[6] Темурийлар давлат музейи. Амир Темур ва темурийлар Ренессанси хорижий тадқиқотларда. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 154 бет; Темурийлар давлат музейи. Амир Темур ва темурийлар Ренессанси хорижий тадқиқотларда. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 144 бет.

[7] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. IX жилд. П–Ш. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедия" Давлат илмий нашриёти, 2005 – 57–60-бетлар.

[8] Ҳайитметов А. Навоий ижодининг улуғворлик хусусиятлари// Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1993. – 97–бет..

[9] Муқимов З. Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Тошкент: Адолат, 2003. – 141–142-бетлар.

[10] Носир Хусрав. Сафарнома (Форс тилидан Ғ.Карим таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 112 бет.

[11] Ибн Баттута. Саёҳатнома. (Араб тилидан академик Н.Иброҳимов таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2012. – 687 бет

[12] Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. Перевод с немецкого, предисловие, библиография и указатель Д.Е.Бертельса. – М.: Наука, 1966. – С. 456.

[13] Шодиев Э. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2001. 71-87-бетлар.

“БОБУРНОМА”ДА ЙИЛ ҲИСОБИ ТАҚВИМИ

Сайидбаҳром АЗИЗОВ.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб муҳташам “Бобурнома” мемуар асар бўлиб, маълумотларнинг хилма-хиллиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Фалакиёт илми нуқтаи назаридан унда коинот, олам модели, осмон жисмлари, самовий ҳодисалар, астрономлар, расадхоналар, астрономик жиҳозлар, зижлар ва амалий астрономияга оид қимматли маълумотлар бор. Уларни илмий ўрганиш Темурийлар Уйғониш даврида ёзилган гуманитар манбаларда астрономиянинг ўрнини аниқлаш, қолаверса, Бобурнинг астрономия соҳасидаги билимлари хусусида сўз юритиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада “Бобурнома”да қайд этилган астрономик тушунчалардан йил ҳисоби тақвимини кўриб чиқишни асосий мақсад қилиб белгиладик.

“Бобурнома”да йил ҳисобида шамсий ва қамарий тақвимлар баравар ишлатилган ва бунинг ўз сабаблари бор.

Ҳижрий–қамарий тақвимда ҳисоб Ойнинг кўринишига қараб олиб борилади ва у кўпроқ исломий ибодатлар (рўза, намоз ва б.) учун зарур саналган. “Бобурнома” нинг 932 (1525) йил воқеалари бобида Заҳириддин Бобур ҳижрий–қамарий тақвимнинг келиб чиқиш тарихини ҳам тушунтирган ва: “Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндур” (Ойлар янги ой кириб келиши билан бошланади) , деб ёзади. Яъни ҳижрий-қамарий тақвимнинг ҳар бир ойи, ой ҳилол (янги ой) кўринганида бошланиши қайд этилган, арабча сўзлар билан ойнинг биринчи куни ғурра ва охирги куни салх деб аталган .

“Бобурнома”да йил ҳисобида Ўзбекистон ҳудудида ўн икки буржга асосланган бурж – шамсий тақвимнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам анча қадимиятга етиб боради. “Бурж” эклиптиканинг ўн икки қисмини англатади, ҳар бир қисмда бир юлдуз туркуми жойлашган самовий ҳалқадан иборат.

Бу тушунча Қадимги Юнонда зодиак (ҳайвонлар ҳалқаси) номини олган.

Бунинг сабаби, Юнон тилида “зодий”сўзи – “тирик махлуқ” маъносини билдиради.

Ўрта аср мусулмон Шарқи фалакиёт илмида, моҳияти ўзгармаган ҳолда, юнонлардаги зодиак атамаси ўрнига бурж атамаси қўлланилган.

Бурж ойларининг форс-тожикча аталиши: баррий, гов, дупайкар, харчанг, шер, хўша, тарозу, гаждум, камон, бузғола, дул, моҳий. Ҳозирги ўзбек тилида бурж ойларининг аталиши: қўй, сигир, эгизак қиз, қисқичбақа, арслон, бошоқ, тарозу, чаён, ёй, тоғ эчкиси, қовға, балиқ. Бурж ойларининг олтитаси: ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула 31 кундан, бештаси: мезон, ақраб, жадий, далв, ҳут 30 кундан, биттаси қавс 29 кундан иборат. Кабиса йилида қавс ойи ҳам 30 кун бўлади.

Бобил	Юнон	Араб	Ҳозирги вақтда(Ўзбекистон ва Тожикистонда)
1. Ёлланма аскар	1. Қўй	1. Кабш – ҳамал	Ҳамал
2. Самовий буқа	2. Буқа	2. Савр – ҳўкиз,	Савр
3. Катта эгизаклар	3. Эгизаклар	3. Тавъамайн, жавзоъ – эгизак	Жавзо
4. Қисқичбақа (Денгиз қисқичбақаси)	4.Қисқичбақа	4. Саратон – қисқичбақа,	Саратон
5. Арслон	5. Арслон	5. Асад	Асад
6. Эгат	6. Қиз, Қиз бола	6. Азроъ – қиз	Сунбула
7. Тарози	7. 1)Тарози шайини, Тарози 2) Чаён қисқичи	7. Мезон – тарози	Мезон
8. Чаён	8.Чаён	8. Ақраб – чиён	Ақраб
9. Пабилсаг	9. Ёйчи, Мерган (камондан)	9. Роми, қавс – Ўқчи	Қавс
10. Эчки-Балиқ	10. Тоғ така	10. Жадий – эчки	Жадий
11. Улуғ. Закбардаст	11. Сув қуювчи	11. Соқиб ал-моъ – сув қуювчи,	Далв
12. Қуйруқ	12. Балиқлар	12. Симакатон – қўш балиқ,	Ҳут

I – Жадвал. Бобил, Юнон ва арабларда мавжуд бўлган бурж юлдуз туркумлари ва эндиликдаги бурж номлари тартиби қайд қилинган. Қадимги Юнон фалакиёт илмида “Тарозу” – “Чаён”ни “панжалари”-ни ифодалаган.

Юқоридаги буржлар таснифидан маълум бўладики, “Тепасида осмон турган ва осмондан бошқа нарса [тепасини] қопламаган,

ёритқичларнинг доимо бир тартибда чиқиш ва ботишларини кўриб турган киши ўз ишларининг бошланиши ва вақтларни билишни, албатта, ёритқичларга боғлайди", тарих давомида турли ҳудудларда юлдузлар осмонини мудом кузатиш натижасида маълум умумий қонуниятлар қайд қилинган. Шундай воқеликлардан бири "бурж"лардир.

"Бобурнома" да Ҳиндистон тавсифида ушбу ўлкада мавжуд йил ҳисоби ҳақида ёзади уларнинг Мовароуннаҳрдаги йил ҳисобидан фарқини кўрсатади. Йилнинг уч фасли ҳақида айтилган: пашакаал, қиш ва ёз.

Чунончи: "Пашакаалдин бошқа ҳам қиш ва ёз яхши ҳаволардур, вале шимол ели ҳамиша кўпдур. Гард ва хок хейли бўладур. Ёзлар савр ва жавзода пашакаалга ёвуқ бу ел йилда тўрт-беш навбат бисёр тунд кўпадур.


Андоққим, гард ва хок ул мартабада бўладурким , бир-бирни кўруб бўлмайдур, муни "аандий" дейдурлар. Жавзо иссиқ бўладур, вале онча беиътидол иссиқ эмастур" .

"Бобурнома" да фасллар ҳақида шундай ёзилган: "Яна ул вилоятларда (Мовароуннаҳр) тўрт фаслтур. Ҳиндустонда уч фасл бўлур: тўрт ойи ёздур, тўрт ойи пашакаал, тўрт ойи қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндур. Ҳар уч йилда бир ойни пашакаал ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилдан кейин қиш ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойлариға. Буларнинг кабисаси будур. Чайт, байсак , жет, асаър – тобистон; мувофиқи: ҳут ва ҳамал ва савр ва Жавзо. Сааван, баъдўн, кувар, каътик – пашакаал; мувофиқи: саратон ва асад ва сунбула ва мезон.

Агҳан, пус, маҳ, паъгун – зимистон; мувофиқи: ақраб ва қавс ва жадий ва далв. Ҳинд эли фусулниким, тўртар ой таъйин қилибтурлар, ҳар фаслда яна иккирар ойни иссиқнинг ва ёғиннинг ва совуқнинг зўри тутубтурлар. Ёз ойларидин икки сўнгғи ойким, жет била асаърдур, иссиқнинг зўри бу икки ойдур. Пашакаал ойларидин икки бурунғи ойким, сааван ва баъдўндур, ёғиннинг зўри бу икки ойдур. Қиш ойларидан икки ўртадағи ойким, пус ва маҳдур. Совуқнинг зўри бу икки ойдур. Бу эътибор била буларнинг фасли олти бўладур .

Мазкур парчада Марказий Осиё(тўрт фасл) ва Ҳиндустон(уч фасл) табиати буржлар орқали боғланган. Шунингдек, шамсий тақвим тузилишидаги кабиса тушунчаси ҳиндуларда қандай қўлланиши баён қилинган. Марказий Осиё чилла тақвимидаги, иккита, энг совуқ ва энг иссиқ тушунчаси, ҳинд ойларида олти фаслда учта ўринда келиши қайд қилинган.

Маълум бўладики, Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да йил ҳисобларидан анча кенг фойдаланган. У ҳижрий – қамарий, бурж ҳисоби ва фасллар хусусида аниқ тушунчалар беради. Фаслларни жойнинг географик ўрнига қараб қиёслайди, фарқини кўрсатади. Айниқса Ҳиндистондаги йил фаслларини батафсил ёритади.
Мазкур маълумотлар Заҳириддин Бобурнинг астрономия ва география соҳаларидаги билимлардан ўз даври учун аниқ тасаввурга эга эканлигини кўрсатади.



Эргаш
ОЧИЛОВ.

НАВОИЙ ВА ЛУТФИЙ

Музейимизга келган меҳмонлар одатда, Алишер Навоий бобомизга бағишланган ўндан ортиқ заллардан ўтиб, учинчи қаватга кўтариладилар. Залга чиқишингиз билан шарқона нақшлари ҳаво ранг, оч яшил, оқ ва бинафша, сариқ, қизил ранглар уйғунлашган нақшлар билан безатилган, Темурийлар Уйғониш даврини XV-XVI аср қаерларидир эса Тожмаҳал саройини эслатувчи катта хона меҳмонларни ўзига жалб этиб туради. Зал ўртасида ҳайкалтарош Ф.Грешинко томонидан 1968 йилда ишланган шоҳ ва шоир Ҳиндистонда буюк империяни барпо этган, авлодлари 332 йил мамлакатни бошқарган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳашаматли ҳайкали. Гўё шоир муттоз асарларидан бирини ўқиб тугатиб ҳаёл сурганча китоб ушлаб тургани тасвирланган.

Алишер Навоийгача туркий адабиётда Лутфийдан машҳур шоир бўлмаган. Унинг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида устозининг замондош туркигўй шоирлардан сенга маъқули ва мақоми баландроғи қайси деган саволига:

– Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар (эътироф этилган – Э.О.) ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур, – деб жавоб бериши бежиз эмас.

Алишер Навоийнинг бадиий диди ниҳоятда юксак бўлиб, унча-мунча шоирни эътироф этавермагани маълум. У ўзига устоз деб билган шоирлар силсиласини Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби Шарқ сўз санъатининг забардаст намояндалари ташкил этиб, улар қаторида зикр этилишининг ўзи Мавлоно Лутфийнинг шоирлик салоҳияти нақадар баланд эканлигини кўрсатиб турибди. "Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган" , – деб ёзган эди Хондамир ҳам.

Лутфийнинг ўзбек мумтоз сўз санъатидаги улкан мавқе-мақоми шундан иборатки, у форсий ва туркий шеърият ўзигача эришган барча ютуқларни ўз ижодида мужассам этди ва ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди, хусусан, Алишер Навоийдек улуғ шоирнинг сўз майдонига чиқиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

Алишер Навоийнинг шоир сифатида шаклланишида Лутфийнинг роли, асарларининг таъсири ниҳоятда катта. Бўлажак сўз салтанатининг султони Лутфийни ўзига устоз деб билган, унга эргашган, ундан таъсирланган. Навоий ва Лутфий муносабатлари адабиётшуносликда кенг ёритилган. Ёш Алишернинг "Қуёш ботиши билан кўк саҳнига юлдузлар чиқиб келгани каби ёр юзини яширганида менинг ҳам кўзимдан ёшлар сочилади" мазмунидаги:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш, –

матлали ғазалига ўзининг бутун ижодини алмашмоқчи бўлгани, бир томондан, унинг Навоийнинг шеърий салоҳиятига тан бериб, унинг сиймосида ўзбек сўз санъатини юксак чўққига олиб чиқадиган истеъдодни кўрганидан далолат берса, иккинчи томондан, Лутфийнинг устоз сифатидаги бағрикенглиги ва тантилигини кўрсатади.

"Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубдур. Умид улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай" , – деб ёзади бу ҳақда Навоийнинг ўзи. Маълумки, ўтмишда дарвеш дейилганда сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишилар кўзда тутилган. Навоийнинг дарвеш киши бўлгани учун Лутфийнинг дуоси ижобат бўлишига умид қилиши шундан. Бундан ташқари, халқ ичида дарвешнинг дуоси ижобат бўлади, деган мақол ҳам машҳур. Умуман, Навоий дуонинг илоҳий кучига ихлос билан қараган ва кўплаб нажиб зотлар дуосига муяссар бўлганини ўз асарларида алоҳида фахру ғурур билан битиб қолдирган. Жумладан, "Насойим ул-муҳаббат"да ҳам Лутфийнинг ўзига муносабати ҳақида "Ками-

на борасида кўп илтифотлар кўрсатиб, ҳақимга дуолар қиларди. Ҳамиша она хизматини қилиб, унинг ризосини олишга даъват қилар эди деб ёзади: “Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва доим волида мулозаматиға ва ризое хотириға тарғиб қилур эрди” .

Навоий ўзининг кўплаб асарларида Лутфий ҳақида ёзади, унинг истеъдоди ва асарларига юксак баҳо беради. Чунончи, “Мажолис ун-нафоис”да ўқиймиз:

“Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир ва мутааззир ул-жавоб (жавоб ёзиш қийин бўлган – Э.О.) матлаълари бор, ул жумладан бири будурким:



Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,
Солди каманд бўйнума икки қулочдин”.

Айни пайтда форсий сўз санъатининг кўплаб забардаст қасиданавис шоирларининг мушкул шеърларига қойилмақом жавобиялар ёзганлигини эътироф этади.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Амир Темур давридан Шоҳрух Мирзо замонининг охиригача Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий каби хуштаъб шоирлар етишиб чиқдилар, лекин Лутфийдан бошқа Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз каби забардаст форсий шоирларга бўйлаша оладиган шоир чиқмади – унинг бир неча матлалари борки, таъб аҳли қошида ўқиса бўлади, деб ёзади.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида устозининг уйида ўтадиган шеър ва мусиқа кечаларида улуғ форс сўз санъаткорлари қаторида “туркигўй шуародин Мавлоно Лутфий шеърларидин” байтлар ўқилиши ҳақида хабар бериб, жумладан, қуйидаги машҳур матласини мухлислари таъриф қилишларини айтади:

Нозуклик ичра белича йўқ торти гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтурур қуйи.

Маълумки, ирфоний шеъриятда маъшуқанинг бели рамзий маъно ташиб, у муболаға орқали ҳатто сочдан ҳам ингичка деб таърифланади. Қилдай (ингичка) бел – фикру тахайюлнинг нозик ва теранлигини тамсил этади. Бинобарин, маъшуқанинг тақимини ўпган сочи нозикликда бели билан баҳслашолмагани учун ўз ўрнини билиб, белидан пастда туради.

Бундай фавқулодда оҳорли ташбеҳлар илму адаб аҳлининг таҳсинига сазовор бўлиб, давраларда мақтаб тилга олинган, ўқувчиларни ҳайрат ва ҳаяжонга солган.

Лутфий Жомий ва Навоий билан дўстона муносабатда бўлган. Улар адабиёт ва шеър хусусида кўп суҳбатлар қурганлар, баҳсу мунозаралар қилганлар, бир-бирларининг ғазалларига татаббулар битганлар, мухаммаслар ёзганлар. Чунончи, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида келтирилишича, Лутфий 90 ёшдан ўтганда Абдураҳмон Жомийга бағишлаб сажъ усулида “сухан” радифли қасида ёзади. Қасидага барча илму адаб аҳли юқори баҳо берадилар, ҳатто Жомийнинг ўзи ҳам қойил қолади. Қасиданинг матлаи қуйидагича:

Зи ҳар ҳадиси лабат қуввату руху жони сухан,
Гул рухат чаманорои бўстони сухан.

Мазмуни: “Лабингдан чиққан ҳар бир сўз руҳнинг озиғию сўзнинг жонидир. Юзинг гули сўз бўстонинг зийнатидир”.

Жомий лутф қилиб айтадики: “Бунга жавоб тариқасида сизнинг номингизга бир қасида айтай десам, бу ишнинг уддасидан чиқишимга кўзим етмайди”. Лутфий камтарлик билан дейди: “Сизни бу мушкулотдан қутқармоқчиман. Қасида эвазига сизнинг табаррук эски тўнингизни сўрайман”. Тўн бағоят эскилиги учун Жомий минг бир андиша ва узрхоҳлик билан уни Лутфийнинг эгнига ёпади.

Бу буюк зотлар бир-бирларини ана шундай эъзозлаганлар, бошларига кўтарганлар, истеъдодларини эътироф этганлар.

Бундай мисоллар Лутфийнингфорсийда ҳам бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратганлигини кўрсатади. Зеро, форсий шеъриятнинг мумтоз даврини якунлаган буюк форс-тожик сўз санъаткори Абдураҳмон Жомий эътирофига сазовор бўладиган шеър ёзишнинг ўзи унинг шоирлик салоҳияти баланд бўлганлигидан далолат беради.

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасида келтирилган қуйидаги воқеа Лутфий ва Навоийнинг ҳаммаслак ва ҳамфикр эканликлари, айни пайтда Ҳусайн Бойқаронинг илми бадеъни чуқур билган нозик-

таъб ва нуктадон шоир бўлганлигидан далолат беради. Унинг сўзни нозик тушуниши, шеърни теран таҳлил қилишини барча замондошлари эътироф этганлар.

Баҳорнинг серёмғир кунларидан бирида Лутфий ва Навоий кўчада учрашиб қоладилар. Шунда Лутфий Амир Хусрав Деҳлавийнинг ёмғир билан боғлиқ жуда гўзал ташбеҳ қўлланилган бир байтини айтиб беради. Унинг мазмуни қуйидагича: маҳбуба баҳор кунларида бир ёққа бораётган бўлади, лекин ёмғир кўп ёққанидан ҳаммаёқ балчиқ бўлиб, у балчиққа тойилиб йиқилаётганида азбаройи нозиклиги туфайли ёмғир торларига таяниб, ўзини тутиб қолади.

Бу фавқулодда ва оҳорли ташбеҳ Навоийга ҳам жуда ёқади ва ҳар ерда уни айтиб юради. Бир куни уни Ҳусайн Бойқарога ҳам айтиб бериб, ундан мақтов кутади. Ҳамма қойил қолган бу ташбеҳга дафъатан у эътироз билдиради:

– Маълумки, ёмғир юқоридан қуйига қараб ёғади. Шундай экан, йиқилаётган кишининг пастлаётган нарсага таяниб, ўрнидан туриши мантиққа тўғри келмайди. Лекин мана бундай байт кишида эътироз туғдирмайди:

Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам, айлар мадад
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворға.

Мазмуни: "Ишқ дастидан беҳоллигим шу даражага етдики, агар кулбамдан ташқарига чиқмоқчи бўлсам. деворларга тортилган ўргимчак ипларига осилиб ўрнимдан қўзғоламан".

Навоий ҳам, бошқалар ҳам бу далилга қарши лом-мим деёлмайдилар.

Ҳусайн Бойқаро бу ўринда ҳаёт мантиғидан келиб чиқиб байтдаги қусурни танқид қилган бўлса, Лутфий ва Навоий ундаги бетакрор ташбеҳга мафтун бўлганлар.

"Мажолис ун-нафоис", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Муҳокамат ул-луғатайн" каби асарларида Навоий ўз устозининг шоирлик маҳорати ва мақоми хусусида фикр юритган бўлса, "Насойим ул-муҳаббат"да унинг тасаввуфга алоқаси, дарвешлик хусусияти ҳақида фикр юритади. Жумладан, "Мавлоно бағоят сўхта киши эрди", – деб ёзади. Форсча "сўхта" сўзининг "куйган" маъносидан ташқари ошиқ, мубтало; озор кўрган, алам чеккан; ожиз, заиф каби қатор маънолари ҳам мавжуд. Бу таъриф шайху авлиёларга бағишланган тазкирада келтирилганидан Лутфийнинг илоҳий ишқ ўтида куйганлиги, ҳақиқий маҳбубага ошиғу шайдо эканлигига ишора қилинаётганини сезиш қийин эмас. Шундан кейин сўфийлар маслагининг бадиий талқинини кўрамиз деб қуйидаги байтини келтириши ҳам бу фикрини тасдиқлайди:

Улки, ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Қудсий бир ҳадисда айтилишича, дастлаб фақат Оллоҳ мавжуд эди. Кейин унда ўзини ўзи томоша қилиш истаги пайдо бўлади ва ўз

ҳуснининг кўзгуси қилиб оламни, унинг ошиғи қилиб одамни яратади. Демак, Оллоҳга нисбатан олганда бутун борлиқ – улкан бир кўзгу: унда Оллоҳнинг жамолию камолию сифатлари ҳар ашёда у ёки бу даражада акс этади. Шунга ишора ўлароқ шоир айтаяптики: "Парвардигори олам элни ўзига ошиқ қилиш учун беқиёс ҳуснини сабаб қилди. Илоҳий жамол жилваланиши учун инсон кўнглини кўзгу тимсолига айлантирди".

Кўзгу тимсоли остида илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби ҳам кўзда тутилади. Чунки кўзгу деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Тасаввуф аҳли наздида, дунё ва нафс ғуборларидан покланган кўнгил кўзгудай мусаффо бўлиб, унда ёр – Ҳақ жамоли жилваланади.

Лутфий мутасаввиф шоиргина бўлиб қолмай, Навоий каби расман тариқатга кирган ва ўша даврнинг машҳур тасаввуф пирларидан бўлмиш Мавлоно Шиҳобуддин Хиёбоний ҳузурида айни таълимот асослари ва одоблари бўйича таҳсил олган. Шунинг учун ҳам у, Навоийнинг алоҳида таъкидлаб кўсатишича: "Агарчи шоирлиқ тариқида маъруф ва машҳур бўлди. Аммо дарвешлик тариқини дағи илкидин бермади" .

Лутфий шеърияти – ташбеҳлар шеърияти. Шоир девонида энг гўзал ва кутилмаган ташбеҳларнинг бутун бир силсиласига дуч келасиз. Воқеан, шеърият рамзу ташбеҳлар тилида сўзлаши керак. Бадиий санъатлар – шеър отлиғ парипайкарнинг зебу зийнатлари ҳисобланади.

Лутфий нафис ва жозибадор шеърият яратиб, ўзидан кейин шоирларга кучли таъсир кўрсатди. Бу таъсир изларини биз унинг замондошлари, Навоийдан тортиб, Бобур, Шайбоний, Убайдий, Байрамхон, Машраб, Қўқон ва Хива адабий муҳити шоирларида кўрамиз.

Лутфийнинг ўзидан кейинги туркий, жумладан ўзбек шеъриятига таъсирини махсус тадқиқ этиш керак – бу мавзуни Лутфий ва Атоий, Лутфий ва Саккокий, Лутфий ва Навоий, Лутфий ва Бобур, Лутфий ва Машраб, Лутфий ва Шайбоний, Лутфий ва Амирий, Лутфий ва Фурқат ва ҳоказо тарзида ҳам ўрганиш мумкин.

Лутфий ва Навоий мавзуи ҳам баъзи бир юзаки кузатишларни айтмаганда, ҳали очилмаган қўриқ бўлиб ётибди. Чунки Навоий Лутфийнинг "керак эрди", "ўйнар", "эди", "эрур", "бўлғай", "сари", "мени", "айлади", "учради" радифли қатор ғазалларига татаббу қилган, "Эй, сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами", "Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни", "Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур" мисралари билан бошланадиган уч ғазалига мухаммас боғлаган бўлса, "Эй, жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил", "Эй, қадинг тўбию жаннат хадди гулгун устина" мисралари билан бошланадиган ғазалларини мусаддасга айлантирган. Бунинг устига кўплаб лутфиёна мисра ва байтлар тизган. Бу бевосита ва билвосита таъсир қирраларини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг кун тартибида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шоҳғариб Мирзо – Ғарибий



Сулаймон ҲАЛИМОВ

XV аср ўзбек адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутган Шоҳғариб Мирзо асарларининг асл нусхаси юртимизда сақланиб қолмаганлиги, тадқиқотларда унинг ижодий фаолияти тўлиқ ёритилмаганлиги ва кам маълумот берилгани халқимизнинг шоир маънавий меросидан узоқ вақт бебаҳра қолишига сабаб бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Юртимизнинг миллий истиқлолга эришиши туфайли Шоҳғариб Мирзо асарларини кенг миқёсда ўрганишга имконият юзага келди.

Шуни аълоҳида таъкидлаш жоизки, Шоҳғариб Мирзонинг шоирлиги ва шеърий девони борлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлигига қарамай, девоннинг ўзи илм аҳлининг қўлига етиб бормаган эди. Ушбу девон Германиянинг Гамбург кутубхонасида сақланмоқда. Девонни излаб топишда ва уни ўрганишда Х. Исматуллаев ва Ш. Ёркиннинг хизматлари катта бўлди. Бугунги кунга қадар Шоҳғариб Мирзо девонини мутахассислар АҚШдан топишга муваффақ бўлмаган эдилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, Германия кутубхонасида икки шоирнинг уч асари бир тўплам ҳолида сақланиб келинган. Бир инвентар рақами остида сақланаётган тўпламдаги биринчи асар шоир Ҳилолийнинг девонидир. Тўпламнинг 28-49 варақларидан Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг форсий ғазаллари, 50-96 варақларидан Ғарибийнинг туркий ғазаллари жой олган. Ўзбек тилидаги ғазаллар тўпламининг охирига жойлаштирилганлиги учун ҳам узоқ вақт эътибордан четда қолган.

Германияда бўлиб ўтган ҳар икки жаҳон уруши туфайли Германия кутубхоналари ва уларда сақланадиган қўлёзмалар таркибида ўзгаришлар бўлган. Шу боис Ғарибий девони қўлёзма нусхасини қидириб топиш анча қийин кечган. Агар олмон турколог олимлари кўмак бермаганларида, ҳозирги кунгача девон қўлёзмасини топиб бўлмас эди. Бундан ташқари, Германиянинг шарқшунос олимлари ва

Ҳумболдт университети профессорларининг бебаҳо ёрдами туфайли Шоҳғариб Мирзонинг форсий ва туркий тиллардаги ҳамда Ҳилолийнинг форсий девонлари қўлёзмаларининг нусхалари ва микрофильми Гамбург шаҳри кутубхонасидан 1999 йилнинг бошларида олиб келинган. Ушбу девон Ш. Ёрқин томонидан нашрга тайёрланган.

XV аср адабий муҳитида темурий ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро даври ижодий муҳитида Султон ва унинг фарзандлари қатори темурий шаҳзодалардан бири Шоҳғариб Мирзонинг ҳам иқтидорли ижодкор сифатида ўз ўрни бор. Туркий ва форс-тожик тилларига юксак эҳтиром билан қараган темурий шаҳзодалардан бири Шоҳғариб Мирзо бўлиб, унинг тахаллуси Ғарибийдир.



Шоҳғариб Мирзо тўғрисида маълумот берувчи манбалар Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси, "Фарҳод ва Ширин" достони ва Бобурнинг муҳташам "Бобурнома" мемуари ҳисобланади. Ушбу китобларда у тўғрисида битилган ишончли маълумотлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида муайян тасаввур уйғотади.

Шоҳғариб Мирзо – Ғарибийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида фикр юритишдан олдин темурийлар даврининг ўзига хос хусусиятлари, адабий муҳити ҳақида қисқача фикр юритишимизга тўғри келади. Темурийлар даври адабий муҳити тўғрисида маълумот берувчи асосий манбалардан бири Алишер Навоий асарлари ҳисобланади.

Алишер Навоий асарларида шоир яшаган даврнинг сиёсий воқеалари, давлат бошқаруви, Ҳусайн Бойқаро саройидаги зиддиятлар ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг темурий подшоҳлар ва шаҳзодаларга бўлган муносабати унинг асарларида у ёки бу тарзда намоён бўлади. Алишер Навоий нафақат арбоб ёки салтанатдаги масъул шахс, балки оддий инсон сифатида мамлакат тинчлиги, юрт ободлиги учун жон куйдирди. Ўзининг асарларида бадиий образларни намуна қилиб келтириш ёки Шарқ адабиётига хос бўлган адресатга мадҳия ўқиш билан Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандларини тўғри йўлга бошқаришга интилди. Шоирнинг бу борадаги тўғри ва аниқ фикрлари унинг туркий тазкирачилигининг илк намунаси бўлган

“Мажолис ун-нафоис”да яққол кўзга ташланади. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда Алишер Навоий темурийлар ҳукмронлиги остида бўлган Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459 нафар шоирлар ва олимлар тўғрисида қимматли маълумот берилган. Бу ҳақда Иззат Султон тўғри таъкидлаб ўтганидек “Ҳақиқатан санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиш ёки шеърлар эшитиб, шеърият ҳақида музокара олиб бора билиш темурийлар орасида одат тусига кирган эди, ҳақиқий гўзал ҳаётнинг нормаси бўлиб қолган эди.”

“Мажолис ун-нафоис” илмий асар тартиб ва қоидалари асосида ёзилган бўлиб, саккиз қисм – “мажлис”дан ташкил топган. Асарнинг дастлабки мажлисларида Алишер Навоий ўзидан олдин яшаб ўтган ижодкорлар тўғрисида, ўзига замондош бўлган шоирлар тўғрисида маълумот берса, 5-6 мажлисларда темурийлар даврида Хуросон, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Қазвин, Сова, Кирмон, Шероз каби шаҳарлардаги ижод аҳли тўғрисида маълумот беради. Асарда 7 ва 8 мажлис темурийларга, хусусан, 7 мажлис келиб чиқиши темурийларга мансуб бўлган шоирларга, 8 мажлис эса Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Бу бобда Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарога ҳукмдор ва нозик дидли шоир сифатида ўз муносабатини билдиради, унинг шеърларидан намуналар келтириш бадиий жиҳатдан етук ижодкор эканлигини кўрсатиб беради. Ҳар бир ижодкор тўғрисида маълумот беришда ўрни билан унинг ижодидан намуналар ҳам келтирилган.

Ғарибий ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида муайян хулосаларга эга бўлиш учун албатта, ўша давр адабий муҳити тўғрисида маълумот берувчи манба ҳисобланган Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”идаги туркий тилда ижод қилган шоирлар тўғрисида ҳам қисқача фикр юритишимизга тўғри келади. Зеро, туркий тилли ижодкорлар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз ўша давр адабий муҳити, бадиий ижод мавзулари ва уларнинг Ғарибий ижодига таъсирини аниқлашимизга ҳам кўмак беради.

Шоҳғариб Мирзонинг адабиёт гулшанига кириб келишига Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. У Ғарибийнинг бошқа темурий шаҳзодалар орасида ўз ўрнини топиб кетишига алоҳида эътибор қаратади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг бир бобини Шоҳғариб Мирзога бағишлайди. Бобнинг бошланишиданоқ шоирнинг Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарига қатъий риоя қилганлиги, яъни Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳғариб Мирзо мадҳи билан бошлаганлиги кўзга ташланади. Бобнинг сарлавҳаси “Салтанат шажарасининг самараси ва хилофат боғининг шажараси, ҳидоят авжида манзил этган, тамаллуқнинг ниҳоятиға етган, риё қасри бунёдин қўнқорғон, балоғат айвонида от чиқорғон, яъни султонзодаи олам Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодир халлада давлатуҳу мадҳида бир неча сўз сурмак ва насиҳатомиз нукталар арзға тегурмак, умид улким бу шоҳвор дурларни туфроғдин олғай ва адосида қулоқ солғай, балки ул гаронмоя гавҳарларни қулоққа солғай” деб номланишидан унинг панд-насиҳат тарзида эканлиги англашила-

ди. Сарлавҳада тилга олинган “фаворис” сўзи суворий, шер деган луғавий маънони билдиради. “Абулфаворис” сўзи эса Шоҳғариб Мирзонинг лақабидир. Халлада давлатуҳу – (арабча дуо), «худо давлатини абадий қилсин», демакдир. Бу ибора шоҳлар, шаҳзодаларнинг исмидан кейин айтилган ёки ёзилган. Навоий мазкур бобда Шоҳғариб Мирзони ҳадис, фиққ, тиб, тарих, мантиқ, ҳикмат, илми калом каби илмларни пухта ўрганишга чақиради ва мамлакат бошқаришдаги муҳим томонларни баён этиб, Самарқанд услубини ва диний ва дунёвий фанларни дунёга танитган донишманд ҳукмдор Мирзо Улуғбекни намуна қилиб кўрсатади. Шоҳғариб Мирзони мақтаганда Навоий ёзади:

Гулеким бўлса рангу бўйи онинг,
Ҳам ўлса нуктаи дилжўйи онинг.

Намудор ичра гулкирдор бўлса,
Такаллум ичра булбулвор бўлса.

Ғариб ўлғай ниҳоятдин зиёда,
Бу янглиғ гулким ўлғай шоҳзода.

Қаю шаҳзода ул кони малоҳат,
Такаллум вақти дарёйи фасоҳат.

Фасоҳат бобида шаҳға қариб ул,
Бори шаҳлар фасиҳи Шоҳғариб ул.

Мазмуни қуйидагича: “Шундай бир гул бўлсинки, унинг ранги, ҳиди билан бирга дилрабо гапу сўзи ҳам бўлса! Ташқи кўринишида гулдай бўлса-ю, гап-сўзда булбулдай бўлса... шундай гул шаҳзодадир. У шаҳзода эмас, малоҳатнинг кўҳидир. У гапга кирганда, эса, уни равонлик денгизи деб атагинг келади. Чиройли гаплари билан у шоҳга тенглашиб қолган бўлиб, у барча шоҳларнинг ичида энг ажойиби, исми Шоҳғарибдир...”

Алишер Навоий шаҳзодани илм олишга чақирганда, ушбу ўгитларни уқтиради:

Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,
Камол гар касб этарсен, бемалол эт.

Киши таълимдин торса малолат,
Топар илм аҳли оллинда хижолат.

Киши фарзан авону золим ўлса,
Ва лекин нуктадону олим ўлса.

Басо зоҳид кишиким ом ичинда,
Анга муҳтож ўлур ислом ичинда.

Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис
Ки, олим келди пайғамбарға ворис,

Кишиким бўлса олам родшоҳи,
Анинг умматлиғидиндур мубоҳи.

Бировким илм ила бўлди баруманд,
Ангаким ворис ўлди – бўлди фарзанд.

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.

Мазмуни қуйидагича: "Агар сен қуёш бўлишни истасанг, камолот касб эт. Камол касб этганингдагина сенга ҳеч қандай уқубат юзланмайди. Кимки ўқиш ўрганишдан эринса. Илм аҳли олдида ўзи хижолат бўлиб қолди... кимки олимларга таъзим қилса, у гуё пайғамбарга таъзим қилгандек бўлади. Агар сен ҳар нарсадан огоҳ экансан, сен-шоҳсен!... Илм нури билан вужади порлаган шоҳнинг қиёматгача яхши номи қолади". Навоий Шоҳғарибга насиҳат берар экан, "нима фойдали, нима зарарли эканлигини ҳикмат ажратиб беришлигини аниқ англаганингдан кейин, фойдалилари билан шуғулланлан. Лекин, ҳамма ишда ҳам ўртани тутишга майл қил" деб алоҳида уқтиради:

Чу таҳқиқ англадинг ҳикмат мусирдур,
Мунгаким не муфиду не музирдур.

Муфид ашёға дойим иштиғол эт,
Вале бор ишда майли эътидол эт.

Ғарибийнинг "Девон"и ўзбекча адабий меросини 76 ғазал ва 4 мухаммас ташкил қилиб, уларнинг умумий ҳажми 605 байт ёки 1210 мисрага етади. Ғарибийнинг форсча мероси 37 ғазал, 1 қитъа ва 1 мухаммас бўлиб, умумий ҳажми эса 278 байту бир мисра ёки 557 мисра шеърдан иборат. Ўзбекча ва форсча девоннинг ҳажми 883 байту бир мисра ёки 1767 мисра шеърдир. Девоннинг шу нусхаси ҳозир Бобур номидаги халқаро фонднинг "Бобур ва жаҳон маданияқти" номли китоблар музейидан жой олган бўлиб девоннинг Андижон нусхаси номи билан сақланмоқда.

Ғарибий ўз ижоди билан замондошлари томонидан моҳир ижодкор сифатида эътироф этилган бўлса-да, мумтоз адабиётнинг фақатгина ғазал жанрида самарали ижод қилган. Унинг ўзбек ва форсий тилда битган лирикасида беш парча мухаммас ва бир парча қитъадан ташқари, қолган барчаси ғазал жанрида ёзилган. Бу ҳолат нафақат Ғарибий ижодида, балки унга замондош бўлган Бобур каби ижодкорлар ижодида ҳам кўзга яққол ташланади.

Ғарибий "Девон"ининг жанр хусусиятларига эътибор қаратар эканмиз ўзбекча шеърлари форсча шеърларига нисбатан кўпроқ бўлиб, қуйидагича; Алиф ҳарфида 7 ғазал, то(т) ҳарфида 1 ғазал, ри ҳарфида 8 ғазал, зи ҳарфида 2 ғазал, шин ҳарфида 5 ғазал, қоф ҳарфида 1 ғазал, ҳоф ҳарфида 2 ғазал, гоф ҳарфида 6 ғазал, лом ҳарфида

7 ғазал, мим ҳарфида 7 ғазал, нун ҳарфида 10 ғазал, ҳо ҳарфида 9 ғазал ва ё ҳарфида 11 ғазал. Ғазаллардан ташқари девонда тўртга мухаммас ҳам мавжуд. Буларнинг учтаси Навоий ғазалига ва биттаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ғазалига боғланган. Девонда 68 ғазал 7 байтли бўлиб, икки ғазал 9 байтли, ғазал 6 байтлидир. Мухаммасларнинг учтаси 7 банддан ва биттаси эса 9 банддан иборат.

Алиф ҳарфидан ё ҳарфигача бўлган форсча шеърлари эса қуйидагича жойлашган: алиф ҳарфида 4 ғазал, то (т) ҳарфида 1 ғазал, дол ҳарфида 17 ғазал, шин ҳарфида 2 ғазал, қоф, лом ва вов ҳарфларида бир ғазал, мим ҳарфида 4 ғазал, нун ҳарфида 3 ғазал, ё ҳарфида 4 ғазал. Ғазаллардан ташқари 1 қитъа ва Жомий ғазалига боғланган 7 бешликдан иборат бўлган мухаммас ҳам бор. Ғазалларнинг барчаси 7 байтли бўлиб, фақат 1 ғазал 6 ва 1 ғазалу 1 қитъа 5-5 байтлидир.



Ғарибий ғазалларида дунё, инсоний муносабатларга шоирнинг муносабати ўзгача қиёфада намоён бўлади, шунга боғлиқ ҳолда кўнгул, ёр, бода, ишқ, ийд каби кўплаб сўзлар кенг маънода, яъни бир ўринда ўз маъносида, бошқа ўринда эса мажозий маънода қўлланилган. Шоир ижодида қўлланилган бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келган.

Ғарибий ўзбек ва форсий тилда бирдай ижод қилгани боис бу тилларга хос бўлган хусусиятларни, сўзларнинг маъно қатламлари нозикликларини яхши билган. У бу борадаги билимларини ҳар иккала тилда ижод қилишда бирдек намоён қила олган.

Ғарибий ижодида қўлланилган бадиий санъатлар орасида илтизом санъати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Илтизом санъати дейилганда бир сўзни бирор парчанинг барча мисра ёки байтларида қўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш тушунилади. Умуман олганда, илтизом қоидалари асосида ғазал битиш, таъкидланган сўзнинг ғазал давомида янги маъно қирраларини намоён этиши Ғарибий лирикасининг ўзига хослигини кўрсатувчи муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ғазалда илтизом қоидаларига кўра маълум сўзни таъкидлаш билан матн мазмунига нозик фалсафий ғояларни сингдириб юбориш, Яратганга бўлган илоҳий ишқ ва унга кўприк бўлувчи мажозий ишқ, ҳижрон туйғулари деярли ҳар бир ғазалда бўртиб туради. Ғарибийнинг ижодда асосан отаси Султон Ҳусайн Мирзо ижодидан илҳомлангани билан изоҳлаш мум-

кин. Султон Ҳусайн Мирзо Ғарибийга ота бўлиш баробарида ўзи ҳам ижод билан шуғулланган, дилбар ғазаллар ёзган. Бу эса табиийки, бадиий ижодга мойил бўлган нозиктаъб Ғарибий ғазалларида ҳам ўз аксини топган. Ғарибий ижодида шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилинганлиги қуйидаги ғазалда яққол кўзга ташланади.

Ғазалнинг дастлабки байтлари ёр тасвирига, унинг гўзаллигини таърифлашга бағишланган:

Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор?
Қайси бир шамшодқад сарви хиромонимча бор?

Қайси бир хуршидсиймони анга монанд этай?
Қайси маҳваш орази шамъи шабистонимча бор?

Кейинги мисраларда шоирнинг руҳий ҳолати, севги туфайли чеккан изтироблари тасвирланган. Бунда бало сели ошиқ кўзидан оққан ёшга тенг келмаслиги, кўнгилда юзлаб чоклар мавжудлиги, булбул ҳам ошиқдек нола қила олмаслиги ҳолатлар ўз бадиий тасвирига эга бўлган:

Қайси бир дамким кўзум ҳижронидин қон йиғламас?
Қайси бир сели бало бу чашми гирёнимча бор?

Қайси бир гул кўнглаки кўксум киби юз чок эрур?
Қайси булбул ноласи фарёду афғонимча бор?

Ғазалда шу тарзда тасвир кучайиб бораверади. Шоир кўнглига озор берган гўзал ўз ғамзалари билан ҳатто кофирдан ҳам ўзиб кетади. Ошиқ кўнглидан чиққан фиғонлар дўзах ўтидан ҳам кучли тарзда намоён бўлади:

Қайсидурким мен киби ул ғамзадин мажруҳ эмас?
Қайси кофир, қон қилурда номусулмонимча бор?

Қайси бир андуҳ ўтиким ўртамас онсиз мени?
Қайси дўзах ўти, ёраб, сўзи ҳижронимча бор?

Ғазал охирида эса ночор аҳволга тушиб қолган ошиқ ўз назмига ислоҳ бериш учун давони шоҳи сухандонида кўради:

Гар паришон назмингга ислоҳдин зеб истасанг
Эй Ғарибий, қайси бир, шоҳи сухандонимча бор?

Ана шу ўринда Ғарибийнинг «шоҳи сухандоним» дейиш билан кимга ишора қилаётганлиги, яъни шоҳу шоир бўлган отаси Ҳусайн Бойқарони назарда тутганлиги ойдинлашади. Бу эса биз юқорида Ғарибийнинг Ҳусайн Бойқаро ижодидан таъсирланганлиги тўғрисидаги фикрларимизни яна бир карра далиллайди.

Шу ўринда яна бир ҳолатни қайд этиб ўтиш лозим. Ғарибий ижодида кўнгул тимсоли муҳим ўрин тутади. Шоир девонида кўнгилга мурожаат тарзида ёзилган бешта ғазал мавжуд. Бу ғазалларнинг деярли барчаси аҳли замондан озор кўрган, вафо истаган шоирнинг изтироблари акс этган мисралар билан бошланган:

Бир замонлиқ ҳажр, ҳолинг қилди дарҳам, эй кўнгул,
Ҳажр кўпроқ бўлса ваҳ, неткунгдур ул дам, эй кўнгул.

Шоирнинг фикрича, одам авлодига жон бериш билан ундан вафо талаб қилиб бўлмайди. Одам насли барибир вафо қилмайди. Ул парирухсор сенинг ҳамдамлигингни истамаса ҳам унга ҳамдам бўлишга интилишингдан маъни қани, бирор замон шод-хуррам кўрмадим деб кўнгилга танбеҳ беради:

Одам авлодиға жон берма тамаъ айлаб вафо,
Ким вафо қилмас кишига насли одам, эй кўнгул.

Ул парирухсорачун ҳамдамлиғингни истамас,
Истамак не суд ўзингни анга ҳамдам, эй кўнгул.

Гўйи ғам чекмакучун махлук, ўлубсенким сени,
Кўрмадим ҳар замоне шоду хуррам, эй кўнгул.

Ғазалнинг кейинги байтларида шоир ул гўзалнинг бегонага айланганлиги, бунинг учун ғам емасликни, зеро, даҳр аро ҳусн аҳли кўплигини, санам қанчалик зулм ўтказмасин, уни тарк этмаганлигини таъкидлайди:

Тарки меҳр айлабагар бегона бўлди ул пари,
Ҳусн ахли даҳр аро кўптур, ема ғам, эй кўнгул.

Ҳар неча зулм айлади ул шўх, таркин тутмадинг,
Ишқ атвори сенгабордур мусаллам, эй кўнгул.

Тинмадинг ишқ ичра бирдам то Ғарибийдек мени,
Қилмадинг ушшоқ, аро расвои олам, эй кўнгул.

Шоирнинг кўнгил тимсоли акс этган бошқа ғазаллари ҳам мавзу кўлами, фикр ифодалаш услубига кўра бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ғарибий тил воситаларидан шунчаки, ғазал ёзиш тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб қўлламаган, балки ошиқ кўнгил изтироблари сифатида қоғозга тўкилган кўз ёшлари, ошиқнинг оҳлари дейиш мумкин. Сўзлар ва ташбеҳлар ошиқ кўнглининг тўридан чиққани боис ундаги сўзлар маъно ва шаклий жиҳатдан ўзаро уйғунлашиб, соғинч, ҳижрон, дард ифодасини акс эттирувчи бадиий санъатлар сифатида ғазалдан жой олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Ғ.Ғулом номидаги Бадиий Адабиёт нашриёти. – Тошкент, 1969. 28 –бет.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин, www.ziyouz.com кутубхонаси.
3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.
4. Шоҳғариб Мирзо Ғарибий. Девон. Тошкент: Шарқ, 2001. 6-7-бетлар.

“Фауст” трагедияси: ЎҚУВЧИ, ШОИР ВА ТАРЖИМОН



Абдулазиз ҚОСИМОВ.

Ҳар қандай мутолаанинг ортида матн ёки бутун бир асарнинг таҳлили, талқини ва таъсири масаласи ётади. Бадиий адабиётни мутолаа қилган ўқувчи кўпинча узоқ вақт асарнинг таъсиридан чиқолмасдан, унинг қаҳрамонлари билан хаёлан суҳбатлашиб, ўз ҳис-туйғулари ва таассуротлари билан курашиб юради. Баъзан эса, асар муаллифи билан ғойибона баҳс-мунозара юритади. Бу жараёнга амалий жиҳатдан ёндашилса, ҳар бир мутолаа қилишга лаёқати бор инсоннинг, айнан, жараёндаги иштироки қандай экани, жараёнга нима учун киргани, қандай мақсадни кўзлаб мутолаани бошлагани, унга ким ёки нима туртки бўлгани каби масалаларга ойдинлик киритишга тўғри келади. Мутолаа жараёнини ўрганиш аксарият ҳолларда мавҳум масала бўлиб туюлади. Буни кўпчилик олимлар одатий ҳол, деб баҳолайди. Бошқа бир қарашга эга тадқиқотчилар эса уни таъсир (рецепция) жараёни деб атайди.

Немис халқининг буюк шоири Й.В.Гётенинг қаламига мансуб “Фауст” трагедиясини Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов 1970-1975 йилларда ўзбек тилига таржима қилган. Асар таржимаси эълон қилинган кундан бошлаб, ўқувчилар ҳам, адабиёт аҳли ҳам таржима асарни илиқ қаршилади. Й.В.Гётенинг бутун умри, севги-муҳаббатга ва бахту омадга тўла онлари, қайғули ҳамда хатарли кунлари акс этган ушбу асарнинг таржимаси Э.Воҳидовдан катта масъулият, жавобгарлик ва санъаткорона дадиллик талаб қилди. Бу юкни ўз зиммасига олган таржимон бор куч-қувватини сарфлаб, Й.В.Гётенинг фалсафий асари “Фауст” таржимасининг уддасидан чиқди. Рецепциянинг ушбу занжир муносабатида, “Фауст” трагедияси учинчи

тил воситасида таржима қилингани учун, таржимон, аввал, ўқувчи позициясида бўлган.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом 1972 йил "Адабиёт ва санъат нашриёти"да чоп этилган Гётенинг "Фауст" трагедияси 1-қисми нашрига дастлабки сўзбошини ёзди. Таржима қилинган асарнинг сўзбоши ёки сўнгсўз муаллифи рецепция жараёни қоидаларига кўра, аввал таржиманинг мукаммаллигига, ундан кейин ёзувчи(муаллиф)-таржимон-матн ўртасида муносабат қандай ўрнатилганлигига, муаллиф ва таржимон бир-бирини қандай тушунганлигига ва ниҳоят таржимон ёзувчи фикрини қандай ифодалаганига эътибор қаратади.

"Шеърий тафаккур, фикрий шеърият" – бу ҳолатни англай олиш учун нафақат адабиётдан, балки мавжуд барча соҳалардан хабардор бўлиш шарт. Чунки фикрни шеърий баён этиш, уни чиройли қофиялай билиш учун фақатгина сўз бойлигининг ўзи етарли эмас. Й.В.Гёте дунёнинг барча мамлакатларида бирдай машҳур бўлган, севиб ўқиладиган, жаҳоннинг машҳур қомусий адиблари, Хомер, Данте, Низомий, Руставели, Фирдавсий, Ҳофиз, Навоий ва Пушкинлар билан бир қаторда эсланади. Маълумки, у жаҳон адабиётининг унутилмас сўз санъаткори, эрк ва озодлик куйчиси сифатида талқин этилади. Нуфузли хонадон вакили, адабиёт ва сиёсат фанлари арбоби, инсон қалбини забт эта олган Гёте узоқ яшаган, баракали ижод қилган шеърият алломаларидан биридир. Унинг ўнлаб машҳур шеърий, насрий ва илмий-фалсафий асарлари бор. "Асарлари ичида "Фауст" алоҳида ўрин эгаллайди. "Бағишлов", "Арши аълодаги дебоча" ва икки қисмдан иборат бу шеърий роман XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Европада яратилган бадиий обидаларнинг энг буюгидир" .

Ёзувчи Ҳ.Ғулом "Фауст" трагедиясига шеърий роман, деб баҳо бериши асарнинг мукаммаллик даражаси, рецепция нуқтаи назарига кўра, чегара билмаслигига ишорадир. Ҳ.Ғулом Линцей дарға образида асар муаллифи Гётени кўради. Бошқаларни ўз ортидан эргаштира олиш ва ҳар қандай ўқувчини ипсиз боғлай олиш фақатгина "Фауст" муаллифининг қўлидан келади.

“Ҳаракат – мавжудотнинг ибтидосидир!” - мана шу шиор Фауст ҳаёти ва курашининг фалсафий асосидир.

“Фауст”нинг якунида шундай мисралар бор:

Буюк ўлка яратаман янги, бепоён,
Миллион-миллион инсонларга бўлур қароргоҳ;
Йўлларида хавфу хатар кўтарса сурон,
Мангу эркин меҳнатидан топади паноҳ.

Сўзбоши муаллифининг диққатини асар ва унинг таржимаси эмас, балки асар муаллифининг асосий мақсади, поэтик ғояси тортади. Қолаверса, Гёте “Фауст” асарининг охирида “Буюк ва бепоён ўлка яратиб, миллион-миллион инсонларга қароргоҳ қуришдек” ўз орзусини ҳам баён қилади. Гёте буни уддалади. Унинг “Фауст”дек буюк асари ҳали ҳануз миллионлаб инсонларнинг диққатини тортиб, уларга “бошпана” бериб, ғойибона руҳ ҳам ато этяпти.

“Фауст” трагедияси фалсафий асар, уни таржима қилиш эмас, ўқиш, тушунишнинг ўзи қанчалик мушкул эканини Борис Пастернак алоҳида эътироф этган. Асарнинг 10 марта турли таржимонлар томонидан рус тилига ўгирилишининг ўзиёқ, “Фауст” ўрганилиши қийин бўлган, унча–мунча таржимон, тадқиқотчи ёки ўқувчига “таслим” бўлмайдиган асар эканидан далолат беради. Таржима қилишдан олдинги босқичлар, ҳам илмий, ҳам ҳиссий тайёргарликлар, ҳам қўрқув, ҳам истиҳола фақат таржимоннинг ўзигагина маълум. Дунёга машҳур, аммо ўзбек ўқувчисига маълум бўлмаган бир асарни юртга олиб кириш ва китобхонларга ўз тилида тақдим этишдан аввал Э.Воҳидов ўзи билмаган ҳолда, рецепция жараёнининг барча босқичларидан ўтган. Буни Ҳ.Г.Гадамер „Sensus communis“ (инсоннинг соғлом онги) тушунчаси билан боғлиқ жараён, деб тушунтиради. Бу эса рецепция жараёнида ўқувчи ҳам, таржимон ҳам маълум маънода худди ёзувчи каби фикрлашини англатади.

Бу ҳодисани тан олган Э.Воҳидов Гётенинг йирик асарини “аввал ўқувчи, кейин таржимон, кейин эса шоир сифатида муаллиф билан “суҳбат” қурганини” эслайди. “Фауст” асарини Фирдавсий “Шоҳнома”си, Данте “Илоҳий комедия”си, Навоий “Хамса”си билан таққослагани эса асарнинг ҳам умрбоқий асарлар сирасига киришига ишорадир.

Ушбу таъриф янгилик эмас, аммо рецепция босқичларига кўра, яна бир марта ҳосил қилинган ишонч маҳсули саналади ва улар фақатгина “Фауст” трагедиясига эмас, балки бевосита муаллифининг ҳам кейинги қисматига тегишли ҳисобланади.

“Фауст” каби асарлар ҳақида сўзлаш жуда қийин. Таржима қилиш ҳам осон эмас. Гётенинг “Фауст” трагедиясини таржима қилишга ўтиришдан олдин Э.Воҳидов немис тилини ўрганишга ҳаракат қилади. Охирида “Гётенинг “Фауст” асарини таржима қилиш учун немис бўлиб туғилишнинг ўзи камлик” қилишини тушунган ҳолда таржимага киришади.

Шоир асарни таржима қилишдан олдин бироз андишага борганини, "Фауст"дек улкан қасрни яна бир бор тиклашга ўзларида куч топа олишларига иккиланганлигини эслайди:""Фауст"дек қаср устунларидан ўзбек заминида тикланадиган иншоот содда ва жўн бўлиб қолмайдими, деган андишани қилдим. Яна бир андишам "Фауст" яратилган замон ва макон руҳини бера оламанми деган хаёл бўлди. Гётенинг Шарқ фалсафасига яқинлиги менинг йўлимни ёритиб турди, руҳимга мадад бўлди. Немис тилини мукаммал билмасам-да, рус тилига қилинган кўплаб таржималар, тадқиқотлардан баҳраманд бўлдим. Улуғ шоирнинг фикри ва руҳига чуқурроқ киришга уриндим. Унинг Ватанида бўлиб, Ваймар кўчаларида кезиб юрдим. Неча улуғ шоир ва созандаларни берган бу шаҳар менга Ғарбнинг Ҳироти бўлиб туюлди" . "Фауст"ни мутолаа қилган адиб, аввалambор, Гёте билан танишишга ҳаракат қилди. Гётенинг Ҳофиз Шерозийга ихлоси, умуман, Шарқ фалсафасига талпинишидан ўзида бироз таскин топган адиб таржимага ҳадиксиз киришишга ўзида куч топа олган ва ўзидаги ҳаяжонни босишга уринган шоир Эркин Воҳидов:

Ой ўртанар, кўзларида ёш,
Бағри доғу юраги қийма.
Дер: эй, фалак, мен эдим қуёш,
Нега мени қилдинг таржима?

сатрлари билан ўзига тасалли берган бўлса керак.

Э.Воҳидов ҳам ёзувчи Ҳамид Ғулом каби "Фауст"ни умрбоқий жуда улкан бир қасрга ўхшатди. Ҳар икки ёндашув асарнинг тушунилганидан, қабул қилинганлигидан рецептив эстетиканинг матн – ўқувчи – таржимон – ёзувчи босқичини муваффақиятли ўтганидан далолат беради.

Шундай мураккаб жараённи ўзининг бадиий "лабораторияси"да бошидан ўтказган Э.Воҳидов, таржима қилишни илмий жараёнга тенглаштиради. Қолаверса, ўсиб келаётган адабиёт ихлосмандлари орасида бевосита бадиий таржима билан шуғулланаётган ёш таржимонлар ва тадқиқотчилар айнан нималарни назарда тутишлари кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Фалсафий, илмий қарашларни мужассам этган Гётенинг "Фауст" трагедияси бир қатор илмий ва адабий суҳбатларнинг асосий мавзуси бўлиб келди. Бадиий таржима орқали эстетик ёндашилган ва рецепция жараёнининг энг муҳим босқичидан ўтган асарнинг тушунилиши, англаниши, эътироф этилиши учун нималарга диққат қаратилиши кераклиги суҳбат жараёнида аниқланади. Ҳали нотаниш асарнинг рецепцияси масаласига алоҳида тўхталган ҳолда, шоир Ш. Қурбон ва ёзувчи Ш. Отабекларнинг адиб Э.Воҳидов билан қилган суҳбатлари ўзига хос тажриба алмашиш вазифасини ўтайди. Адибнинг буюк хизматлари эътирофга лойиқ. Бу бежиз эмас: Ҳофиз Шерозийдан–Сергей Есенингача, Александр Блокдан–Фридрих Шиллергача эътироф этилган адиблар қаламига мансуб жаҳон адабиётининг юксак асарларига

ҳерменевтик ҳамда бадиий эстетик нуқтаи назардан ёндашилгани туфайли, миллий адабиётимиз хазинаси жавонидан муносиб ўрин олди.

"Фауст"ни таржима, талқин ва таҳлил қилишга бўлган иштиёқ, ният ҳамда журъат, қолаверса, имконият борасида Э.Воҳидов "Жаҳон адабиёти" журналининг 1999 йил сентябрь ойи сонида чиққан "Ўзимизнинг "Фауст" суҳбатида эслаб ўтган. Адиб Гётени, Байронни, Ҳайнени фақат мактаб дарсларидагина эшитган, улардан Гётенинг "Шарқу Ғарб девони"ни, "Фауст" трагедиясини рус тилига қилинган таржималар орқали ўқиган, уларнинг оламшумул аҳамиятга молик эканлигини англаб етган. Университет талабаси сифатида ижоднинг илк пиллапояларидан юқорилаб бориб, аввал Сергей Есенин ва унинг ижоди билан танишади. Гётенинг "Фауст" трагедиясини дастлаб Борис Пастернак, Жуковский, Холодковскийлар таржималари орқали ўрганади. "Фауст" трагедиясининг кириш қисмида Гёте асар сюжетини, ўз йўналишини тушунтириб ўтади. Шунинг учун трагедияни таржима қилишдан ҳам кўра, муаллиф фикрини ва асар мазмунини тўлақонли етказиб бериш осон кечади. Бирор асар фақат бир киши томонидан таржима қилинсин ё бўлмаса фақат бир киши бир асарни ўрганишга ҳақли, деган темир қоидалар адабиётшуносликда мавжуд эмас. Аммо кўпчилик нашриётлар ва таҳририятлар ўзларига қулай таржималарни бериш билан шуғулланиши бошқа миллат адабиётининг етакчи шоир ёки ёзувчиларининг миллий даражасини пасайтириб қўйиши ҳолатларига олиб келиши мумкин. Бу эса ўша асарнинг бошқа мамлакатдаги рецепцияси даражасига таъсир ўтказибгина қолмай, асар муаллифи ва ўқувчи ўртасида содир бўладиган бадиий коммуникациянинг барбод бўлишига олиб келади. Жаҳон мумтоз адабиёти намуналари – Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Дантенинг "Илоҳий комедия"си, Гётенинг "Фауст"и, Бокаччонинг "Декамерон"и-ю Шекспирнинг драмалари бадиий таржима, бадиий эстетика, ҳерменевтик ва рецептив ёндашув туфайли миллий адабиётларда адабий алоқа, адабий таъсир, адабий таҳлил, адабий танқид ва муносабат учун асос бўлиб келмоқда. Э.Воҳидов нашриётнинг таржима қилиниши керак бўлган асарлар рўйхатидан Гётенинг "Фауст" трагедиясини танлаб олиб, умрининг маълум қисмини "Фауст" таржимасига бағишлайди: "....Гёте "Фауст"ни ёзиш учун умрининг олтмиш йилини бағишлаган бўлса, мен унинг таржимаси учун 1970-1975 йиллар давомида беш йил умримни сарфладим. Агар эътибор берсангиз, мана шу беш йил ижодимда оқ саҳифалар бўлиб қолади. Чунки куч-қувватнинг юздан тўқсон тўққиз фоизи "Фауст" таржимасига сарфланган. Агар бу асарни таржима қилмаганимда, балки "Ёшлик девони"га ўхшаган яна учта китоб ёзармидим? Ўша пайтда "Олтин девор"ни ёзгандим ва шу каби бир нечта драмаларни миямда пишитиб қўйгандим" . Ҳам ифтихор, ҳам армон билан эсланган "Фа-

уст” трагедияси таржимаси ўзбек адабиёти учун оламшумул воқеа бўлиб, ҳам маданий, ҳам илмий, ҳам адабий бойлик ҳисобланади. Ўз тарихимизни ўрганиш чегаралаб қўйилган бир пайтда, «Фауст» трагедияси таржима қилингани Ўзбекистон учун тарихий воқеа бўлиб, жаҳон адабиёти кутубхонаси учун Гётенинг “Фауст” асари ўзбек тилида тақдим этилди. Аммо ёзувчи-матн-ўқувчи ўртасида таржима орқали амалга оширилиши керак бўлган бадиий коммуникация занжири рецепция жараёни охирига етказилмагани учун узилиб қолади. Буни Э.Воҳидов “...Учрашувларда ҳамиша ўқувчиларимдан “Фауст”дан парча ўқиб беришларини интизор бўлиб кутаман. Юрагимда биргина армоним – халқимизнинг шу китобни ўқиш даражасига етганини кўриш! Дунё адабиётининг буюк асарлари фақат жавонларни безаб туриш учун эмас, балки келгуси авлод онгига сингдириш ва қалб мулкига айлантириш учун чиқарилади, акс ҳолда булардан бир тийинлик фойда йўқ...” , – деб эслайди.

Бундан ташқари, “Фауст”да Шарқ ривоят ва афсоналаридан ташқари, пайғамбарларимиз тўғрисида, масалан, Айюб пайғамбаримиз ҳақида ҳам исломий фалсафа мавжуд. Гётенинг қалбга яқинлиги, Шарқ шеъриятига иштиёқи баландлигидан далолатдир. Шарқ шеъриятидан бохабар инсон шоир нима деган, нима демоқчи эканлигини талқин қилиб бера олади. Бу нарсаларни тушуниш, талқин қилиш учун “Қуръони Карим”ни, “Ҳадиси Шариф”ларни билмоқ керак. Гётенинг ўз таъбири бор, у Шарқ оламидан етти юлдузни – Саъдий, Ҳофизни санаган, шулар қаторида Навоийни ҳам келтирган-да, ўзини уларнинг соясига ҳам арзимаслигини айтиб ўтган. Айнан, Гётенинг Шарққа бўлган ҳурмати учун “Фауст” таржима қилинди. Э.Воҳидовнинг “Тирик сайёралар” китобининг ёзилишида ҳам “Фауст”нинг таъсири бор.

Хулоса шуки, бадиий таржима рецепция жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, таржимон – асар муаллифи бир танага жойлашиб, унга айланиб кетолсагина, таржиманинг уддасидан чиқа олади. Икки ҳалқ ўртасида кўприк бўла олиш қисмати ҳаммага ҳам насиб этавермайди. “Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бу кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиё ва Европа қитъаларини бир – бирига улайди. Ҳар гал шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улуғворлиги, кўтарган юкининг залвори, табаррук уҳдаси билан у менга буюк Йоҳанн Вольфганг Гётени эслатади”. Халқни бошқа адабиётлар билан ошно қилиш шоир учун жуда катта шараф. Бу, биринчидан, унинг ўзи учун жуда катта имконият ҳамдир, яъни, бошқа шоир ижодхонасига кириб бориш ҳисобига, у билан руҳан гаплашади. Ўша шоир ва таржимон ўртасида қандайдир кўприк пайдо бўлади. Шундай бир юксак илҳом дақиқаларида шоир-таржимон асар муаллифига айланиб қолади.

КЎНГИЛДАН КЎЧГАН НАҚШЛАР



ГУЛЧЕХРА СУЛТАНОВА.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан биридир. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадиий санъатнинг бу тури билан деярли барча халқлар шуғулланади. Қадимги Шарқнинг антик дунё мамлакатлари архитектурасида кенг ишлатилган мазкур санъат даврлар оша ривожланиб, ўзига хос бадиий услубларига эга бўлган.

Шу сингари Марказий Осиёда ҳам ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб кишиларнинг уй-рўзғор буюмларида ва архитектурасида кенг қўлланилган. Ўймакорлик қадимий архитектуранинг эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган. Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, нақшларининг мураккаблиги, ашёсининг табиийлиги боис киши ақлини лол қолдиради.

XIX-XX асрларда ёғоч ўймакорлиги шунчалик ривож топдики, ҳар бир шаҳарда ўзига хос ёғоч ўймакорлик мактаблари пайдо бўлди. Қўқондаги Худоёрхон саройи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовнинг саройи ва А.А.Половцев уйи, Қувадаги Зайниддинбойнинг уйи, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Бухородаги Ситораи Моҳи-Ҳосада ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналари яратилди. Булар эса ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо асарларидир.

Ёғоч ўймакорлигининг ҳар воҳада ўзига хос турли услуб ва усуллари мавжуд бўлган. Масалан, Хива ёғоч ўймасининг монументаллиги ёғоч табиий рангининг сақлаб қолиши билан бошқалардан фарқланади. Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиши эвазига ажралиб туради. Марғилон ёғоч ўймакорлари эса чуқур заминли ясси ўймани

қўллаб келганлар. Қўқон ўймакорлари аксинча калта бўртмали, ясси ўйма ишлатганлар. Тошкентда нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг таркалган.

Ўзининг гўзал архитектура ёдгорликлари билан оламга машҳур бўлган Хивада қадимданоқ ёғочга нақш солиш санъати ривожланган. Хива бу санъатнинг ижодий марказларидан бири ҳисобланган. У ўзининг маҳобатли ёғоч ўймакорлиги билан бутун дунёга машҳурдир. Хивадаги Тошҳовли ва Нуриллабой саройларидаги жимжимадор нақшин устунлар бунга мисол бўла олади.

Бу XI-XIV асрлар обидаси Жума масжид устунларидаги, XIX аср ёдгорлиги Тошҳовли устуни ва эшикларидаги ўйма нақшларида ҳам кўриниб турибди. Уларда ота-боболаримизнинг жуда узоқ даврдан бери давом этиб келган анъанавий нақшларини ҳамда ўша ёдгорликлар яратилган давр нафасини, санъатини ўзида ифодалай олган нақшларни кўрамиз.

XIX аср охири XX аср бошларида бу санъат юксак босқичга кўтарилди. Шу даврда қурилган масжид ва мадрасаларда, саройлар, уйжой қурилишида ундан ўринли фойдаланилган. Наққош Абдулла Болтаев, наққош ва ганч ўймакори Рўзимат арбоб Машарипов, ёғоч ўймакорлар Боғибек Маҳмудов, Ота ўрачи Полвонов бой анъаналарга эга бўлган мумтоз санъатни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Ота Полвонов икки асрда яшаб ижод қилган. У Хива ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакилларидан биридир. У 1867 йилда Хиванинг Қиёт қишлоғида ёғоч ўймакор уста оиласида таваллуд топди. Ота Полвонов бу санъат сирларини отаси Полвон ўрачи ва бобоси Абдусаттордан ўрганди. 1927 йилгача отаси ва бобосидан сабоқ олиб Хивада барпо этилган масжид ва мадрасалар, турар жойлар учун буюртмалар олиб, ўйма эшиклар ва устунларни тайёрлаб ўрнатди. У 1929 йилдан эътиборан Хивадаги халқ амалий санъати "Учқун" артелида мустақил фаолият кўрсата бошлаган.



Ота Полвонов кўпчилик ўймакорлик устунларини, эшикларни шогирди Сафо Боғибеков (1903-1978) билан ҳамкорликда тайёрлаган. Хива услубида такомиллашган ўсимликсимон "айланма ислимий" нақшлар ўзига хос компо-

зициялар уйғунлаштириб яратилган, гўзал бадиий даражага етказилган ёғоч ўймакорлик асарлари ҳаммани ҳайратда қолдирган.

1937 йилда улар томонидан яратилган битта устун Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада олтин медаль билан тақдирланган. 1945 йилда давлат мукофоти лауреати Абдулла Болтаев раҳбарлигида бир гуруҳ хивалик халқ усталари Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет театрини миллий ва бадиий безашда иштирок этдилар. Ота Полвонов ва Сафо Боғибеков бу ерда театрнинг кичик фойеси ва Хива зали эшикларини ёғоч ўймакорлигининг энг жозибали намуналари билан безатишди. Алҳол шу давргача меъморчиликда унутилаётган ёғоч ўймакорлиги санъатини ҳозирги замон меъморчилигида муваффақиятли қўллаш мумкинлигини исботлаб бердилар. Шунингдек, улар томонидан Тошкент услубида яратилган устунлар ва икки табақали эшик Тошкентдаги амалий санъат музейини безаб турибди.



Ота Полвонов (1957 йилда у 80 ёшда эди) Сафо Боғибеков билан бирга Ургенч темир йўл вокзали эски биноси учун Рўзмат Машарипов (1867-1968)нинг “тулунч”, ”рапида гули”, ”олма гули” чизмаси асосида “айланма ислими” услубида ўйма нақшли тўртта эшик ясади. Бу Ота Полвоновнинг энг сўнгги иши бўлди. Уста муттасил ижод қилиб, ўша давр меъморчилиги учун ҳам ёғоч ўймакорлиги сингари санъат турлари ортиқча эмаслигини исботлади..

“Мен талабалик даврларимда, аниқроғи 1960 йил кузида Ота Полвонов билан биринчи марта учрашдим. Ўшанда 101 ёшда бўлиб ҳали тетик эди, чеҳрасидан нур ёғиларди. Уникига кўплаб меҳмонлар, амалий санъатга қизиқувчи ихлосмандлар тез-тез келиб туришарди. Уста улар билан ўз ҳаёти, ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи ва унинг бугунги аҳволи ҳақида суҳбатлашарди” – деб эслайди санъатшунос Озод Султонов. “Ёғочга ўйилган нақшларнинг гўзаллик сири нимада?” – деб савол беришганида уста шун-

дай жавоб қайтарган: – Бундай нақшларни тошга, суякка, ганчга ўйиш ва олтиндан қуйиш ҳам мумкин. Бироқ улар нафислик ва мукаммаллик жиҳатидан ёғочга туширилган ўйма нақшларга тенг келолмайди. Дарҳақиқат, гужум, қорамон, чинор каби қаттиқ дарахтларга юксак нозик дид билан ўйиб ишланган нақшлар ўзгача гўзаллик бахш этади. Бунинг боиси шуки, мазкур дарахтларнинг ўзида табиий нақшин шакл ва йўллар бўлади. "Ўзингизга ёқадиган энг мукаммал яратилган ишларингиз ҳақида нима дейсиз" деб сўрасам: Умрим давомида барча қилган ўймакорлик ишларим ҳаммаси ҳам ўзига яраша гўзал, чунки уларни қалб қўри билан яратганман. Устага улар ўз фарзандидек бўлиб қолар экан. Фақат улар қаерда, қай аҳволда сақланаётган экан деб ўйлайман. Хон буюртмаси асносида бажарилган икки устуннинг баландлиги 9 метр эди. Устунлар бўйи-басти чиройли бўлиб, улар ўсимликсимон турдаги ислимий нақшлар билан безалган эди. "Олма гули",



"Япроқ", "Новда", "Тайка" нақшларининг жойланиши, унинг майин ўйиб ишланиши жуда бошқача эди. Шу устунлардан ажралиш қийин бўлди. Лекин уларнинг ҳозир қаердалигини билмайман – деган эди уста Ота Полвонов.

– Ҳозир ҳам буюртма бўлса ишлар эдингизми?

– Агар шундай бўлганда шогирдим Сафо Боғибеков билан ишлаб, набираларимга ўймакорлик сирларини ўргатар эдим – деб жавоб берган эди.

– Ҳақиқатан ҳам буюртмалар бўлмаганлиги сабабли ёғоч ўймакорлиги санъати унутилиб бораётир – деб куюниб гапирганди уста.

Ота Полвонов 1972 йил оламдан ўтди. Лекин на матбуотда, на радиода бу ҳақда маълум қилинди, ҳамдардлик билдирилди. Шундай улуғ инсонда давлат томонидан берилган на унвон, на мукофот бор эди. Ҳатто Парижда берилган олтин медаль ҳам

унинг қўлига етиб келмаган. Уни ҳатто рассомлар уюшмасига аъзоликка қабул қилишмаган. Нима эмишки, у хонларга хизмат қилган эмиш. Фақат меъморлар уюшмаси аъзоси эканлигини билдирувчи битта гувоҳнома сақланмоқда.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан кейинги 1997-1998 йиллар халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда "Усто" республика бирлашмаси фаолиятини яхшилаш тўғрисида ҳукумат қарорлари чиқди. Ёғоч ўймакорлигининг ноёб намуналарини яратган Ота Полвонов сингари "олтин қўлли" халқ усталарининг орзулари ушалди. Сафо Боғибеков устозининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, кўплаб ёшларга ўз ҳунари сирларини ўргатди. Унинг ўғли Ҳайитмат Боғибеков йигирмадан ортиқ шогирди билан аждодларимизнинг бу бебаҳо санъатини авайлаб асрашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар яратган устунлар республика пойтахтидаги Хотира ва қадрлаш ҳиёбонини безаб турибди. Хивадаги Ал-Хоразмий ва қадрлаш майдони, Маъмун академияси биноси айвонларидаги ўймакори устун ва эшиклар ушбу жойларга ўзига хос миллий руҳ бағишлаб турибди. Ҳозирги пайтда Хивада юздан ортиқ ёғоч ўймакори фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда миллий ҳунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтидорли шогирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабини яратган заҳматкаш усталар рағбатлантирилиб, уларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилаётирки, миллий-амалий санъат хазинасини бойитадиган асарлар яратишмоқда.







Эъзоз

ЧЎЛПОН УЙ МУЗЕЙИ

Мирмуҳсин МИРЗОКИРОВ.

Андижонга борганимда, февраль ойининг охирлари эди. Баҳор эпкинлари эса бошлаган, қиш эса ўрнини кўкламга асло бўшатгиси келмай турган лаҳзалар: ҳаво тунд, гоҳ-гоҳида булутлар орасидан қуёш кўриниш бериб қолади.

Автобусдан тушибоқ Чўлпон музейига қандай бориш мумкинлигини йўлда дуч келганлардан сўрайман. Ҳамма елка қисади.

– Ака, биздан «Жаҳон бозори»ни сўранг, музейни қайдан биламиз, – дейди «Дамасчи» андижонча чапанилик билан. – Ўзиям яқин минг йилдан бери ҳеч ким менга бунақанги савол бермаганди.

– Юринг мен билан, ўша томонга бораман, – жонимга оро киради зиёлинамо кўринган ўрта ёшлардаги аёл. – Мана бу «Дамас»га ўтирайлик. Сой бўйида тушасиз.

Автобекатдан у қадар узоқ юрмадик. Ўша аёл айтган жойда қолдим. Шилдираб оқаётган сойнинг шундоққина ёқасида ажиб бир боғ барпо этилган экан. Кўкка бўй чўзган мирзатераклар-у, садақайрағочлар ҳадемай, баҳор келса, ям-яшил барглар ёзиб, бу жойларга қанчалар зеб бериши мумкинлигини тасаввур қиламан. Баҳорий кайфиятни туйгандек бўламан. Кўм-кўк арчалар ифори танамни яйратади.

Боққа кираверишдаги ҳайкал олдида тўхтайман. Бир қўлини тиззасига, иккинчисини ёнбошига оҳиста қўйганча, олисларга термилиб ўтирган инсон қиёфаси олдида бош эгаман. Салом бераман. Мармар тошга «Чўлпон. 1897-1938» деб ёзилган.

41 йил. 41 ёш. Бир инсон учун умри учун нақадар қисқа муддат. Аммо мана шу қисқа вақт ичида нақадар улкан ишлар қилинган! Озодлик, ҳурлик йўлидаги ишлар... Илм-маърифат йўлидаги ишлар... Қанчадан-қанча таржимонлик асарлари-ю, неча-неча шеър-у, ҳикоялар, драматик асарлар-у, публицистик мақолалар...

Андижондаги Чўлпон музейи мўъжазгина. Уч хонадан иборат. Дастлабкиси худди ўзбекнинг даҳлизи сингари кичикроқ. Сўнг иккита катта хонага ўтилади. Биринчисига киришингиз билан хонтахта атрофига тўшалган кўрпачалар, деворга илинган чопон ва салла

эътиборингизни тортади. Сандиқ устига тахлаб қўйилган тўшаклардан тортиб миллий услубдаги токчаларга терилган бежирим идишларгача, бари-барида ўзбекона руҳ мужассам.

– Қаранг, қанақанги чиройли-я! Биз эса токчаларсиз уйга, стол-стулларда ўтиришга қизиқаверамиз. Аслида ота-боболаримизнинг мана бунақанги шинам уйларига етмайди-ку!, – дейди Марғилондан келган сайёҳлар гуруҳидаги аёллардан бири шеригига.

– Ҳа, нимасини айтасиз, жудаям гўзал! – маъқуллайди ҳамроҳи.

1997 йилда ташкил этилган музейдан жадидчилик ҳаракатининг энг кўзга кўринган вакилларидан бири бўлган инсон ҳаёти ва ижодини батафсил ўрганишда фойдаланиш бемалол мумкин. Зеро, ундан 300 га яқин экспонатлар жой олган.

– Музейимизда сақланаётган буюмлар, ҳужжат ва китобларнинг бари Абдулҳамид Чўлпон оиласига тегишли, – дейди музей директори Камолиддин Маматқулов. – Масалан, мана бу Қуръонни шоир ўқиган. Девон эса отаси ёрдамида тузилган. Мана бу паспортлар Чўлпон ва амакисиники. Гилам эса онасининг сепи ҳисобланади.



Муассасада замонавий инфокиоск қурилмаси хизмати жорий этилиб, маълумотлар билан компьютер ёрдамида танишиш имконияти ҳам яратилган. Масалан, қурилмадан шоирнинг ҳаёти ва ижоди, асарларидан намуналар ўрин олган. Муҳими, Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Чўлпон номидаги мазкур ёдгорлик бўлимига киришингиз билан ўтган асрнинг аввалидаги даврни ҳис этгандек бўласиз. Ҳар бир сурат, ҳар бир буюм сизни ўтмиш сари етаклайди.

Архив ҳужжатлари, фотосуратларга разм солсангиз, 30-йиллар мудҳиш қатағонини беихтиёр тассавур қиласиз. Этингиз жунжикади. Ахир ўша даврларда етишиб чиққан, миллатнинг гултожи ҳисобланган Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон сингари маърифатпарвар зиёлилар тақдири мустабид тузумнинг зулмкорона сиёсати туфайли аянчли якун топди.

Улар орасида Чўлпоннинг ўрни алоҳида. Зеро, халқ дардини ўз асарларида очиқ-ошкора баён этиш бобида Чўлпон чинакам фидойи бўлган десак, асло муболаға эмас. “Халқ” шеъридаги “Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб халқ ичига борайлик!” мисралари эса халқпарварлик адибнинг ҳаёти мазмунига айланганидан дарак беради.

Музейда учинчи – Чўлпоншунослик бўлимида олимларнинг адиб ҳақидаги асарларига кенг ўрин ажратилган. Айниқса, Озод Шарафиддинов, Наим Каримовларнинг қимматли маълумотларга тўла китоблари ниҳоятда аҳамиятли. Шунингдек, мазкур бўлимда адибнинг мустақиллик йилларида чоп этилган асарларига-да алоҳида эътибор қаратилган. Китобларининг махсус библиографияси тузилган. Қолаверса, Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган тадбирлардан суратли лавҳалар тайёрланган.

Истиқлол йилларида қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Кейинги даврда эса бу борадаги тадбирлар кўлами янада кенгайди. Биргина Абдулҳамид Чўлпон мисолида оладиган бўлсак, Андижондаги музейдан ташқари, Ички ишлар вазирлиги Академиясида ҳам ана шундай маънавий-маърифий маскан барпо қилинди. Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Чўлпон хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатилганлигини улкан эҳтиром намунаси дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб, "...миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожиаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас", деган сўзларини эса энг юксак эътирофлардан бири, десак арзийди.

Чўлпон музейидан олган ажиб тассуротларим туфайли пайдо бўлган хуш кайфият шаҳарни кезиш баробарида янада кўтарилди. Зеро, Андижон кейинги даврда ўзгача қиёфа касб этган. Кенг ва равон кўчалар, замонавий архитектура билан миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашуви ҳолида барпо қилинган кўпқаватли уйлар ва дилтортар хиёбонлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб, унга файзу тароват бағишлабди.

Қўшни вилоят - Наманганга қайтар эканман, беихтиёр автобекатдаги ўша «Дамасчи»нинг музейни сўрайдиганлар камлиги ҳақидаги гапи ёдимга тушди. Ҳайдовчининг аччиқ ва ошкора ҳақиқати ўйлантириб ҳам қўйди. Ахир, тан олиш керак, аксариятимиз бирор шаҳарга саёҳат қиладиган бўлсак, бозорини кезамиз, аммо музейга бориш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Буюм дўконига кириб, уйда қолган яқинларимиз учун бирор нарса қидирамиз, аммо китоб дўконини ахтармаймиз. Совғага, деб китоб харид қилиш хаёлимизга келмайди... Ваҳоланки, биз назарда тутган масканларда бўлиш инсон дунёқарашини кенгайтирибгина қолмайди, балки унинг маънавиятини юксалтиради ҳам. Бу эса бугунги замонда жуда-жуда муҳим. Айниқса, китоб мутолаасидан кўра «Тик-Ток» иловасидаги бемаъни видеоларни томоша қилишни афзал биладиган айрим ёшлар учун...



ЖИЙРОН

От — инсоннинг йўлдоши.
(Халқ мақоли).

Холиёр САФАРОВ.

Ўшанда ёзнинг ўрталари эди. Чорпоя йўқлиги учун бўлса керак, уйимиз олдида гувала ғиштдан ўртаси тупроққа тўлдирилган, атрофи лойсувоқ қилиниб, ўттиз-ўттиз беш сантиметрлар баландликдаги қўлбола супа кўтариб қўйилганди. Ёз оқшомларида оиламиз билан ўша ерда ётардик. Тартиб ҳеч ўзгармасди: аввал отам, кейин ўртада бешик, сўнг энам, акам ва мен.

Кеча сокин. Қибладан эсаётган майин шабада юзга ёқимли урилиб, танага ажиб бир ҳузур бахш этади. Акам иккаламиз кўкка боқиб, юлдузларни кузатиб ётибмиз. Отам билан энам рўзғорнинг кам-кўстидан гаплашаяпти. Эртанги ишлардан. Гоҳида оғил томонда боғлиқ турган Сиртлон юлқиниб ҳуради-да, кичкинамиз уйғониб кетиб, чинқириб йиғлаб юборади. Шунда уларнинг суҳбати узилиб, энам бешик тебратади. Майин-майин алла айтади... Берили-иб, меҳр билан... Кичкинтой ухлаб қолгач, яна, то биз – икки зумраша (энам бизни шундай дейди) ухлаб қолгунимизча, уларнинг сокин кечадаги соҳир суҳбатлари давом этади... Негадир алламаҳалгача уйқулари келмайди, акам билан мен эса кундузги иш ва ўйинлардан жуда чарчасак керак, сомон йўлига тикили-иб ётиб, ухлаб қоламиз.

Ўша куни негадир уйқумиз келмади. Бешикдаги синглимиздан бошқа ҳамма уйғоқ эди.

– Кампир, – деди отам (негадир ҳали ёш бўлишларига қарамай доим энамни «кампир» деб чақирарди), – бувaнинг аҳволи чатоқ... Кетиб қолмаса деб қўрқаман.

– Нафасингизни ел учирсин-е...

Билдим: ўзимнинг бувам отдай, улар ҳамсоямиз, уйи шундоққина кўриниб турган Бойқувват бува ҳақида гаплашаяпти. Жондай ҳамсоя бўлганимиз билан уйларимиз ораси эллик-олтмиш метр келади. Қишлоқчилик-да, ҳар ким ўзига ёққан жойдан иморат кўтараверади. Бувaнинг уйи ҳам бизники каби қир этагида. Бир томонимиз кенг адирлар, бийдай дашт, бир томонимиз томорқалар, кейин пахтазор. Ёнимиз баланд-паст бўлиб жойлашган ҳамсоялар. Томорқа бошидан ариқ ўтган. Ундан берида чангкўча. Отамнинг ҳар баҳорда шаҳардан келувчи чиройли кийинган курсдош дўстлари тили билан айтганда, биз шу «ариқнинг лойқа сувида чўмилиб, кўча тупроғида «загар» олиб, катта бўлган»миз.

Бойқувват бува анчадан бери оғир. Сим каравотидан турмай ётибди. Каравоти дераза ёнида. Отамнинг айтишича, бува охирги пайтда алланималар деб алжираб қолганмиш, аммо ҳар куни эрталаб ва кечқурун деразадан қараб, «Жийрон, Жийроним...» дея уйдан сал нарироқда боғлиқ турган отини чақирармиш. От деразада эгасининг юзини кўргач пишқирар, сувлиқ чайнаб, ёлларини силкитганча қозиқ айланиб чопармиш. Сўнг деразага қараб олд оёқларини кўтариб-кўтариб кишнармиш. Шунда бува деразада, ликопчада турган парвардадан тўрт-бештасини олиб, неварасига ташқаридан келишини айтаркан ва қўл силкиб, Жийронга имларкан. «Ма, Жийрон! Бу сенга! Ҳа, ойналай...» деб неварасини от томонга юбораркан. Невараси отдан қўрқади. Парвардани от олдига отиб юбораркан-у, қочаркан. Жийрон парвардани

тупроқ орасидан папалаб ер, сўнг минатдорчилик билдиргандек дераза томонга қараб бир кишнаб қўяр, яна қозиқ айланиб, лўкиллаб чопаркан.

Бойқувват бува полвон! Кўпкари чопади. Бувам айтиб берган: ҳозир чўкиб қолгани билан ёшлигида елкалари кенг, қўллари узун, кафтлари баркашдай, савлатдор, қиррабурун, ўктам бир йигит бўлган экан. Айниқса, кўпкарида ундан ўтари бўлмаскан. У кишининг иккала қулоғида, чап юзида чандиғи бор. Барини кўпкаридан топган. Қўлларини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Бойқувват бувани ёши катталар «Бойқувват шамол» дейишади. Бу – лақаб. У Жийронни миниб кўпкарига кирса, албатта улоқ олган, айниқса, «Қора» қўйилганда («Қора» – кўпкарининг бош соврини. Унда улоқни даврадан олиб, адирнинг у томонида қизил белбоғ кўтариб турган баковулгача олиб бориш керак), Бойқувват шамол улоқ кўтариб, «Ҳаа-аа!» дея Жийронига қамчи босса, ҳеч қайси от етолмас экан. Жийрон даврани ёриб, ўқдек отилиб чиқар ва узун ёлларини силкиб, шамолдек еларкан. Одамлар кўпкарида отларнинг Жийронга етолмай, шамолида қолиб кетаверишидан бувага «Бойқувват шамол» деб от қўйишган ва шу ном билан атаб кетишган экан. Кўпкарида улоқ айирса, «Бойқувват шамолники ҳалол!» деб чақирар экан. Бу ном полвон бувага ёқар, отаси қўйган исмга Жийрон кучи қўшилганидан, бу ном ўзимизнинг Айритом, бутун туман-у, Қашқадарёга ёйилганидан завқ туяр, тағин индамай, камтарлик қилиб:

– Ҳа энди, буям бир қизиқишда... – деб кулиб қўяркан.

Бойқувват буванинг Жийронини ўз жонидай авайлашидан ташқари ҳамма биладиган бир одати бор: у киши қаерга бормасин, қайси тўйдан чиқмасин, доим тугунчага ўраб, хуржунида бир ҳовуч парварда ёки конфет олиб юради. Кўпкаридан чиққанда ё бирор жойдан уйга қайтганда, албатта, Жийронга бир сиқим ширинлик ҳадя қилади. От парвардани егач, бўйнини чўзганича ёлларини силкир, ҳузур қилганини билдириш учун буванинг кифтига пешанасини қўйиб, бошини қимирлатади. Бойқувват шамол бундай пайтларда отининг устига катта чиргини ташлаб қўйиб, бўйнига ёпишиб турган ёлларини, кенг кўкраги ва ингичка қоринларини силайди. Ҳатто эркалаб, яхши боқувдан ариқча ҳосил қилган кенг сағрисига шапатилаб уриб-уриб қўяди. От бундан ҳузурланар, думини силкир, баъзида полвон бува от сағрисига чайир қўллари билан қаттиқроқ уриб юборади шекилли, от ҳам думи билан буванинг елкасига урарди. Бува «Э, ҳа Жийрон? Нимага буйтасан? Ҳа, уккағарди оти!..» дея уни яна эркалар, «Ҳа, ҳа!» дея қамчи билан ўзининг маҳсиси қўнжига уриб, отни қозиқда айлантириб чоптирарди. Бу ҳолга кўпинча биз ҳам гувоҳ бўлардик.

Полвон буванинг от совутишини томоша қилишни ёқтирардим.

– Ҳа, Бозорвой, отга миндирайми? – дерди бува.

– Майли... – дердим ийманиб.

– Ке.

– Йўғ-е, – бундай баланд отга минишдан қўрқиб, баъзида ортга тисланардим.

– Ке, қўрқма. Уккағарди ули, қўрқсанг полвон бўлолмайсан! – дея Полвон бува бир қўли билан даст кўтариб, қозиқда турган отга миндириб қўярди.

Айниқса, Жийронни қирқ кунлик боқувдан чиққанда минишни жудаям ёқтирардим. Чунки бу пайтда от кўзимга гўёки достонлардаги Алпомишнинг Бойчибори-ю, Гўрўғлининг ўйироти бўлиб туюларди. Боқувдан чиққан отни совутиш эмаклаган болани «той-той» қилиб оёқда юришга ўргатишдай гап. Бунга йигирма-ўттиз кун вақт кетади. Бостирмада юлдуз кўрсатмай боқилган от қирқ биринчи кун кечки салқинда ташқаридаги отқозиққа ярим соатгина боғлаб қўйилади, холос. Иккинчи куни якка қозиқда бироз айлантирилади. Учинчи кун ҳам. Кейинги икки-уч кун ҳовли атрофида устига ҳеч кимни миндирмасдан... Шундай пайтда Бойқувват бува невараларини отга миндиради. Бизни ҳам. Бу тоза ҳузури жон. Масза қиласан. Тасаввуримизда қишлоғимизга кунжара сотиб келадиган «КамАЗ»-

нинг томида ўтиргандек бўлардик. Эгар устида ҳаяжонданми, қўрқувданми юрагимиз така-пука бўларди. Юганни маҳкам ушлаб, бир отга, бир Бойқувват бувага қараб-қараб қўярдик. Бува отни жиловидан тутиб, яёв етаклар, биз эса эртакдаги шаҳзодалардек эгарда ястаниб ўтирардик, гоҳ бунга талашиб ҳам қолардик. Шунда Полвон бува «Ҳе, капанг куйгурлар, нимага талашасан?» деб, ҳеч қайсимизни миндирмай, салт етаклаб юрарди. Кейинги кунларда шом тушиши билан ўзи эгарга ўтириб, Жийронни сой охири – подагузаргача, кейин узоқроқ, кейин ундан ҳам олисроққа миниб келарди.

От совутишнинг қоидаси шундай!

– Байловдан чиққан от терламаслиги керак, терласа хом бўп қолади. Кейин кўпкарида чополмайди, – дерди Бойқувват бува. – От ҳам одамдай. Сен ҳам терлаб ишлаб, кейин яхдай сув ичсанг, баданинг қотиб қолади-ку, шундай. Булар ҳам ҳозир терласа, чарвиси тўнглаб қолади...

Бойқувват бувининг гапи рост: ҳамма полвон отини шундай боқади, шундай совутади. Бунинг исботини кўпкариларда кўп кўрганмиз. Шунинг учун бувининг оти шамолдай елади-да!

Аммо охирги йилларда бува кўпкари чопгани йўқ. Қарилик, аммо баковуллик қилади. Жийронни эса ўзимизнинг қишлоқлик бувининг ҳам шогирди, ҳам қамчидош укаси Панжи полвон чопади. Панжи зўр, чапдаст полвон. Ўзининг Қорабайириям бор. Байир ҳам учқур, улоқчи от. Панжи полвон икки отни алмашлаб минади, лекин бир ёмон одати бор. Биз ҳам бир неча кўпкариларда бобойлар билан тележкада ўтириб кўрганмиз: у отнинг чатига уришни яхши кўради. Шундан кейин улоқдан ҳуркадиган отлар ҳам ўзини ўртага уради. От эгалари бундай қилиқдан ўзларининг кетига қамчи урилгандай безиллашса-да, полвонлар билганидан қолишмайди. Уларга гап уқтириш бефойда...

Бойқувват бува шу йил баҳорги тўйларга ҳам боролмади. Жийронни ҳам кўпкарига чиқармади. Ётиб қолди. Кейинги ойларда, ҳатто ташқарига ҳам чиқолгани йўқ. Қанча дийдаси қаттиқ бўлмасин, дард Полвон бувани енгди. Мунғайиб қолди. Дардни тан олгиси келмай, ўзини тетик, иштиёқманд тутар, аммо кундан кунга сўлиб борарди. Ҳол сўраб келгувчи қамчидошларига яхши эканлигини, насиб бўлса, кузги тўйларга чиқишини айтиб, каравотида бир пасгина қаддини тутиб ўтирар, аммо яна ҳолсизланиб ётиб қоларди.

– Полвон бува, дўхтир-пўхтирга кўринсангиз бўлмайдими? – дерди уни сўраб келувчилар.

– Ай-й... – ноумиддек қўл силкирди бува. -Кўриндим, фойдаси йўқ.

– А... Э, нима бўлсаям дадил бўлинг-е, сизга бундай ётиш ярашмайди, – дерди келганлар охири нима дейишларини билмай.

– Тетикман... Худога шукр, тетикман, – қуруқшаб қолган лабларини яларди. – Қарилик-да... Ўзимам тоза ичикиб ётибман. Мана, бу йил кўпкариларга ҳам чиқолмадим.

Полвон бува гап кўпкари ҳақида кетса, бир енгил тортгандек бўлади.

– Ай, оғайинлар, кўпкариларда нима гап? Улоқдан гапиринглар-е, улоқдан...

– Сизнинг ўрнингиз билиняпти-да... – сўз ўйинидек мулозамат қилади қамчидошлари.

– Ҳай, Худоим таоло соғлигимни қайтариб, шу тўшакдан туриб кетсам, кўпкарига чиқаман, насиб бўлса! Лекин бу қизи талоқ ҳам ҳеч қўйиб юборадиганга ўхшамайди...

Уч-тўрт кун олдин ўзимнинг бувам билан борганимизда ҳам шундай деди:

– Э, Хидирбой, тетикман, аммо-лекин бедаво дардга йўлиқдимми дейман-да, ошна. Биласиз, дўхтирда шунча ётдим. Ҳар хил дорилар ичирди, укол қилди, ўзгариш бўлмагандан кейин уйга жавоб бериб юборишди.

– Насиб бўлса яхши бўлиб кетасиз, – кўнглини кўтарай дедими, ишонч билан гапирди бувам.

У киши Полвон бувадан бир-икки ёш кичик, аммо икковлари ошна.

– Хидирбой, ёшам саксондан ошди, – хириллаб гапирди Полвон бува.

– Ундай деманг, ёшга нима бўпти? Бултурлариям ёстиқ тирсакламай ўтирардингиз. Сиз билан гурунглашган одам ҳурматингизни қиламан деб, беланги бўп қоларди.

– Қўйсангиз-чи, Хидир, – негадир

шифтга қараб оғир хўрсинди Полвон бува. – Сиз менинг кўнглимни кўтарай дейсиз. Менинг Жийронга кўкайим куяди. Бир пиёла совуқ чой беринг. Лабим қуриб кетаяпти...

Бойқувват бува совуқ чойни майда-майда ҳўплаб ичгач, бироз гаплашиб ўтирди. Кейин ётиб олди, биз уйга қайтдик. Шундан кейин бувам ҳар куни ошнасиникига қатнайдиган бўлди. Бугун ҳам шомда шу ёққа кетганди. Уйимиз олдидан ўта туриб, «Полвон омонат...» деганди отамга.

...Бир пайт, энди-энди юлдузлар уча бошлаганда, Бойқувват буванинг уйи томондан бувамнинг хавотирли овози келди:

– Назар, ҳов, Назар!

– Ҳа, – деди уйғоқ ётган отам сапчиб туриб.

– Бу ёққа ке.

Отам кийимларини ҳам ечмай ётган экан-да, супадан сакраб тушиб, орқаси кесиб ташланган резина калишни оёғига илди-ю, югуриб кетди. Бувам билан учрашгач, уй олдига қўйилган лампочка ёруғида кўриб турибмиз, бошини бир-икки қимирлатди-да, изига қайтди. Тўғри келиб, уй олдида, деворга суяб қўйилган мотоциклини минди. Энам «Ҳа, тинчликми?» деганди, эшитмади ҳам, ариқ ёқасидаги йўлга тушиб кетди. Қараб турдик: нариги қишлоққа йўл олди. Сўнг ярим соатларда қайтиб, тўғри Полвон буваникига ўтиб кетди. Мотоциклдан салла ўраган одам тушди.

– Мулла келди-ёв, – деди энам ўзича ғудраниб. - Ёсин ўқитармикан.

– Нима дейсиз?

– Ҳеч нарса... – энамнинг гапиргиси келмади.

Отам ҳадеганда келавермади, ухлаб қолибман. Тонг саҳар Жийроннинг юлқиниб, тепсиниб кишнашидан уйғониб кетдим. Қарасам, отам ҳам, энам ҳам йўқ, аммо Бойқувват буванинг уйининг олди одамга тўла. Чопон кийиб, бел боғлаган қалпоқли кишилар уй олдига тўпланишганича овоз бериб-овоз бериб, ҳўнг-ҳўнг йиғлашяпти:

– Бувам-ай, бувам-ай...

– Отам-ай, отам-ай...

Акамни уйғотай десам, аллақачон туриб, қўйларни даштга ҳайдаб кетибди. Туриб, энди юз-қўлимни ювгандим, энам ҳаллослаб югуриб келди.

– Бозоржон, ташқарида турма. Ичкарига кир. Полвон буванг кетиб қопти. Отанг шу ёқда. Мен ҳозир яна кетаман, сен синглингга қарайсан, – деди-да, бешикни икки гумбазидан кўтариб, ичкарига опкирди. – Уйғонса тебратасан.

– Майли, – дедим, аммо энам кетиши билан эшик олдига чиқиб олдим ва заранг ерга ўтириб, буванинг уйи томонга қарадим: ҳалиям одамлар из-из йиғлашар, бир пас жим туришиб, яна шундай қилишарди...

– Полвон бува ўлиб қопти-да... – беихтиёр кўзларимга ёш келди. Мўлтирадим. Енгим билан қароғларимни артиб, яна ўша томонга қарадим. Бечора Жийрон. От эгасининг ўлганини билгандек ҳеч жойида турмас, арқонни узгудек силтаниб, уй томонга сапчир, олд оёқларини кўтариб кишнар, тинмай қозиқ айланганича пишқириб чопгани чопган эди. Одамлар йиғидан тўхтаса-да, отнинг пишқириғи тўхтамас, Полвон буванинг деразасига қараб кишнагани кишнаган эди. Бир пайт буванинг катта ўғли отни минмоқчи бўлдими ё бирор кўздан пана жойга олмоқчи эдими, ошхона ёнида ердан қазилаётган ўчоқ бошидан от ёнига келди. Жийрон унга тутқич бермади, қозиқ айланиб чопди. Вали ака арқонни ушлаб, аста-аста отга яқинлашганди, Жийрон олд оёқлари билан ер тепди. Тишламоқчи бўлгандек қулоқларини диккайтирди. Вали ака яқинлашаверганди, тепмоқчи бўлдими, орқа ўгирди. Кейин чопиб кетди. Вали аканинг арқонга ўралиб йиқилишига оз қолди. Яна яқинлашганди, Жийрон уни тишламоқчи бўлиб қувиб кетди. Шунда уй олдида овоз бериб йиғлаётганлар орасидан Панжи полвон чиқиб, от ёнига келди.

– Вали, – деди у киши отга бир қараб қўйиб, – бор, буванинг чопонини опке.

Вали ака чорси белбоғини тўғрилай-тўғрилай югуриб ичкарига кирди-да, зум ўтмай анчадан бери кийилмай, буванинг каравотига ташлаб қўйилган эски қора тўнни олиб чиқди. Борганда кўрардим, тўн буванинг бош томонида турарди. Уни нима қиларкин, дея ҳайрон тургандим, Панжи полвон

тўнни кўтариб, Жийрон томон юрди. От полвонни кўриб, баттар пишқирди, қозиқда айланиб чопди. Қизиққанимдан бўлса керак бешикни ҳам ташлаб, уларнинг олдига чопиб бордим. Борсам, уй олдидан яхши кўринмаётган экан, Жийрон қоп-қора терга ботган, айланавериб ҳолдан тойган экан. Йиғлагандек кўз ости қаншари билан жиққа ҳўл эди.

Панжи полвон қозиқ айланиб чопаётган отнинг арқонидан ушлаб, анча яқинлашди. Жийрон худди Вали акага чарслик қилгандек тепсинди, аммо Панжи полвон ўнг қўлини кўтариб, отни тинчлантирди.

– Дррр!!! Ҳаҳ! Дррр...

Жийрон полвондан қўрқдими, бир-икки тепсинди-да, жимиди. Панжи полвон аввал унинг бўйнини силади, кейин пешанасини.

– Бечора, йиғлабди... – деди у эзилиб. Сўнг от айилини бўшатиб, Вали акага эгарни олиб келишни буюрди. Бувамданми, Полвон буваданми, «Эгарланган от ғурурли бўлади!» деган гапни эшитгандим. Жийрон энди нима қиларкин, дегандек Панжи полвоннинг ҳаракатларини жимгина кузатиб турдим. У отни эгарлади ва чирги ёпгандек қора тўнни эгар устидан ташлаб қўйди. Кейин яна от ёлини силади, «Бардам бўл!» дегандек тўн ёпилган сағрисига уриб- уриб қўйди. Жийрон бўйнини ўгириб полвонга бир қаради-да, аъзойи баданини силкиб, керишди. Пишқирди. Бу ҳолдан ҳеч қандай маъно уқмаган бўлсам-да, кузатишда давом этдим. От миннатдорчилик билдиргандек думини силкиди ва икки марта қозиқ айланиб чопди-ю, уй олдидан келаётган уввос ҳайқириққа қулоқ тутиб, яна очиқ дераза томонга тикилиб қолди. Кўзларини юмганди, ҳайратдан лол қолдим, ёноқларидан ёмғир томчисидай-томчисидай ёш қаншарига думалади.

– Бечора... – деди ҳалиям уни кузатиб турган Панжи полвон. Кейин бориб, ўз жигарбандининг кўз ёшларини артиб қўйгандек чопони этагини қайтариб, ғамзада отнинг пешанасини артди. Сўнг бўйнидан қучди. Жийрон Полвоннинг биқинига бошини тиради. Чамамда улар шундай бир-бирларига ҳамдардлик билдиришди. Худди ака-укадек, жон-жигардек...

Шундан кейин Жийрон негадир эрталабгидек пишқирмади, қозиқ айланиб чопмади, бўйнини чўзиб, эгар устидан қорнигача осилиб, икки енги пастга шалвираб турган чопонни ҳидлаб-ҳидлаб қўйди. Гўёки соҳибининг бўйини соғингандек, шижоатини қўмсагандек... Аммо тушки пайт, одамлар замбилга ўхшаш тахталик бир нарсани буванинг эшиги олдига чиқаришганда Жийрон туйқус ўзгарди. Қозиқ айланиб чопавериб, атрофни чангитиб юборди. Кишнайвериб қулоқларни қоматга келтирди. Юлқиниб ҳураётган итнинг оёқ тагини тирнаб ташлашидек ҳар сафар уй томонга қараганда олд оёқлари билан ер тирнаб, атрофига тупроқ сочди. Турган ерини ковлаб ташлади. Бир зум бўлсин тинчимади. Шунда Панжи полвон Вали акани топиб, нимадир деди. Вали ака отаси ётган уйдан эски, кир-чир, чанг билан намдан аллақачон ранги ва оҳори йўқолиб кетган пахталикни олиб чиқди. Бу – Полвон буванинг кўпкарига киядиган жандаси эди. Панжи полвон жандани кўтариб, от олдига борди ва олдинги сафаргидек «Дррр, дррр» дея Жийронни тинчлантирди. Сўнг яна ёлларини силади. Унга далда берди Тасалли берди. «Жийрон, оғир бўл...» дегандек яна бўйнига уриб-уриб қўйди. Кейин жандани отнинг бошига ўради ва енгини ияги тагидан танғиб боғлади. От бирпас жим турди, аммо уни алдашаётганини, кўзларини шамғалат қилиб, соҳибини кўрсатмасликка уринишаётганликларини сезгандек яна пишқириб, тепсина кетди. Энди қозиқ айланиб чопмади, аммо бошини гоҳ у, гоҳ бу томонга силкиди, пишқираб кишнади. Олд оёқлари билан бошига ўраб ташланган жандани тортқилади. Юлқилади.

Мен бу пайтда уй олдида, сингилчам эса ҳамон бешикда эди...

Одамлар бир қатор, қиблага қараб, тик туришибди. Олдинда кеча тунда келган саллалик чол қўлларини баланд кўтариб, нималарнидир ўқияпти. Аллоҳу акбар, Аллоҳу Акбар дейишяпти, аммо Полвон буванинг уйи олди сув сепгандек жим-жит. Фақат Жийроннинг пишқириши ва жандани тортқилаб тепсиниши эшитилади. Кейин орқада тизилишиб ўтирганлар негадир «Йўқ, йўқ...» деб чувиллашди. «Яхши одамиди...» дея ғудранишди. Яна бироз вақт ўтиб, юзларига фотиҳа тортишдилар-да, саллалик чол олди-

да турган, алвон рангли мато ёпилган, «замбил»га ёпишдилар ва елкама-елка қилиб, ариқ ёқасидаги йўлда турган юк машинасига қараб олиб кетишди. Улар кетишаётганда ичкарида ўтирган аёллар ташқарига отилиб чиқди ва уввос солиб йиғлаб юборишди. Бойқувват буванинг хотини Заргул момо кўк кийимига ўранганича эшикдан отилиб чиқиши билан дод солиб пастга, машина томонга чопди. Изидан қизлари, келинлари. Вали ака уларни тўхтатиб қололмади. Заргул момо одамлар орасини ёриб ўтди ва нарвонга ёпишди. Чирқираб йиғлади. Кўкимтир азалик рўмоли бошидан сирғалиб, ерга тушди. Вали ака ердан рўмолни олди-ю, энасини қучоқлаб, тўхтатиб қолди. Момо қўлларини силкилаб, юк машинаси томонга узатиб-узатиб йиғлар, елкасидан босгудек бўлиб турган ўғлининг энсасига муштлаб-муштлаб урарди. Вали ака энасини қўйиб юбормас, елкасидан қучганча бўйнига юзини босиб, ув-ув йиғларди.

- Отам-ай, отам-ай... - дерди.

Шу пайт қозиқда юлқиниб ётган Жийрон бошидан жандани чиқариб ташлади ва бир сакрашда арқонини узиб юборди. Кишнай-кишнай буванинг деразаси ёнига борди ва ичкарига мўралади. Бўш турган каравотни кўрдими, йўқми, худди инсон каби ортига қайтди ва одамлар тўпланиб турган машина томонга чопди. Отнинг бу аҳволини кўриб йиғилганлар ёқа ушлашди. «Тавба, тавба, от ҳам инсонга шунчалик меҳр қўяркан-да...» дейишди. Жийроннинг бўшалиб кетганини кўрган Вали ака ҳам, Панжи полвон ҳам ичидан зил кетди. Панжи полвон машинадан тушиб, отни ушламоқчи бўлди, аммо Жийрон тутқич бермади. Олдидан келганни тишлагудек, ортидан келганни тепгудек ўйноқлади. Думини хода қилди, машина айланиб чопди, машинага қараб кишнади, ёл силкиди.

– Кенглар, ўраб ушлаймиз! – қичқирди Панжи полвон.

Шунда бувам машина бортидан пастга қаддини эгиб, Полвонни қайирди.

- Панжи! Қўй, барибир ушлатмайди, – деди. – Бугун унга тегманглар!

Машина юрди. Жийрон эса уйга қараб чопди ва боягидек деразадан ичкарига қаради. Бўш каравотга кўзи тушди, шекилли, яна изига қайтди ва чанг кўтариб жўнаган машина кетидан чопди...

Отамнинг айтишича, ўшанда Жийрон то қишлоқ қабристонгача машина изидан чопиб борибди. Кишнаб, зўр бериб чопа-чопа қора терга ботиб кетибди. Одамлар унинг куюнишидан, жигарбандидан айрилган она ноласидек машина изидан пишқириб чопишидан кўзларига ёш олибди. Майитни қўяётганларида ҳам от бир зумга тинмабди. Уларнинг атрофини айланиб, пишқириб юрибди. Бир неча бор яқин келиб, майитни ҳидлабди. Ер тепиб қайта-қайта кишнабди. Одамлар ортга қайтганда ҳам қабр атрофини айланиб чопибди. Қулоқларини зинкайтириб, чим босилган қабрни ҳидлабди, зиёратчидек атрофни икки-уч айланибди... Шунда:

– Нима қиламиз, Жийрон қолаверадими? – сўрабди Панжи полвон.

– Тегинма, ўзи уйга боради, - дебди бувам.

Бувам айтгандек, Жийрон кечқурун ўзи уйга қайтиб келди. Вали акага ҳам, Панжи полвонга ҳам тутқич бермай уй айланиб юрди. Дераза томонга қараб кишнаб, Бойқувват буванинг яқинлари юрак-бағрини эзиб юборди. Улар Жийронга қараб ҳам худди бувани кўргандек юм-юм йиғлашди.

Жийрон қоронғи тушганда ҳам тинмади. Уй айланиб юрди. Тутмоқчи бўлганларига ён бермади...

– Индаманглар, бўш юрсин,- деди бувам.

Ўша оқшом Жийрон алламаҳалгача уй атрофида дупур-дупур қилиб юрибди. Узиб-узиб нолали-нолали кишнабди. Ҳасратланиб, жудоликдан куйиб ётган Заргул момо ҳам, Вали ака ҳам отнинг овозини эшитиб, баттар куйибдилар, баттар эзилибдилар... Эрталаб туришса, от бува ётган хонанинг очиқ деразаси тагида ётганмиш. Вали ака югуриб келиб, отни туртиб-туртиб кўрибди, Жийрон қимирламабди...

Жийрон туни билан уйни айланиб юриб-юриб, тонг саҳар Бойқувват буванинг деразаси тагида жон берган экан. Биз ҳам бориб кўрдик. Жийроннинг кўзлари очиқ эди...

Бу воқеаларга анча йил бўлди. Ҳозир Бойқувват шамолнинг уйи чўкиб, кўримсиз бўлиб қолган, Вали ака ҳар йили уйни лойсувоқ қилади, аммо асло бузиб, ўрнига янги иморат солмайди. Бундай қилолмайди ҳам...



Омон МАТЖОН.
Ўзбекистон халқ шоири.

Баҳорингни бермагил куза

* * *

Умр ўтар
Умр ўтар, вақт ўтар,
Хонлар ўтар, тахт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.
Баҳорда боғ на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлик чоғ на гўзал,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.
Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўпдир вафоли,
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сокин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.
Умр – йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиқ кўп,
Унутиш, айтилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг...

* * *

Турналар учди,
Булутлар кўчди.
Оғочларнинг барглари
Ерларга тушди.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Баҳорингни бермагил куза,
Табассум қил!
Нечун ой йўқдир,
Нурга жой йўқдир.
Ёшли кўзинг бор,
Жўшқин сой йўқдир.

Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Ёш ярашмас бу чақмоқ кўза,
Табассум қил!
Жавобсиз сўзим,
Зор ўлди кўзим.
Дардинг надир, айт,
Жон тутай ўзим.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Ғам тушмасин бу ширин сўза,
Табассум қил!
Қўзғолсин тоғлар,
Чайқалсин боғлар,
Қуёш юзиндан
Йўқолсин доғлар.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Доғ ярашмас бу оппоқ юза,
Табассум қил!

* * *

Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас,
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларға ўхшамас.
Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,
Неча авлод йўли-ю умидин айлаб беҳуда,
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам аввалгиларға ўхшамас.
Бул Жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосиға шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ, бу — ўз умрим, анга нечук қасамлар ичмаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўбликда ул санам аввалгиларға ўхшамас.
Қай кишиким бир улуғ ишга этибди жон нисор,
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор,
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларға ўхшамас.
Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг мени,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,
Ўз хаёлимға қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дажам аввалгиларға ўхшамас.
Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойина бу, ҳеч битта иш топмас пана,

Нафс ипига боғлидур руҳ ипларин узган тана,
Кўйининг эҳромидан кўнглимни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларға ўхшамас.
Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй Навоий қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларға ўхшамас.

* * *

Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл билса бўлди.
Олис юлдузларга сиррим айтмирам,
Нолишимни тонгги ел билса бўлди.
Учарга ҳар қушдан пар топинмадим,
Парвозлар ҳадисин дил билса бўлди.
Жаҳолат меҳроби тошин ўпмадим,
Ўшал бафи тошим тил билса бўлди.
Дамлар шиквасига учма, омон бўл,
Фазлу камолингни эл билса бўлди.

ТЎРТЛИКЛАР

Тонг отди, оламда минг расм кўрдим,
Меҳрли кўзларни пок, маъсум кўрдим.
Ҳеч ким заҳар сепиб, бол йиққан эмас,
Гул кирган уйларда табассум кўрдим.

* * *

Эй зот, ханжар билан сен дам талашма,
Олам уйиндасан, олам талашма.
Менинг ўз дардимдир элимнинг дарди,
Ўз дардинг бўлмаса, қалам талашма.

* * *


Йўқ дерлар, иши бор бор билан йўқнинг,
Бўшлиқдан ўтар-ку йўли ҳар ўқнинг,
Кучлилар кучсизга қўл узатсалар,
Қадри ортар эди ҳар енган чўғнинг.

* * *

Танинг ҳеч тинмасин ўрганган ишдан,
Кўнглинг – ўзи суйган, ўртанган ишдан.
Ақлинг элаб турсин бори оламни,
Шунда умринг тинмас янгиланишдан.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭТНОМАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Манзура ОТАЖАНОВА.



Маълумки, ҳозирги замон ўзбек ҳикояларини мифопоэтика нуқтаи назардан таҳлил қилинадиган бўлса, адиблар томонидан мифик сюжет, мотив ва образлар диффузияси асосида яратилган асарларнинг бадиий матнида мифологик тасаввурларнинг қайта идрок этилиши, мифологик хронотоп ва мифологик онгнинг бадиий талқинида мифологемаларнинг моделлаштириш (яъни тасвирланаётган воқеликни мифологик архетиплар орқали ифодалаш), фалсафий (борлиқдаги ҳаётнинг боқийлиги, "борлиқ" ва "йўқлик"нинг доимий кураши), структурал (бадиий асар композициясининг мифологик образ ва мотивларнинг турли вариантлари тизими асосига қурилиши) ва поэтик (баён услубининг ўзига хос характери мифологик асосга қурилиши) каби функционал кўринишлари мавжудлиги кўзга ташланади. Жумладан, қишлоқ ҳаётининг турли қирраларини ўша ерда яшовчи оддий, беғубор кишиларнинг бир қарашда содда бўлиб туюлса-да, аслида ҳикматга бой турмуш тарзи, тарихий илдизлари минг йилликлар бағрига бориб туташадиган миллий урф-одатлари, табиат билан боғлиқ турфа эътиқод ва анъаналарининг ўзига хос тасвирини яратган ёзувчи Нодир Норматов ҳикояларида ўзбек мифологиясининг энг қадимий қатламига мансуб кўҳна образларнинг поэтик рамзга айланган талқинларини

учратамиз. Зеро, ҳозирги ўзбек насрининг барча жанрларида мифологиянинг турли-туман поэтик талқинлари мавжуд бўлиб, улар орасида қадимий асотирий образларнинг бадиий тафаккурда муқим ўрнашиб қолган архетипик деталларидан рамз сифатида фойдаланиш орқали бадиий ниятни ифода қилиш усули устуворлик қилиши кузатилади.

Ёзувчи Нодир Норматов асарларининг моҳияти масаласига тўхталганда, унинг ижодига нисбатан жаҳон, шу жумладан, рус адабиётида ўзига хос йўналиш сифатида шаклланган "қишлоқ прозаси" атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. "Қишлоқ прозаси" деганда аҳоли истиқомат қиладиган олис қишлоқларда яшовчи кишиларнинг ўзига хос турмуш тарзи ҳамда миллий этномаданиятнинг асосини ташкил этувчи қадриятлари тасвирланган бадиий асарлар назарда тутилади. Шарқий Сибирь қишлоқларининг ҳаётини ажойиб тарзда тасвирлаган В.Распутин, приморьеликларнинг қадимий удумлари асосида адабий этнографизмнинг беназир талқинларини яратган В.Личутин, Тоғли Олтой ўлкаси кишиларининг оддий ҳаётини ўзининг ҳикоялари ва киносценарийларида қайта жонлантирган В.Шукшин асарлари XX аср рус қишлоқ прозасининг бебаҳо намуналари сифатида эътироф этилган.

Адабиётшуносликда "қишлоқ прозаси"нинг ўзига хос хусусиятлари, адабий ҳодиса сифатида юзага келиш тарихи ва бу йўналишда ижод қилган адибларнинг маҳорати масаласи К.Партэ, М.Разувалова каби олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган. Хусусан, С.Ю.Королеванинг номзодлик диссертациясида бу типдаги бадиий асарлардаги мифологизмларнинг этномаданий характери, рус адабиётида яратилган қишлоқ ҳақидаги насрий асарлардаги мифологик образ, мотив ва сюжетлар генезиси тадқиқ этилган. И.Н.Иванова ўзининг XXI аср рус адабиётидаги қишлоқ кишилари ҳаёти тасвирига бағишланган прозаик асарлар таҳлилига доир ишида бу адабий йўналиш ўзининг ўтган асрдаги асосий муаммолари, образлари, конфликт характери ва сюжет типларини муайян трансформацион шаклда бўлса-да асосан сақлаб қолгани ҳолда мифопоэтик архетипларнинг "перезагрузка"си, яъни қайта жонланишининг ўзига хос кўзгуси эканлиги билан характерланади, деб ёзади.

Сурхон воҳасидаги қадимий этномаданий ҳудуд ҳисобланган Бойсун туманининг гўзал табиати, у ерда яшовчи кишиларнинг кўрган-кечирганлари, ўй-хаёллари, ўзаро муносабатлари, наботот ва ҳайвонот билан боғлиқ ишонч-қарашлари, асрлар давомида унутилмасдан келаётган афсонаю асотирлари, урф-одат ва маросимларининг такрорланмас бадиий манзарасини яратган Нодир Норматов ҳикояларида мифологик образ, мифологик архетип ва мифопоэтик контекстнинг ўзига хос талқинлари ифодаланган. Биз қуйида адибнинг "Кўктошлар" ҳикоясини таҳлил қилиш орқали асардаги мифологик образ ва архетипик тимсолларнинг қаҳрамон характерини очиб беришдаги бадиий вазифасини ёритишга ҳаракат қиламиз.

"Кўктошлар" ҳикояси адибнинг онаси вафоти билан боғлиқ хотираларини эслаши асносида юзага келган. Асарнинг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтадиган "кўк тош" тимсоли бир томондан, авлодларни аждодларнинг қадриятлари билан боғлаб

турадиган рамзий восита бўлса, иккинчидан, тош билан боғлиқ қадимий тасаввурларнинг ёзувчи онг ости ҳисларида қайта бўй кўрсатган талқини ҳисобланади. Пошхўртсойликлар удумига кўра, бирор киши вафот этса уни қабрга қўйиб келингандан кейин эртаси куни энг яқин қавму қариндошлар тонг саҳарлаб мозор бошига чиқишаркан. Ана шу одат бўйича қабр бошига чиқишганида маййитнинг опаси – эл орасида Апалар хола номи билан машҳур бўлган Қурбонсара момо ҳикоя қаҳрамонини Қурбон, Рўзибой исмли акалари билан бирга мозор ёнидаги сойга олиб тушади-да: "Шу ердаги кўк тошларни олиб онанинг қабри устига элтиб қўйинглар, бу тошлар белги бўлиб туради, йиллар ўтса ҳам онангизнинг қабрини ўзингиз келтирган тош туфайли топиб оласизлар", дейди.

Ҳикояда қўлланилган "кўк тош" детали қадимги туркийларнинг тоғ-тош культига сиғиниш анъаналари, табиатдаги нарса-ҳодисаларни жонлантириб тасаввур қилишга асосланган анимистик қарашлари ҳамда ранглар символикасига доир эътиқодларини ўзида ифода этган архетипик тимсолдир.

Маълумки, жаҳоннинг турли ҳудудларида яшовчи халқларда тоғу тошларни илоҳийлаштириш, айниқса, кўк рангли тошларни мўътабар деб билиш одати мавжуд бўлган. Хусусан, славянларда кўк тош самовий мавжудликнинг боқийлигини англатувчи мифологик тимсол сифатида тасаввур қилинган. Қадимги туркийларда тош культига сиғиниш ўзига хос анъана тусини олган. Аждодларимиз тасаввурида кўк рангли тошлар юқори олам, осмон билан боғлиқ, деб қаралган. Осмоннинг кўк рангда эканлиги руҳлар ва маъбудлар макони деб тасаввур қилинган юқори оламни ана шу ранг белгиси билан ифодаланиши натижасида Кўк тангри тўғрисидаги ишонувлар шаклланган. Шунинг учун ҳам туркий халқлар мифологиясида марҳумлар руҳи жойлашадиган юқоридаги олам, яъни осмон кўк ранг билан ассоциацияланади. Ўзбек мотам маросимларида азадорлик белгиси сифатида кўк кийиш, қабрга кўк тош қўйиш анъанаси, шунингдек, бевосита ўлим тилаш маъносида айтиладиган "кўкчангни кияй", "кўкингни кияй" сингари қарғиш иборалари ҳам ана шу мифик қарашлар таъсирида келиб чиққан.

Интернет маълумотларига қараганда, мамлакатимизда Кўктош ота, Кўктош бува каби номлар билан аталадиган қабристон ва зиёратгоҳлар жуда кўп. Хусусан, Қизилтепа туманида Кўктош ота, Самарқанд шаҳри яқинида Кўктошбоботепа, Тошкент вилоятида Кўктош бува, Чироқчи туманида Кўктош ота, Термиз яқинида Кўктош вали, Кўктош ота, Шеробод туманида Кўкгумбаз ота, Андижон вилоятида Кўктўнли ота, Тошкентда Кўк ота, Нарпай туманида Ҳазрати Кўк ота сингари мозор номлари борлиги қайд этилган. Халқ орасидаги анъанага кўра, ана шу зиёратгоҳ ва мозорларнинг аксариятида кўк тош мавжуд бўлиб, кўкйўтал касалига дучор бўлган болаларга ана шу кўк тош устига қуйилган сувдан ичирилса тузалиб кетади, деган ишонч бўлган. Бу жой номларида "кўк" эпитети ишлатилиши ҳам ушбу ранг тимсолининг осмонда жойлашган деб тушунилган руҳлар олами билан алоқадор мифик қарашларга дахлдордир.

Халқимизнинг мифологик қарашлари, урф-одат ва маросимлари, жумладан, мотам маросимларида кўк рангнинг тимсолий

моҳият касб этишининг тарихий асослари қадимги туркий мифологияга бориб боғланади. Адабиётшунос олим Н.Раҳмонов таъкидлаганидек, "қадимги туркийлар кўк Тангрига сиғинганлар. Кўк Тангри – Кўк Осмон деганидир, қадимги туркийларнинг тасаввурига кўра, туркий қавмлар Кўк Тангри ва қўнғир ердан бино бўлган фарзандлардир". Шунинг учун ҳам туркий халқлар мифологияси ва фольклорида муқаддас кўк бўри тўғрисидаги афсоналар, осмон руҳлари билан алоқадор кўк тош ҳақидаги тасаввурлар келиб чиққан.



Фольклоршунос олима Д.Ўраеванинг ёзишича, "кўк ранг сув ва осмон рангидир. Сув ва осмон эса марҳумлар руҳи қўним топадиган манзиллардан ҳисобланади. Шу сабаб кўк ранг мотам маросимида ва унга алоқадор йиғи ва йўқловларда азадорлик рамзини ифодалаб келади". Халқ қўшиқларида ранг символикаси масаласини ўрганган М.Рўзиеванинг фикрича ҳам "сув ва осмон марҳумлар руҳи қўним топадиган манзиллардан деб қаралиши туфайли уларнинг тусини белгиловчи кўк ранг ҳам мотам маросимида азадорлик рамзини ифодаловчи ранглардан саналади".

Нодир Норматовнинг "Кўктошлар" ҳикоясида она қабрининг устига кўк рангли тошларнинг қўйилиши ҳам кўк рангли тош культи билан боғлиқ қадимий эътиқодларнинг архетипик тимсол сифатида бадиий матнга киритилган талқинидир.

Маййит қабрига қўйилган кўк тош рамзий маънода ўлган киши руҳининг юқори олам – Кўкка ўтиши учун ўзига хос восита вазифасини ўтайди деб қаралган бўлиши

керак. Бу мифик қараш халқ орасида кенг тарқалган "Кўкрагингга кўк тош қўйилсин" қарғишида ҳам ўз ифодасини топган. Бу иборанинг келиб чиқиши хусусида фикр юритган Ф.Эшбоева қуйидагиларни ёзади: "Бу қарғишнинг моҳияти қадимги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ... Кўк тош – ўлим ва жудолик рамзи. Қадим замонлардан бошлаб қабр устига ишлов берилмаган табиий кўк тошни қўйиш расм бўлган. Анимистик тасаввурга кўра, кўк тош ўлим чақирувчи, ўзи билан ажални олиб юрувчи нарса. «Кўкрагингга кўк тош қўйилсин» деган қарғиш мазмунида соппа-соғ юрган қарғалувчининг тезроқ ўлим топишига бўлган истак акс этган. Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги «Кўк орол» фермерлар уюшмасининг тўртинчи бўлимида яшовчи 74 ёшли Тўхтажон ая Жарқинбоеванинг ҳикоя қилишларича, уларнинг ёшлигида бир бойнинг Мелибувиш деган хотини бўлган экан. У аёл жуда тантиқ бўлиб, қўни-қўшни аёлларни менсимай, беписандлик билан қарар, қўшни аёллар эса уни доимо «Кўкрагингга кўк тош қўйилгур» деб қарғашар экан. Мелибувиш чоли ўлиб, бойлиги пароканда бўлиб, ўзи қари кампирга айланибди. Қазо вақти етганида бир неча ҳафта жон таслим қилолмай, фарзандлари ва қариндошларини қийнабди. Шунда ўғиллари қўшни кампирларнинг маслаҳати билан Мелибувишнинг кўкрагига олмадек кўк тошни қўйишган экан, у осонгина жон берибди".

"Кўктошлар" ҳикоясида ранглар билан боғлиқ архетипик тимсолларнинг яна бир талқини – қора илон мифологемаси ҳам мавжуд. Қаҳрамон онасининг қабрини зиёрат қилгани борганида мозорга қўйилган кўк рангли тошларни қандай қилиб сойдан олиб келганини эслайди: "Кўктошларга синчиклаб қараб турарканман, уни пастликдаги сойдан қандай олиб чиққан кунни эслаб кетдим. Холам ва акаларим мендан анча олдинда эди. Мен ҳандалакдай келадиган тошни кўтариб борарканман, тез-тез оғирлигидан энгашиб, тўхтаб дам олардим. Нима бўлдию, шу орада бир юлғун панасида ўтириб дам олдим. Кейин ёнбошлаб бирпас ухлаб олмоқчи бўлдим. Кўзимни очганимда тепамда Гулистон момо турарди. "Девларим айтдики, бир қора илон сенинг кўктошингни тортиб олмоқчи дейишди. Мана қара, мен уни ўлдирдим", – деди у тантанавор. Мен анқайиб атрофимга қарадиму, қўрқиб кетдим. Ёнимда мажақланган қора илон ётарди. "Тошингни ол, – буюрди кампир, – Эсингда бўсин, бу тошдан ҳамиша хабар олиб юр. У энангнинг руҳини қўриқлаб туради. Бу тош бир пайтлар Кўк тангри отанинг хизматини қилган осмон фариштаси эди. У онанг қазо қилгунча шу ерда ётди, мана энди олдига бораяпти. Унинг боришига мана бу қора илон қарши эди". У шундай дедию, бир зумда кўзимдан ғойиб бўлди".

Юқорида келтирилган парчада бир нечта мифологема мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси кўк тошнинг мўътабарлиги сабабини изоҳловчи мифнинг поэтик интерпретацияси замирига сингдириб юборилган. Кўк тош қачонлардир Кўк тангрининг хизматини адо этган осмон фариштаси бўлиб кейин оддий тошга айланиши қадимги мифологиядаги эврилиш, яъни бир шаклдан бошқа кўринишга ўтиш мотиви воситасида баён этилган. Мифологиядаги эврилиш ҳодисаси ўзининг моҳияти ва талқинига кўра асосан икки хил бўлиб, бир жонли мавжудо-

тдан бошқа жониворга айланиш ёки муайян нарса-ҳодисанинг ўз ҳолатини ўзгартириб яна бирор нарса-ҳодисага айланиши "чала эврилиш" ёки "нотугал эврилиш" деб қаралса, жонли мавжудотнинг муайян нарса-ҳодисага айланиши ёки бирор нарса, буюмнинг жонли мавжудот кўринишини касб этиши "тугал" ёки "тўла эврилиш" ҳисобланади. Кўк тангрига хизмат қилган самовий мавжудот – илоҳий ҳилқатнинг кўк рангли тошга айланиши тугал эврилиш намунасидир.

Қадимий мифларда юқори оламни ўзига макон қилган деб тасаввур қилинган Кўк тангрининг хизматкорлари, унинг атрофидаги нарса-ҳодисалар ва мавжудотлар ҳам кўк ранг белгиси билан талқин қилинганлиги, шунингдек, кўк тошга айланган самовий мавжудотнинг мифологик функцияси, яъни қўриқчилик қилиш вазифаси Нодир Норматов ҳикоясида янгича моҳият касб этгани ҳолда ифодаланган. Яъни Гулистон момо тилидан баён қилингани каби, қаҳрамоннинг онаси "қазо қилгунича сойда ётган кўк тош энди ўз вазифасини адо этиш учун бораяпти". Кўк тош тимсолига юкланган ана шу функционал-семантик вазифа ҳам бу мифопоэтик деталнинг руҳлар олами ҳисобланган осмон ҳамда Кўк тангри культига дахлдорлигидан далолат беради.

Ҳикоячи-қаҳрамоннинг нутқи орқали баён этилган сойдаги кўктошнинг келтирилиши жараёнидаги туш мотиви орқали баён этилган ушбу мифнинг бадиий ифодасида аждодларимизнинг эзгулик ва ёвузликнинг абадий кураши ҳақидаги дуалистик мифологиясига алоқадор бир неча архетипик образлардан фойдаланилган. Шулардан бири "дев" образи бўлиб, келиб чиқишига кўра "Авесто"га бориб боғланадиган бу мифик персонаж эртак, афсона ва достонларда кўпинча ёвузлик оламига алоқадор, деб тасвирланса-да, баъзида девларнинг ёрдами-ҳомийлигида беморларни даволаш билан шуғулланадиган бахши-қушночлар тўғрисидаги тасаввурлар ҳам мавжуд. Одатда девларни ўзига бўйсундириб олган бундай кишилар "деви бор одам", "девбанд", "девона" деб юритилган. Агар бундай кишилар девлар кўмагида даволаш амалиётини бажаришмаса девлар унинг ўзига шикаст етказишади. Бундай ҳодиса халқ тилида "фалончини девлари босибди" ибораси билан ифодаланади. "Кўктошлар" ҳикоясида тасвирланган Гулистон момо ҳам ана шундай "деви бор" одамлардан. Турмуш ўртоғи қатағон йиллари Сибирда ўлиб кетган бу аёлнинг якка-ёлғиз бир қизи бор бўлиб, у ҳам тоғ орти қишлоқларидан бирига турмушга чиқиб кетгани боис у бир ўзи туради. Шунинг учун ҳам айримлар ундан чўчиб "Деви бор бу аёлнинг. Ундан қўрқинглар. Уйга келиб қолса, дарҳол нон чиқариб беринглар" дейдилар.

Дарҳақиқат, Гулистон момонинг ғайритабиий хусусияти борлиги, айрим воқеа-ҳодисаларни аввалдан билиши ва буни "девларим айтди", "девларим хабар берди" деб баён этиши (масалан, ҳикоячи-қаҳрамоннинг қабр бошига келгани, Бойқулнинг ўғли – мактаб директори Мамарайимнинг ўғил фарзандли бўлгани каби) одамларнинг ундан сал-пал чўчишига сабаб бўлган. Асарнинг ҳикоячи-қаҳрамони онасининг мозори ёнида хаёл суриб ўтирганида орқасидан эшитилган "Яхши келдингизми, болам. Девларим айтишди келганингизни", деган овоз уни ўгирилишга мажбур қилади. Қараса, ортида Гулистон момо турибди. Орадан йигир-

ма йил ўтган бўлса ҳамки, унинг юз-кўзи, қадду қомати деярли ўзгармаганлиги, ўша илондан қутқарган пайтдаги қора жиякли, шокилали, бодомнусха солинган жигар-қизғиш рангли кўйлакда эканлиги қаҳрамонни ажаблантиради. Кампир худди қаҳрамоннинг хаёлидан кечган ўйларни ўқиган каби: "Ҳа, ўша куйлагим. Ўшанда бу қора илонни ўлдиришни менга онангнинг руҳи айтган эди".

Ҳикояда тасвирланган қора илон – эзгулик кучларига қарши курашувчи ёвузликнинг зооморф, яъни жонивор кўринишидаги мифологик тимсолидир. Чунки қадимги туркий мифологияда қора ранг кўпинча ер ости олами, зулмат, қоронғулик, ёвуз кучларнинг рамзий ифодаси сифатида талқин қилинган. "Қадимда яна оқ ранг кундузнинг, ёруғ куннинг, сутнинг, буғдойнинг, сувнинг, самонинг, қора ранг эса туннинг, ер ости дунёсининг мифологик эквиваленти, деб қабул қилинган". Ўрта Осиё туркий халқлари эътиқодича, агар киши тушида қора илонни кўрса – душман; оқ тусли илонни кўрса – бойлик, бахт, омад; агар одамнинг йўлидан қора илон чиқиб қолса, душманидан захмат кўради, агар оқ илон чиқса – бойлик келади, деб тасаввур қилинган. Ўзбек халқ эртакларида ҳам қора илон қаҳрамонга зиён етказадиган ёвуз куч тимсоли сифатида тасвирланади. Масалан, «Бекмирза ва Шавкатмирза» эртагида сафарга чиққан қаҳрамон бир йўлбарсни қора бўғма илоннинг ўровида бўғилиб ётганини кўриб қолади-да, илонни қилич билан чопиб ўлдиради. Бу эртакда тасвирланган йўлбарс яхшилик, эзгулик оламига дахлдор жонзот бўлса, қора илон унинг тескариси – ёвуз кучлар ифодаси ҳисобланади.

Сойдаги кўктошлар тошга эврилган самовий ҳилқатлар бўлгани учун уларга қора илоннинг ҳужум қилиши борлиқ мавжудликни йўқликка айлантирмоқчи бўлган ёвуз кучлар хуружининг мифопоэтик талқини деб баҳолаш мумкин. Қора илонни мажақлаб ташлаб, қаҳрамоннинг қўлидаги кўктош ўз азалий вазифасини адо этишига йўл очиб берган Гулистон момо образи одамлар дунёси билан руҳлар олами ўртасида воситачилик қилиб, инсониятни борлиқ дунёsни асраб қолишдек улуғ мақсадга етаклайдиган эзгу куч тимсоли ҳисобланади.

"Кўктошлар" ҳикоясида илон детали билан боғлиқ яна бир мифологема мавжуд бўлиб, унда халқимизнинг "уй илонлари" тўғрисидаги мифологик қарашлари ўз ифодасини топган. Асарнинг ҳикоячи-қаҳрамони Пошхўрт қишлоғидаги мактаб директори Мамарайим ака билан Гулистон момони кўргани борганида кўзи тушган бир манзарани шундай баён қилади: "Нимқоронғи уй тутунга тўлган, шифтларда, деворларда калтакесак, яна аллақандай нарсалар ғимирлаб юрарди. "Қаранг, бурчакда уй илони ҳам бор экан", деб шивирлади Мамарайим ака".

Бу ўринда тилимизда "оқ илон", "уй илони", "кокилдор илон" каби номлар билан юритиладиган илон культига доир халқ эътиқодлари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг кўпгина жойларида уйда оқ илон кўринса уни арвоҳ деб ҳисоблаб дарҳол устидан ун сепганлар ёки бирорта кичикроқ идишда сут солиб қўйишган. Шундай қилса илон ҳеч қандай зарар етказмайди деб ишонишган. Бундай илонлар хонадон аҳлини ҳар хил ёмонликлардан асровчи мўътабар жонивор, деб тасавур қилингани сабабли уларни ўлдириш, уриш мумкин бўлмаган. Хоразмли-

клар тасаввурича, уйда яшайдиган оқ илон Хизрнинг жонивор кўринишида намоён бўлишидир. Гулистон момонинг уйи бурчагида илон кўриниши шу хонадон эгаси ҳомий кучлар тарафидан муҳофаза этилишини англатади. Бу ўринда ҳам дуалистик миф, яъни оламнинг мавжудлигини асраб-авайловчи эзгулик кучлари билан уни барбод қилишга уринадиган қора ниятли ёвуз кучлар ўртасидаги абадий кураш ҳақидаги архетипик мотивнинг мифопоэтик интерпретациясини кўрамиз. Сойдан кўктош олиб чиқаётган ҳикоячи-қаҳрамонга ҳужум қилмоқчи бўлган қора илон ёвузликка дахлдор куч рамзи бўлса, Гулистон момонинг уйини қўриқлайдиган оқ илон эзгу куч тимсоли ҳисобланади.

Бинобарин, "қора илон" мифологемаси ёзувчи бадиий талқинида ўзининг архетипик маъносини сақлагани ҳолда асарда тасвирланган давр воқелигини ўзида мужассамлаштирган янги ижтимоий мазмун билан бойитилган. Ҳикоячи-қаҳрамон ўз онасининг қабрини зиёрат қилгани борганида Гулистон момо унга шундай дейди: "Энди гапимга қулоқ сол. Вақти келиб, бу дунёдан кетсам сен гўримга мана шу сойдан учта кўк тош олиб қўй. Менинг девлариму жинларимдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Қизим ҳам касал бўлиб ўлиб кетди. Гапларимга қулоқ солмади. Онам девона деб мендан юз ўгириб кетди".

Бу ўзининг ғайриоддий турмуш тарзи туфайли ҳатто яқинлари томонидан ҳам инкор этилиб, ёлғизликка маҳкум этилгани боис жину девларни ўзига ҳамнишин қилган масъума аёлнинг армон ва ўкинч билан айтган васияти эди. Ҳикоя қаҳрамони момонинг гапини тинглар экан "Нима десангиз шу" деб қабрга кўк тошларни қўйишга ваъда беради. Орадан кўп ўтмай ёз кунларининг бирида ўзининг туғилиб-ўсган қишлоғига таътилга келган қаҳрамон Гулистон момонинг вафот этганлигини эшитиб, ўша васият ёдига тушади. Аммо сойдан кўктош олиб момонинг қабрига қўйиш учун борганида у ерларни аллақандай фосиқ ва фитнакор бир киши эгаллаб олганлиги, сойнинг тошини қурилиш материали сифатида одамларга пуллаётганини билгач, момонинг сўнгги илтимосини бажаролмаслигини англаб етади. Ёзувчи ўз ҳикоясини "Бу васиятни бажармагунимча эсимга мени чақмоқчи бўлган қора илон тушаверади. Бу сойни келгусида "катта бир қора илон" эгаллаб олишини кампирга девлари олдиндан айтмаган экан да", деган жумлалар билан якунлаган. Бу билан адиб эзгулик билан ёвузликнинг курашидан иборат дуалистик қарама-қаршилик ҳаётнинг боқий ҳақиқатларидан бири эканлиги тўғрисидаги асрий ҳикматни китобхонга яна бир бора эслаётгандай бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўзбек адабиётида "қишлоқ прозаси" йўналишига оид ажойиб асарлар муаллифи ёзувчи Нодир Норматов қадимги туркий мифология элементлари билан бир қаторда халқимизнинг турли-туман мифик қарашлари, асотирий мотив ва ишонч-эътиқодларидан фойдаланган ҳолда мифопоэтик стилизация орқали қишлоқ одамлари руҳий олами, турмуш тарзи ва этномаданий қадриятлари тизимининг ўзига хос бадиий талқинини ярата олган. Адибнинг "Кўктош" ҳикоясидаги мифологемалар халқ хотираси ва онг ости ҳисларида сақланиб қолган қадимги архетипик образларнинг ўзига хос тарздаги ифодаси бўлса-да, моҳиятан янгича функционал-семантик мазмун билан бойитилгани ҳолда қайта идрок этилган мифопоэтик интерпретацияси ҳисобланади.

Пандемия шароитида энг мазмунли машғулот, бу китоб мутолааси бўлди. Айниқса, олим учун шахсий кутубхонасида ўтириб китоб ўқиш, ижод қилиш ёки чарчоқни ҳис қилганда ҳам китоб жавонларида турган китобларга мамнунлик билан қараб туриб ҳам дам ола билиши завқли. Шундай дамларда навоийшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган атоқли навоийшунос А.Ҳайитметовнинг Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб битган "Навоийхонлик суҳбатлари" (Тошкент: "Ўқитувчи" нашриёти, 1993. 215 б.) китобини қайта мутолаа қилдим. Китоб ниҳоятда ўқишли бўлиб, гўё маҳоратли адиб М.Шайхзоданинг даҳо шоир ҳақида ёзган "Ғазал мулкининг султони" асарининг таъсирида ва услубида ёзилгандек. Унда устознинг бир-биридан мазмунли 28 та мақолалари тўпланган, "Муаллиф ҳақида" номли ибратли сўзбошини эса академик М.Қўшжонов ёзган. Хондамирнинг "Макоримул-ахлоқ" ва Бухоро хони Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхоннинг "Томут-таворих" каби нодир манбаларнинг қўлёзмаларини ўқиб-ўрганиб ёзган "Сўнгги кун, сўнгги шеър" таъсирли мақоласи диққатимизни тортди. Устоз мақоланинг иқтибосида форсча матнларнинг таржимасига ёрдам берган атоқли матншунос олим П.Шамсиев номини ҳам тилга олган. Уни қадрли журналхонларга ҳам илиндик.

Буробия РАЖАБОВА

СЎНГГИ КУН, СЎНГГИ ШЕЪР



Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ҳақидаги ривоятлар ҳар қандай китобхонни бефарқ қолдирмаса керак. Айниқса, улуғ шоир ҳаётининг сўнгги куни ва унинг охирги асари ҳақидаги қуйидаги маълумот:

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари машҳур тарихчи Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамирнинг "Макоримул-ахлоқ" асарида тафсилоти билан ёритилган. Хондамир ёзишича, ҳижрий ҳисоб билан 966 йил (милодий ҳисоб билан 1500 йил) жумадил-охир ойининг еттинчи куни, яъни сешанбада Навоий Астраободдан отасига қарши бош кўтарган Муҳаммад Ҳусайн Мирзони тинчлантириб Ҳиротга қайтаётган подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқарони кутиб олиш учун Қусавия қишлоғқига йўл олади. Шоир ва уни кузатиб бораётган кишилар Париён работида тўхтаб дам оладилар ва шу ерда тунайдилар. Чоршанба куни эрталаб Навоийнинг кўзи деворларга ёзилган шеърларга тушади. Бу шеърлар орасида хусусан ўлим ҳақидаги қитъа унинг фикрини ўзига тортган:

Дар ин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,
Ки одами чу кунад ба қазойи кунфакун.
Фуруғи набз чу шуд мунҳариф зи жумбиши асл,
Ба лойи ажз фуру рафт пойи Афлотун.
Салоҳи табь чи сўйи фасод рўй ниҳод,
Бимонд беҳуда дар дасти Бу Али "Қонун".

Мазмуни:

Бундай пайтда ҳеч бир доно ҳеч нарса қилолмайди.
Тангри қазосиға қарши ким нима қила оларди!?
Томир уриши ўзгариб, асл ҳаракатдан четлашса,
Афлотун оёғи ҳам ожизлик лойига ботиб қолади.
Табь соғломлиги айнишга юз ўгиргач.

Абу Али (Сино) қўлидаги "Қонун" бефойда бир нарса бўлиб тураверади.



Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий. Темур Жалолиддинов портрети

Бу шеърдан Навоий чуқур таъсирланади ва дунёнинг ишларига таассуф билдириб, бир нарсани олдиндан билгандай, сезгандай, ёнида турган одамларга шундай дейди:

– Ҳамма одам ҳам боқий дунёга юз ўгирмай иложи йўқ. Ўлим ва ҳаётни, яратувчининг истагини ҳеч ким қайтара олмайди.

Навоий шундай дейдию, йўлга тушиб, Поёб работига бориб тўхтайдилар. Кун бўйи шоир эрталаб ўқиган шеърининг таъсирида юради. Шу кеча, яъни чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси лашкаргоҳдан Мавлоно Вайс деган одам келиб, подшоҳнинг бу кеча Амир Шоҳмалик деган работга келиб тўхташини, сўнг яна йўлини давом эттиражагини хабар қилади. Навоийнинг бу вақтда соғлиғи анча ёмонлашган, тез-тез боши оғриб турар эди. Навоий бу кеча ҳам кам ухлайди ва шу кеча у Париён работидаги деворда ўқиган шеъри таъсирида ўзининг сўнгги ғазалини ёзган.

Бу тўғридаги маълумот Хондамирнинг "Макоримул-ахлоқ" асарида эмас, балки Бухоро хони Абдуллахоннинг (1567–1598 йилларда ҳукмронлик қилган) ўғли Абдулмўминхоннинг "Томут-таворих" (Бу асарнинг ягона нусхаси Мозори Шарифдаги (Афғонистон) Балх музейида сақланади. Инв. № 1614) деган асарида учрайди. Абдулмўминхоннинг ўзи Навоий ва унинг ижодини яхши билган ҳолда, баъзи маълумотларни Мавлоно Али Бурҳоний тилидан келтиради. Абдулмўминхон улуғ шоир ҳаётининг сўнгги куни ҳақида ҳам маълумот берган бўлиб, улар қуйидагича:

"Ва Мавлоно Али Бурҳонийки, аз жумлаи китобдори Мир (Навоий) буд, мегўядки, рўзе хабари омадани Ҳазрат Ҳоқони марҳум (Султон Ҳусайн Бойқаро) омад, он жаноб доия намудки, ба истиқбол равад. Чун шаб шуд, ҳангоми саҳар фақирро талабид, ғазали туркий гуфта буд ва маро фармудки, би навис! Навиштам ва онро ба дасти

фати дод ба Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) фиристод. Ва мусаввадаи он ғазалро ба фақир супурд. Он шеър дар девонҳо навишта шуда буд ва дар он ғазал тамоми ҳолати видои худро баён карда буд".



Таржимаси:

"Мир (Навоий)нинг китобдорларидан бири бўлган Мавлоно Али Бурҳоний шундай дейди: "Кунларнинг бирида марҳум Ҳазрати Ҳоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) нинг қайтиш хабари келди. У жаноб (Ҳоқон) унинг истиқболига чиқишни айтган эди. Кеч кирди. Саҳар вақтида у киши мени чақиртирди. Бир туркий ғазал ёзган экан. Менга "Кўчир!"деб буйруқ қилди. Мен кўчирдим. Уни бир чопар йигитнинг қўлига бериб, Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) га юборди. Ва у ғазалнинг мусаввада (қоралама)сини эса менга топширди. У шеър шоирнинг девонларига битилган. Ва у ғазалда шоир ўзининг ҳаёт билан тамом видолашув ҳолатини баён қилган эди".

Абдулмўминхон ўша ғазалнинг уч байтини келтирадики. Бунда чиндан ҳам кекса ва кучини йўқота бошлаган буюк шоирнинг сўниқ кайфияти ўзининг таъсирли ифодасини топган:

Не кўзум ёрой, ул оразни манзур айламак,
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак.

Яъни ул кўнглумда, бал жонимда дард ўти эрур;
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак.

Эй Навоий, қил фидо жоноғаким, жон, лоф эрур –
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.

Бу ғазал шоирнинг бизга маълум қўлёзма девонларида ҳозирча учрагани йўқ. Бунда шоир ғазалининг лирик қаҳрамони – ошиқ номидан кўзи яхши кўрмаётгани, ҳатто тили бир умр куйлаган севгилисининг отини айтишга ҳам ожизлик қилаётганини, кўзи ҳам, тили ҳам энди ҳориб, ёр олдида узр сўрашга мажбур эканлигини, қисқаси энди гапда эмас, амалда ўз жонини ёри (яъни Худо) учун фидо этишга тайёрлигини сўзлаб, ўз ҳасратини тўкиб солган ва аҳволининг паришонлигини Султон Ҳусайн Бойқарога шу йўсинда маълум қилган. Шунинг учун Абдулмўминхон ҳақли равишда бу ғазални шоирнинг ҳаёт билан видолашув шеъри сифатида баҳолаган. Чиндан ҳам бу унинг охирги шеъри эди. Бу тасаввуф руҳидаги шеър ёзилганда Мавлоно Али Бурҳоний жуда ёш бўлганига қарамай, бу ғазал мусаввадасини эҳтиёт қилиб, табаррук ёдгорлик сифатида бир умр сақлаган ва оқибатда бу асар тарих саҳифаларидан жой олган. Навоий бу ғазални саҳарда ёзиб тугатган экан, демак, у ўз ҳаётининг сўнгги кунида ҳам қалам тебратган, ижод қилган.

Пайшанба куни тонг отгач, Навоий бамдод номозини ўқиб, отга миниб, Амир Шоҳмалик работи томон йўл олади. Шу пайтда унинг боши айланаётгани ҳам маълум бўлади. У Амир Хожа Шаҳобиддин Абдулла деган қадрдонини ёнига чақириб, ундан хабардор бўлиб



туришни илтимос қилади ва унга аҳволи анча ёмонлашиб қолганини билдиради. Хондамир “Макоримул-ахлоқ”да Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро қаерда учрашганини айтмайди. Абдулмўминхон эса уларнинг Ҳиротдан ўн бир тош наридаги Хожа Аббос деган жойда учрашганларини маълум қилади. Хондамир икки улуғ шахснинг қандай кўришганларини қуйидагича ҳикоя қилади:

“Шу пайтда аъло ҳазратнинг қўлини ўпишга етишмоқ учун (Навоий) отдан тушди. Тўсатдан ёпишган касалликнинг оғирлиги охирги нуқтага бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан , мазкур амир ва Мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшоҳ қучоғига қўя олди. У буюклик ва дабдаба доирасининг маркази аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат ғоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ ўрни бўлмаганлигидан, аҳвол сўраш ва илтифот маросимларидан кейин ўтиб кетди. Шу онда бу касал сакта(ҳис ва ҳаракатнинг тўхтаб қолиши)га айланиб, олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади”.

Орадан жумъа ва шанба ўтиб, якшанба куни, яъни (милодий 1501 йил 3 январь) эрта билан улуғларнинг улуғи, даҳоларнинг даҳоси Алишер Навоий ҳаётдан кўз юмди. У ўзининг бутун умрини охирги кунигача ижодга ва хайрли ишларга бағишлаган эди.

“МУҒАННИЙ ТУТСА ЖОМИ МАЙ САБУҲ...”

Нозимахон МИРЗАЕВА.

Мир Алишер Навоий номи қайси жабҳадан қаралса ҳам, тарихимизда мўътабарлик ва буюклик билан жаранг топади. Хусусан, унинг XV аср иккинчи ярми темурийлар тарихи ва давлатчилик бошқарувидаги ўрни роли муайян равишда муҳим аҳамиятга эга.

Навоийнинг ўз давридаги фаол сиёсий фаолияти билан бирга кўплаб бунёдкорлик ишлари, фан, маданият, санъат ва адабиёт юзасидан хомийлиги илмий адабиётда муносиб баҳосини олган .Ҳазрат Навоийнинг адабиёт, санъат, маданият ривожи учун қилган ҳизматлари ўз даврида ва бугунги кунга қадар улуғланиб, ўрганилиб келинмоқда. Шу жумладан, унинг мусиқа илми ҳақидаги қарашлари ҳам бир қанча асарларида ўрин олган. Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” таркибидаги девонларида бир-бирига ўхшамаган ва такрорланмайдиган мусиқий жиҳатларини кўриш мумкин. Мисол учун, “Фавойид-ул-кибар”даги бир байтда муғанний(хонанда)ни ойдек гўзал (маҳваш) ёрга қиёсан соқий (пир, муршид) янглиғ тонгни ҳам май билан баҳраманд этишини истамоқда. Агар у шундай илтифот кўрсатса эди, тонг юлдузи (Зуҳро) янада ёрқинроқ, янада сержило бўлган бўлур эди:

Тонг йўқ ул маҳваш муғанний тутса жоми май сабуҳ,
Не учункимЗуҳрадур толиъ, бўлур ахтар сабоҳ.

Бу билан инсон учун ёқимли куй, сеҳрли навонинг ўрни беқиёс эканлиги, унинг ошиқ қалбиги қанчалар таскин бера олиши мумкинлиги гўзал сатрларда кўрсатиб ўтилган.

Яна, муғаннийнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти юксак баҳоланган. Масалан, ошиқ (муаллиф – Навоий) ҳажрдан ўлим олдида турибди. Унга фақат соқий қуйган май ва муғанний чалган куй ором бағишлаши, уни ҳаётга қайтариши мумкинлиги келтирилган:

Ҳажрдин ўлди Навоий, соқиё, тут жоми май,
Эй муғанний, сен наво оҳангида қўпса қубуз.

Ошиқ (Навоий) шу қадар фиғонлар чекадики, бу фиғон олдида созанда-ю хонандаларнинг куй ва қўшиқлари арзимас садо бўлиб қолади:

Муғанний, Навоий фиғонин эшит,
Ки, созинг аро зер ила бамда йўқ.

Фиғон ва куй ҳамоҳанг қўйилишидан мурод ҳар иккисининг дилга ором берувчи хусусияти мавжуддир. Куй ва қўшиқларни эшитганда қалб таскин топса, фиғон ёр дарди ила чекилган ширин азобдир. Ёрнинг дарди ила яшамоқлик ҳам бир саодатдир.

"Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги қуйидаги байтни оладиган бўлсак, биринчи мисрада учровчи базм аҳли ким? Улар ошиқ аҳли (ҳақиқий ишқ аҳли – Аллоҳга ошиқлар) бўлиб, базмда ўз ошиқликларини намоён этишади. Ва уларнинг қалбига муғаннийнинг садолари жон бахшида этмоқда. Агар шундай бўлар экан, (ошиқ) Навоий жон ипларини муғанний чанг(соз)ининг торларига бахш этади. Чунки унинг жони беҳуда кетмади, ошиқлар учун хизмат қилди:

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлиға тонг йўқким,
Навоий риштайи жонин эшиб чангига тор этмиш.

Бу мисралар орқали муаллифнинг ошиқ аҳлига бўлган муҳаббати, уларга садоқатини кўриш мумкин. Шу билан бирга, камтарлик мотивлари ҳам сезилиб туради. Чунки у (муаллиф) ўзини ҳали бери ошиқ аҳли қаторида санамайди. Ошиқ аҳлига хизмат қилаётган мурид сифатида билади.

Чу мажнун қилдинг эмди, эй муғанний, гўшатобингни,
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнумға тумор эт.

Бу ерда шоир, эй муғанний, девона қилдинг энди кўнгил таскин топиши учун гўшатобингни (чолғуйингнинг қулоқларини) бўйнимга тумор қил. Телба бўлганимдан бутун дардларим янгиланди. Ичимга қон тўлди, деб ўз аҳволини тасвирлайди. Навоий мазкур мисраларида (ошиқ) кўнгилнинг дардларидан халос бўлишни муғаннийнинг ёқимли куйидан таскин топишини айтмоқда.

Санга кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра,
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғоний бас.

Шоир муғаннийдан бу даврада Довудий куйини чалгинки, бу оҳанг билан майхона аҳлига ичаётган майи худдихушбўй жаннат сувидек жонига оро беришини айтмоқда. Майни ичаётган киши ичимликдан эмас, балки оҳанграбо куйдан маст бўлишини билдирмоқда. Чунки ҳар қандай маҳорат билан

Фойданилган адабиётлар:
1. О.Жўрабоев. Мумтоз адабиётда муғаннийнома Тошкент, "Tamaddun", 2016
2. Л. Жўраева. Алишер Навоий муғаннийномалари – Тошкент: Мумтоз сўз 2011.
3. П.Шамсиев, С. Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.

“ДЎСТИМ ТЎҒРИ АЙТГАН ЭКАН...”

ИККИ ДОНИШМАНД

Нақл қилишларича, бири – зоҳирий (дунёвий), иккинчиси – ботиний (илоҳий) илмларда тенгсиз бўлган Шайх ур-раис Абу Али Ибн Сино ва орифлар султони Шайх Абусаид Абулхайр Меҳнавий бир-бирининг овозасини эшитиб, Нишопур шаҳрида учрашадилар. Олим ва Шайх суҳбати уч кеча-кундуз давом этади. Шундан сўнг шогирдлари Ибн Синодан:

– Шайх ҳақидаги фикрингиз қандай? – деб сўраганларида:

– Ҳар неники, мен билсам у ҳис қилади, – деб жавоб беради.

– Аллома ҳақида фикрингиз қандай? – деб муридлари Абусаидга мурожаат қилганларида эса:

– Ҳар неники, мен ҳис қилсам, у билади, – дейди.

ЧАЛҒИТИШ

Жуда хасис бойлардан бири таксидан тушгач, чўнтагини қовлашга тушибди.

Бир пайт ўзига-ўзи шивирлаб:

– Ҳамёним таксига тушиб қолибди шекилли, – деса ҳайдовчи шу заҳоти машинани ҳайдаб кетиб қолибди.

Шунда бой кулиб:

– Дўстим тўғри айтган экан... – дермиш.

ТЎН

Бир куни афанди тўйга борибди. Қайтишда тўй эгалари казо-казоларга чиройли тўнлар кийдиришибди. Насриддинга эса эшакни пўстинини берибди. Шунда афанди ҳаммага эшиттириб дебди:

– Кўрдингизми, сизларга тўн кийдиришди. Менга эса ўзларини кийимларидан ҳадя қилишди!

ХУРСАНДЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

Бой хизматкорини чақириб буюрибди:

– Кучугимни думини кесиб ташла!

Хизматкор ҳайрон бўлиб:

– Ахир бу содиқ итингиз-ку.

– Эртага қайнонам келаётган экан. Уни ташрифидан ҳеч қандай хурсандчилик намойиш этилмаслиги керак!

ИШҚСИЗ – ЭШАК

Ривоят қилишларича, Сайфиддин Бохарзий бир куни илоҳий ишқ тўғрисида важду илҳом билан суҳбат қилаётганида бир аҳмоқ кимса томдан тараша тушгандай савол ташлайди:

– Шайх ҳазратлари! Мен эшагимни йўқотиб, ночор аҳволга тушиб қолдим – шуни топиб берсангиз.

Маълум бўладики, бу Худованди карим марҳаматидан мосуво бадбахт кимса хонақоҳга Шайх ул-оламнинг илоҳий ишқ тўғрисидаги оташин ваъзларини эшитишга эмас, балки Шайх каромати ёрдамида эшагини топиш илинжида келган.

Бу саволдан ҳамма ҳангу манг бўлиб қолади. Шайх эса пинагини бузмай:

– Озгина сабр қилсанг, мен эшагингни шу ердан топиб бераман, – дейди ва суҳбатини давом эттириб, давра аҳлига мурожаат қилади:

– Ораларингда муҳаббат кўчасидан ўтмаган, ишқ лаззатини тотиб кўрмаган, юраги сира жиз этмаган киши борми?

– Мен умрим бино бўлиб муҳаббат нималигини билмайман, – дебди бир киши ўрнидан туриб.

– Ол, мана эшагинг топилди, – дейди шунда Шайх эшагини йўқотган кишига.

БОЙЛИКДАН ФАҚИРЛИК АФЗАЛ

Мавлоно Жалолиддин Румий уй хизматчисидан:

– Уйда бирор нарса борми? – деб сўраганида:

– Йўқ, – деб жавоб берса, хурсанд бўлиб:

– Худога шукрки, бугун бизнинг уй Пайғамбарнинг уйига ўхшабди, – дер экан. Мабодо:

– Ҳамма нарса муҳайё, – деса, хафа бўлиб:

– Бугун бу уйдан Фиръавн уйининг иси келаяпти, – дер экан.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тўплади.

Summary

The 3rd issue of the magazine is dedicated to the 30th anniversary of our country's indepence. The magazine includes more than a dozen articles which are about the development of literature, history of classical literature, literary criticism, comparative literature, theory of literary translation, the current literary process over the past thirty years, in addition, the articles in which are shown the growth of the studies Navoi and Babur's creation for thirty years. The journal begins with a report by Professor Munavvera Tekjen on the book «A Gift to Zokirjon Majrabov» or «A Life in the Footsteps of Babur» published this year in Istanbul, Turkey. And then in journal was published an article «If you are looking for Bobur go and see Zokirjon Mashrabov" which is about the chairman of the Babur International Public Foundation by the Afghan baburist Azizullah Araal, an article on B. Rajabova's study of the Boburnoma in a new context, an article by Sulaymon Khalilov about "Devon" which was found in Hamburg, Germany, Ergash Ochilov's article on the interpretation of the teacher-student relationship between Navoi and Lutfiy, Abdulaziz Kasimov's article on the translation of Faust by the Hero of Uzbekistan Erkin Vahidov, Manzura Otajonova's article on the interpretation of a common literary phenomenon in the works of Turkic peoples on the example of Nodir Normatov's work. The «Yodnoma» section of the magazine includes a good article entitled «The Last Day, the Last Poem», which interprets Navoi's death based on reliable sources, by famous Navoi scholar Abdukodir Hayitmetov. The «Immortal Lines» section of the magazine contains examples of lyrical poems by the National Poet of Uzbekistan Omon Matjon. Gulchehra Sultanova's article analyzing the unique style of Khorezm carving is also included.

To conclude, the articles published in the 3rd issue of the magazine «Bobur and the world» can be considered as a high example of the attention paid to science and literature in our country.

МУАССИС
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Таҳрир ҳайъати

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист

Нашр учун масъул: **Буробия РАЖАБОВА**

Навбатчи муҳаррир: **Яшнар МЎМИНОВА**

Саҳифаловчи-диз@йнер: **Ғафуржон МАДАЛОВ**

Мусаҳҳиҳ: **Муяссар ИБРОҲИМОВА**

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Матилардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақлидир. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди 2021 йил 25 сентябрь соат 10:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2021 йил 25 сентябрь соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма тобоғи 9.
420 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Журнал «Standart Poligraph Books» МЧЖ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили:
Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-Б уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланади



Бобир Мон Синг ва Бикраможит саройларини томоша қилмоқда (в. 478а)

«Бобурнома» расмлари (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970 й.) китоб-альбомидан олинди.